

ҲАКИМЖОН МАДРАҲИМОВ

ЭЛЛИКҚАЛЪА МУЎЖИЗАСИ

*(Мулла Тухтабой ота ҳақидаги янги маълумотлар,
фикрлар, шеърлар)*

(Иккинчи китоб)



II



Тошкент
“Meriyus”
2012

53.59 (59-61 Кор) - Халқ таъбири

УДК: 615.8

ББК: 5359 (5У-6Қ)

М-14

Мадраҳимов Ҳакимжон.

Элликқалъа мўъжизаси: мулла Тўхтабой ҳақидаги янги маълумотлар, фикрлар, шеърлар/Ҳ. Мадраҳимов. - Тошкент: MERIYUS. - 2012. - 192 б.

Ушбу китобда Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида истиқомат қилувчи халқ таъбири вакили Тўхтабой ота Болтабоевнинг хислатлари ва у кишига берилган ботиний илмларнинг ҳаётини натижалари хусусида гап боради. Кўпчилик учун ибрат бўладиган ҳаётини тажрибалар, инсоний фазилатлар, соғлиқни сақлашнинг халқона тавсиялари, покликка ва ҳалол яшашга даъват этувчи панд-насиҳатлар ҳам ушбу китобдан ўрин олган. Шунингдек, "Ҳазрати Кечирмас ота даргоҳи илҳомлари" рукнида шоир ва шоираларнинг шеърлари ҳам келтирилган. Мазкур рисола дардига даво, руҳига шифо излаган оддий замондошларимизнинг қувончу ташвишлари ҳақида ҳикоя қилади. Рисола шу номдаги китобнинг иккинчисидир.

Тақризчилар:

Ш.С.НАМАЗОВ,

*техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор*


Ш.Х.ЖАЛИЛОВ

*истеъфодаги ҳарбий тиббиёт хизмати
полковниги*

Масъул муҳаррир

Икромиддин ОСТОНАҚУЛОВ

тарих фанлари доктори



ISBN 978-9943-395-50-3

© "Meriyus" ХНМК, 2012 й

© Мадраҳимов Ҳакимжон, 2012 й

КИТОБ ҲАҚИДА

Марказий Осиёнинг олиму уламолари бундан минг йил бурун авлиёларнинг пайдо бўлиши, уларнинг турмушдаги яшаш тарзлари, одоб ва ахлоқлари, илмий-иждодий фаолиятлари ҳамда кароматлари тўғрисида ёзган юзларча тарихий китобларнинг қўлёзмалари маълум. Ҳатто Муҳаммад Ҳаририйнинг "Тазкират ул-анбиё" (Пайғамбарлар тарихи) ҳам бизгача етиб келган. Авлиёларнинг тарихи тўғрисида Имом Ёфеъийнинг "Футуввати Маккий" (XI аср), Абдурахмон Сулабийнинг "Табоқот ус-суфия" (XI аср), Фаридуддин Атторнинг "Тазкират ул-авлиё" (XIII аср), Абдурахмон Жомийнинг "Нафахот ул-унс" (XV аср), Мир Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" (1496 йил) асарларидир. XVI асрдан кейин ушбу анъана давом этган ҳолда ўз даврининг тарихчилари томонидан янада кўп асарлар ёзилиб, бизгача қўлёзма ҳолида етиб келди. Улар Фахриддин Али Сафийнинг "Рашаҳот айнул ҳаёт" (1503 й), Хасанхожа Нисорийнинг "Музаққири аҳбоб" (1566), Тоҳир Эшоннинг "Тазкират ул-Нақшбандия (1747), Гулом Сарвар Лоҳурийнинг "Ҳазинат ул-асфие" (1864) ва бошқа қатор қатор муаллифлар ёзган қўлёзмалар шулар жумласидандир. Ушбу асарлар умуминсоният тафаккур оламида буюк аҳамият касб этиши билан жаҳон олимларида катта қизиқиш уйғотган эди. Бунинг сабаби, тарихий даврларда дунёга келган пайғамбарлардан сўнг халқни ҳақиқий-соф ва пок бўлган тўғри йўлга солувчилар сифатида авлиёлар пайдо бўла бошлади.

Имом Нуриддин Аҳмад ибн Маҳмуд Абу Бакр ас-Сабуний ал-Бухорий (ваф. 1184), Султон ул-Муъизиддин Абу Мансур Мотуридийнинг асарлари асосида ёзган "Бидоят фи усулиддин" (Ақоид) асарида шундай ёзади:

“Ниҳоятул анбиё фи бидоятул авлиё”, яъни пайгамбарлар келишининг тўхтатилиши авлиёликнинг бошланишидир.

Алишер Навоий “авлиё” тушунчасини Абу Абдуллоҳ ас-Саломий тўғрисидаги баёнда шундай ёзади: «Андин сўрдиларки, авлиёulloҳни халқ орасида не осор ва аломат била топгайлар? Дедиким: такаллумнинг латофати била, хулқининг хўблиғи била ва юзининг тозалиғи била ва нафсининг саховати била ва эътироз ҳиллати била ва узрнинг қобули била барча элга солиҳ ва хоҳ толиҳ».

Демакки, авлиёлар Пайгамбарлардан кейин халқни тўғри йўлга солувчи экан. Алиёлар халқ ичидаги кишилардир. Улар отадан пайдо бўлган ва онадан туғилган киши демакдир. Яъни авлиёлар бошқа коинотдан тушган эмас. Шундай экан, улар халқ билан бирга яшовчи кишилардир.

Инсоният ҳаёт — турмуши қарама-қаршиликдан иборат дунёдир. Жумладан, бойлик — йўқчилик, яхшилик — ёмонлик, сахийлик — зиқналик, мардлик — номардлик, билимлилик — билимсизлик, ақллилик — нодонлик, жисмоний кучлилик — кучсизлик, соғлик — касаллик, умри узунлик — қисқалик, ва бошқа қатор — қатор ҳаётий масалалар бир-бирларига қарама-қаршилик сифатида мавжуд. Бунинг учун ушбу масалалар кишининг ақл-тафаккури ва анинг идроки билан ҳал этилади ҳамда ўзининг ечимини топади.

Авлиёлар эса оддий кишилардан фарқли ўлароқ уларнинг қалбига ғайбий илм бўлмиш ботин, яъни кўзга кўринмас илмлар юқтирилган. Ушбу ботиний илм ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. *Илми ладуний*. Аллоҳнинг пайгамбарларига, ориф — авлиёларга иноят этилган илмлар;
2. *Илми варидот*. Муайян зотнинг ақлига ва фикрига иноят қилинган билим, тушунчалар;
3. *Илми воқеъ*. Туш асносида аён қилиб уқтирилган илмлар.

Ушбу гайбий илмлар юқтирилган авлиёларнинг баъзилари зоҳирий илмлардан баркамол бўлса, баъзилари унинг аксича бўлар эди. Булар ўз ҳаётларида махсус касблар билан шуғулланар эдилар. Жумладан, этикчи, темирчи, қассоб, новвой, қурувчи, ҳаммол, ўтинчи ва бошқа шу каби касблар билан шуғулланиб, тирикчилик ўтказган эдилар. Масалан, буюк авлиёлардан Иброҳим Адҳам — ўтинчи, Жунайд Бағдодий — шиша ясовчи, Нажмиддин Кубро — табиб, Хожа Аҳмад Яссавий — деҳқон, Шайхул ислом пири Ҳиравий — этиқдўз бўлганлар. Бу каби касбларни эгаллаш билан бирга, авлиёлар сиррул асрор — ғойибий илмдан бохабар кишилар эди.

Увайс ва Вайс иборасига келсак. Навоий Увайс Қараний тўғрисида бундай ёзади: «...ва ҳазрати соллаллоҳу алайҳи васалламни ул кўрмайдилар эрди ва ул ҳазрат ҳам они зоҳир кўзи билан кўрмадилар. Маъно ва руҳоният юзидин тарбият қилиб эрди. Бу жиҳатдин ҳар киши бу тоифада зоҳир юзидин пири маълум бўлмаса ва машойихдан бирининг руҳи они тарбият қилгон бўлса, они Увайсий дерлар».

Абдухолиқ Гиждувоний Увайс сифатида, шоира Жаҳон Отин ҳам Увайс сифатида маълум эдилар.

Ҳакимжон Мадраҳимовнинг ёзган “Элликқалъа мўъжизаси” китоби гайбий илмларга ноил бўлган Тўхтабой Болтабоев тўғрисида битилган экан, ушбу китоб халқимизга руҳий шифо бағишловчи хилма-хил кароматлардан дарак беради. Китобнинг нашр этилишида халқимизга наф ва фойда берувчи янги-янги маълумотлар юзага чиқади, деб умид қиламан.

Ҳамидхон Исломиёв,
манбашунос, халқаро Имом Бухорий
мукофоти совриндори
14.02.11 й.

ТАҚДИМ

Инсоният ер юзидаги барча махлуқотлардан мукаррам қилиб яратилди. Унга бошқа яралмишларга ато қилинмаган неъматлар берилди. Аввало, инсонга ақл берилди. Инсон мана шу ақли билан бошқа мавжудотлардан ажралиб туради. Шу билан бирг, инсон яратганининг олий мўъжизасидир. Инсоннинг танаси, руҳи, туйгулари ва улардаги мутаносиблик инсоний ақлга сифмайди. Шунинг учун ҳам олиму фузалолар азал-азалдан инсон хилқатини тадқиқ этиб келадилар. Гарчи шу пайтгача инсон жисми борасида маълум бир хулосаларга келинган бўлса-да, аммо ундаги руҳий қобилият ҳақида ҳали тўла тасаввур ҳосил қилинган эмас. Бироқ шуни айтиш мумкинки, бу борадаги изланишлар ҳамон давом этмоқда.

Сўнгги йилларда номи кўпчиликка таниш бўлиб қолган элликқалъалик Тўхтабой ота Болтабоев ҳам инсон руҳиятини урганаётган ва мана шу уринишлари асносида кўпчиликнинг дардига малҳам бўлаётган ҳакимлардандир. Тўхтабой отанинг одамларнинг жисмоний – руҳий ҳолатларини кўриб айтиб бериши илмий исботланган ҳолат. Зеро, инсонда жисмоний ҳолатни билдирадиган нур ҳар доим нурланиб туради. Инсонда жисмоний қатламлар бўлиб, улар орқали нурланиш қатлами, жисмоний руҳий ҳолатлар аниқланади. Эфир ва ментал қобиқлар орқали инсоннинг руҳий ҳолатлари ифода этилади.

Тўхтабой отанинг қилаётган муолажалари жисмоний эфир ва ментал қобиқлари орқали берилаётган маълумотларни хосиятларидир.

Бундан ўн йилча бурун «Сирли олам» журнали ҳамда «Қалб кўзи» газеталарида Тўхтабой ота ҳақида, у кишининг ҳакимлик фаолияти ҳақида шифокор Алижон Зоҳидий ва журналист Рустам Сафоевнинг «Элликқалъалик кароматгўй» номли очерки эълон

қилинган эди. Ушбу чиқишлардан кейин отанинг муолажасига қизиқиш янада ортди. Ростдан ҳам Тўхтабой ота Болтабоев Эллиққалъа туманида жойлашган «Кечирмас ота» зиёратгоҳига келаётган юзлаб зиёратчиларга ўзининг панд-насиҳати ва илми амали билан руҳий таскин бериб келмоқда. Шу билан бир қаторда Тўхтабой ота мазкур даргоҳда ва яна бир қанча зиёратгоҳларда кенг кўламдаги ободончилик ва хайрия тадбирлари билан кўпчиликка ўрнатилган бўлмоқда.

Ҳар бир инсон ким бўлишидан қатъи назар, ўз ҳаёти давомида Она-Ватанининг равнақи ва келажаги учун чин юракдан хизмат қилиши ҳам фарз, ҳам қарзидир. Бугунги кунда олимларимиз томонидан яратилган катта кашфиётлар, ихтиролар, фан ва таълим тизимида қўлга киритган ютуқларимиз энг ривожланган давлатлар томонидан тан олинмоқда.

Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро ўз миллатидан ва қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ўзига оддий бир саволни бериши керак "Мен ҳаётим даврида муқаддас Ватан учун шу кунгача нима қилдим ва яна нималар қилишим керак?" Бу саволга ижобий жавоб бериш ҳар бир инсондан тинимсиз ҳалол меҳнат қилишни талаб этади.

Ҳозирги пайтда бутун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотида долзарб вазифалардан бўлган ОИТС (одам иммунитетни танқислик синдроми), гиёҳвандлик, таносил касалликлари ва юқумли жигар касалликларини олдини олиш каби вазифалар турибди, булардан ташқари, инсон танасида ҳар хил ўсимта касалликлари ёшариб бормоқда. Мана БЖССТ - ҳисоботига қараганда, аёлларда кўкрак беши ўсимтаси жаҳон касаллиги номенклатурасида биринчи ўринга чиқиб олган.

Тўхтабой ота Болтабоевнинг фаолиятига бағишланган ушбу китоб муаллифи Ҳакимжон Мадраҳимов ўзининг олдига қўйган мақсадларига бир қадар эришган. Муаллиф табиб Тўхтабой отанинг фаолиятини ўн икки йиллар давомида кузатиб, кенг оммага ҳали маълум бўлмаган

ва ноёб жиҳатларини нозик иллаган ҳолда қоғозга туширган.

Мазкур рисола яна шуниси билан аҳамиятлики, муаллиф унда табибнинг ноёб хислатларини унга берилган ботиний илмларнинг якуний натижаси сифатида тасвирлайди. Муаллиф унда табиб фаолиятида тасаввуф таълимотининг бош гоёси — комиликка интилиш қай тариқа намоён бўлишини ҳар тарафлама очиб беришга уринади. Яъни замондошимиз бўлган бир хислатли одам тимсолида умуман жаҳолат, бидъат ва хурофотга қарши кундалик кураш йўллари очиб беришга ҳаракат қилади. Китобда бошидан — охиригача инсонни маърифатга чорлаш, маънавиятни улуглаш гоёси устун туради.

Ушбу пок ниятларни мақсад қилиб олган китобни оммага етказиш улкан савоб иш бўлиши шакшубҳасиздир. Умумлаштириб айтганда, ушбу китобда инсон учун ибратли бўлган барча масалалар чиройли ёритилган ва унинг асосий мазмўни юзасидан эса муаллиф томонидан чуқур фикр ва мулоҳазалар, тегишли хулосалар қилинган ва таклифлар берилган. Бизнингча, ушбу китобни ўқиб чиққан ҳар бир шахс яхши фикрда бўлади, чунки унда келтирилган барча мисоллар ҳар томонлама фойдалидир. Ўйлаймизки, ана шу фойдани мухтарам ўқувчиларимиз китобнинг мутолааси асносида ўзлари топадилар.

Ш.С.Намазов

*ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти
лабораторияси мудир, т.ф.д, профессор. Республикада
хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор*

Шаҳобитдин Джалилов

*истеъфодаги iарбий тиббиёт хизмати
полковниги*

МУҚАДДИМА

Расмий китобларда диндорлар сигинадиган жойларни зиёраттоҳлар, қадамжолар, умуман, муқаддас жойлар, деб аталади. Фақат диндорлармикин? Ихлос қуйганларни, астойдил ният қилиб зиёратта борганларни ҳам дин аҳллари деймизми? Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуасини, Шохизиндани, Бухородаги Қасри орифонни, Тошкентдаги Занги ота марқадини, Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбарасини, Кўҳна Урганчдаги Нажмиддин Кубро қубурини диндорлар билан бирга динга алоқаси бўлмаган, умрида пешонаси саждага тегмаган одамлар ҳам зиёрат қиладилар.

Зиёраттоҳ, қадамжолар, умуман, муқаддас жойлар деганда нимани тушунамиз?

Пайгамбарлар, авлиёлар, саҳобийлар, табаррук шайхлар, эшонларнинг мақбаралари, шунингдек, муқаддаслашган шаҳарлар, табаррук деб ҳисобланган чашмалар, дарахтлар, тепаликлар, ғорлар зиёраттоҳ деб аталади ва улар одамлар томонидан тавоф қилинади. Зиёраттоҳлар барча халқларда бор. Ҳар бир халқ ўз эътиқоди бўйича ўша қадамжоларни зиёрат қилади.

Аммо барча халқларга нисбатан мусулмонларда зиёраттоҳлар кўп. Биргина Ўзбекистонимизнинг ўзида юзлаб зиёраттоҳлар бор.

Биз бу навбат ҳам Кечирмас ота мақбараси зиёратига етаклаймиз, аввалги биринчи китобда бўлганидек, бу мақбара ва у ердаги Тўхтабой Болтабоев даргоҳида бўлаётган сир-синоатларнинг янгилари билан таништиришга бел боғладик. Қани, кетдик Эликқалъага!

Ихлос қўймай, севиб бўлмас.
(Халқ ибораси)

ЗИЁРАТГОҲЛАРГА БИР НАЗАР

Юртимиз алломалар юрти, азизлар маскани. Диёримизда улут инсонларнинг зиёратгоҳлари жуда кўп. “Қасри Орифон” (Бухоро, Баҳоуддин Нақшбанд тугилган ва дафн этилган жой), Имом Бухорий мажмуаси (Самарқанд, Челақ қишлоғи), Хастимом (Ҳазрати имом Қафғол Шоший, ҳозирда Ҳазрати Имом мажмуаси), Занги ота марқади (Тошкент вилояти, Зангиота тумани) сингари қадамжолардан ихлосмандларнинг оёқлари узилмайди. Жумладан, қорақалпоқ заминида кўп асрлардан буён ўзининг сирли жозибаси билан кишиларни лол этиб келаётган Увайс Қараний XI – XIV асрлар мобайнида бунёд этилган), отаи Кечирмас ота (XVII – XIX асрлар ўртасида яратилган, бу мажмуаларнинг ҳар иккаласи Беруний туманида), Тўрткўл туманидаги Қаландардағ (XVIII – XIX асрлар), Норинжон бобо (XII – XIV асрлар) мажмуалари, Хўжайли туманидаги Мазлумхон сулув ва Миздаҳқон (XI – XIX асрлар), Қўнгирот туманидаги Бетули (XII – XIV асрлар) Довут ота мақбараси, Мўйноқ туманидаги Ҳаким ота мақбараси ва қабристон, Эллиққалъа туманидаги Аёзқалъа мақбараси (III – VIII асрлар, бу жойда иккита Аёзқалъа бор ва уларни биринчи ва иккинчи деб атайдилар), Тупроққалъа (III – VII асрлар) каби зиёратгоҳлар борки, бу қадамжолар ҳамisha зиёратчилар билан гавжум.

Қўлёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Хоразм воҳасида жуда қадимданоқ шаҳар қурилиши маданияти кенг ривожланган. Бу воҳада шаҳарлар ва қалъалар қурилиши милoddан аввалги VII – VI асрлардан бошланган. Бу жараён, айниқса, милoddан аввалги V – III асрларда авж олди.

Ўша даврлардаёқ шаҳарларнинг бунёд бўлишида жойнинг рельефига эътибор қилинган ҳолда мудофаа ва ҳўжалик юритиш шароитлари ҳисобга олиниб, аниқ режа бўйича иш олиб борилган. Шунингдек, шаҳарларнинг ташқи қиёфасига, уларнинг бадий безакларига ҳам эътибор қаратилгани топилдиқлардан маълум бўлиб турибди. Археологик қазилмалар самараси ўлароқ топилган шаҳар қурилишлари ўрганилганда бу воҳада марказий давлатчилик тараққий этганлигидан гувоҳлик беради.

Шаҳар қурилишлари ривожланганлигини қуйида баён қиладиган зиёратгоҳларимиз ҳам гувоҳлик бериб турибди.

Миздахқон – Ҳўжайли туманининг ғарбидан 8 километр узоқда жойлашган ўрта асрдаги шаҳар вайроналари.

Х асрда яшаб ўтган араб жуғрофиюни Мақдисийнинг гувоҳлик беришича, Миздахқон ўзининг жойлашишига биноан Журжонга (Ургенчга) яқиндир ва у деворлар билан ўралган.

Уч тепалик ва текисликлар оралигида Миздахқон номи билан аталувчи улугвор мажмуа, текис бир тепалик устида эса Ғяур қалъаси жойлашган. Бу қалъалар милоддан олдинги IV асрга тааллуқли. Олимлар Миздахқон мажмуасини оташпарастлар китоби “Авесто”даги Ахуромазда билан боғлиқ Мазда шаҳари билан алоқадор эканлигини аниқлаганлар. Бу мажмуа ҳозирда Ўрта Осиёдаги энг йирик археологик ёдгорлик ҳисобланиб, 100 гектар жойни эгаллайди. Шунингдек, олимлар бу ерларда қазилш ишларини олиб бориб, зардуштийликка оид кўпгина тошбутларни ҳам, қадимий хоразмий тилида битилган осораи – атиқаларни ҳам топганлар. Бу жой 2 минг йиллик тарихга эга эканлигини қайд этганлар. Бу мажмуадан топилган тошбутларнинг кўплари мусулмонларга тегишли.

Мазлумхон сулув мақбараси Миздахқон шаҳарчасининг иккинчи иншоотида жойлашган.

Мақбара ертўла иншоотини эслатади. Мақбара тепасидаги жойда ер юзасида асосий бинонинг чодирсимон томлари ва ярим вайрона жиловхонаси қолган, холос.

Мақбара гайриоддий қурилган. 7,40 метрли хоч шаклида қурилган асосий бино саккиз қиррали чодир билан ёпилган, бундан ташқари мақбара ундан кичикроқ — 4,48 метрли чодир билан ёпилган биноларни ҳам ўз ичига олади.

Қабрларнинг устида бир нечта битиклар бор, аммо битиклар остида саналар кўринмайди. Уларнинг биридан мисол тариқасида қуйидаги битикни келтирамиз:

“Ўйламагилки, мен қабр ичида бахтсизман, йўқ, мен илоҳий руҳга яқинлашдим, мен жаннат эшиги олдидаман”.

Яна бир битикда шундай сўзлар бор:

“Ҳаёт гўзал, афсуски, у абадий эмас”.

Мазлумхон сулув мақбараси XII—XIII асрларга тааллуқли. Бу мақбарага Хоразм ҳукмдорининг гўзал қизи Мазлумхон жасади қўйилганлигини ривоят қиладилар. Мазлумхон ҳақидаги афсонага кўра, ўз даврининг мана ман деган шаҳзодалари, саркардалари совчи қўйишган, аммо Мазлумхон барчасини рад этган. Охири энагаси орқали бинокор уста йигитга кўнгил қўйганлигини айтганда, қизнинг отаси бир шарт билан рози бўлади: «Модомики йигит уста бинокор экан, осмонга еттулик бир минора қурсин. Шу билан ўз муҳаббатини исбот қилсин». Бинокор йигит минора қуришга киришибди ва неча йил деганда минорани қуриб битирибди. Аммо ҳукмдор ўз ваъдасида турмай, қизини бошқа бир шаҳзодага унаштирибди. Буни эшитган уста йигит минора устидан ўзини ташлабди. Буни эшитган Мазлумхон ҳам минора устидан ўзини ташлаб жон берибди. Ҳукмдор икки севишганларнинг фожиали ўлиmidан кейин минорани бузиб ташлашни ва унинг гиштларидан мақбара қуриб, икковини шу ерга дафн этишни буюрибди. Бу мақбара тепасида

гумбаз бор. Мақбарага кираверишдадаги танобийда иккита қабртоши қўйилган ва иккаласи ҳам кўкимтироқ нақшлар билан ажралиб туради. Қабр тошлари устига араб имлосида Қуръони каримдан оятлар битилган, аммо бу мақбарада кимлар ётганлиги айтилмаган.

Мазлумхон сулув мақбарасидан 120 метр жанубда Миздахқон мақбараси ёнида Эрражаб мақбараси ҳам жойлашган. Ривоятларга қараганда, бу ерларда Эрражаб халифа исломнинг бошланишидаёқ мусулмон динини тарқатган экан. Маҳаллий одамларнинг эътиқодича, бу ерда Одам атонинг қабри бор эмиш. Олимлар эса бу эътиқодни инкор этиб, зардуштийлик мифологиясининг қаҳрамони Каюмарснинг жасади кўмилган бўлиши мумкин, дейдилар. Бу мақбара яна шуниси билан машҳурки, бу ерга дунёнинг ҳамма жойидан зиёратчилар келадилар, чунки бу ерга инсониятнинг умрини ўлчайдиган илоҳий соат қўйилган экан, бинобарин, бу ердан ҳар йили битта гишт кўчиб тушиб кетар экан. Агар охирги гишт тушса, ўша куни қиёмат бўлармиш. Аммо мақбарадан гишт тушганлигини шу пайтгача ҳеч ким кўрмаган.

Тахтақўпир туманида жойлашган Бароқтом қасабаси эрамиздан аввалги IV—V асрларга тааллуқли. Қасаба ўнлаб бир хонали, икки ва уч хонали ва ҳатто тўрт хонали гувала уйлардан ташкил топган. Қасаба марказида ҳанузгача меъморий хислати билан ажралиб турган хом гиштдан қурилган учта иншоот вайроналари сақланган. Бу ерда Бароқтом иккита, археологлар шартли равишда биринчи Бароқтом, иккинчи Бароқтом деб атайдилар.

Бароқтом қасабаси, археологларнинг аниқлашларича, бадавлат чорвадор томонидан буюртма қилиб қурдирилган, чунки унинг безакларида кўчманчилар ҳаёти тасвирланган.

Элликқалъа туманидаги Қумбосган қалъанинг майдони 110х115 метрдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир деворида бештадан мудофаа миноралари бор.

Деворларининг баландлиги 10 метргача бўлган, бизнинг кунларимизгача 8 метри сақланган. Минораларнинг асослари 13x10,5 метр. Умуман, қалъа гувала ва хом гиштдан қурилган. Баъзи қисмлари 37x37x9(8)ли пишиқ гиштлардан иборат.

Эллиққалъадаги Қирққизқалъа иккита: археологлар уларни катта Қирққизқалъа ва кичик Қирққизқалъа деб атаганлар. Бу қалъалар милодий III—IV асрларига тааллуқли. Иккита қалъа ҳам асрдош, замондош. Қалъалар V—VI асрларда қайта мустаҳкамланган; эски деворлар ҳамма томондан янги пишиқ гиштли деворлар билан ихота қилинган.

1984 йилда катта Қирққиз қалъаси олдидаги текисликлардан ичи тангаларга тўла хум топилган. Тангаларнинг ҳаммаси намлик туз куплиги оқибатида занглаб кетган. Фақат биттагина танга ўзининг дастлабки қиёфасини сақлаган, уни тозалаяганда танганинг юз томонида Хоразм ҳукмдорининг соқолсиз юзи кўринди. Ҳукмдор бошидаги тож балқийётган қуёш сифатида тасвирланган, балқийётган қуёшнинг тепа қисмида ярим ой тасвири. Танганинг орқа томонида Сиёвуш тасвири бор. Суёвушнинг олд томонида дуторга ўхшаш торли соз чалаётган аёл тасвирланган. Аёлнинг эғнида енгилгина куйлак, бошида тус дўппи, бундай дўппиларни аёллар тантанали маросимларда кийганлар. Сиёвушнинг юзи аниқ кўринмайди, тагидаги от эса югуриб кетаётгандек. Аёл эса дид билан кийинган маликага ўхшайди. Тангага туширилган тасвирлар шундан гувоҳлик берадики, Исломгача бўлган даврда Хоразм аёллари дид билан кийинганлар ва турли созларни чалишни, ашула айтишни ва рақс тушишни яхши билганлар. Соқолсиз ҳукмдор тасвири ва тангаларга ўйиб ёзилган битиклар бу тангалар V—VI асрларга тааллуқли эканлигидан далолат беради.

XVII—XIX асрларга тааллуқли Султон Увайс Қараний мемориал обидаси Беруний туманида жойлашган.

Султон Увайс (ҳақиқий исми шарифи Сухайл ибн Ҷамир ибн Рушон ибн Ноҳия ибн Мурод) Мурордий қабиласидан бўлиб, Ямандаги Қаран қишлоғида туғилган ва шу ерда истиқомат қилган, у Муовияга қарши урушда Суфра жангида Ҳазрат Али тарафида 32 ёшида шаҳид кетган. Суриядаги Суфра шаҳрида дафн этилган.

Султон Увайс Пайғамбаримиз (сав) ҳадисларини тўплаш ва уларни ўрганиш билан шуғлрат топган. Унинг Хоразмдаги издошлари ва мухлислари Султон Увайснинг рамзий мақбарасини тиклашган ва уни зиёратгоҳга айлантиришган. Оллоқулихон даврида (XIX аср) бу ерда масжиди жоме қурилди ва 10 та чиллахона бунёд этилди.

Шамун наби деган мақбара Миздахқон мақбарасининг шимол томонида жойлашган. Ривоят қилишларича, Шамун наби одамларни даволаган, об-ҳавони бошқарган ва илоҳий мавжудотлар ёрдами билан ҳайвонлар тилини тушунган ва ёлғиз Аллоҳгагина таваккул қилган. Шамун наби мазорининг яқинида бир қургон бўлган, бу ерда Жумард деган авлиё дафн этилган экан. Баъзи ривоятларга кўра, Жумард қассоб бўлган. Бу ерга фарзандталаб аёллар келиб туришади.

Жонбосқалъа — Амударёнинг ўнг қирғоғида, Тўрткўл туманида жойлашган. Қалъанинг қурилиши тўртбурчак шаклида бўлиб, 200х170 метр. Қалъа 3—4 гектар жойни эгаллайди. Қалъани 10 метр баландликдаги ва қалинлиги 5 метр келадиган иккита девор ураб турибди. Қалъага кираверишдаги жой 2,5 метрни ташкил этади. Бу жиловхона дастлаб гуваладан бунёд этилган бўлиб, кейинчалик бузиб ташланган ва хом гиштдан тикланган.

Гиштларнинг бир томонида турли хил шакллар бор (бу шаклларда иккитаси тўғри чизик, айлана, ярим айлана, ҳар хил ҳарфларнинг шакллари ва бошқа ўймалар мавжуд). Қалъага битта дарвозадан кирилади ва дарвоза ўймакорлик шакллари билан безатилган.

Дарвоза тўғрисида 30 метрга чузилган кўча бўлган, кўча ибодатхонага олиб боради. Кўчанинг икки юзида

эса уйлар бўлиб, 1000 га яқин хонадон истиқомат қилган.

Қалъада учли миноралар йуқ, аммо деворларда жуда кўп шинаклар бор. Ҳар бир шинакнинг оралиги 1,20 — 1,5 метрни ташкил этади.

Иншоотнинг ичидаги тор ва бурама йўлаклар ёвнинг бирдан кириб келишига тўсиқ хизматини ўтайди. Ёв шу тор ва бурама йўлакларга бостириб кирганда девор тепасида турган соқчиларнинг ўқиға дучор бўлган.

Жонбосқалъа мудофаасининг яна бир муҳим жиҳати — кираверишдаги йўлақдир. Йўлакнинг кенглиги Хоразм воҳасидаги барча кириш йўлакларига ўхшайди ва бу йўлаклар шаҳарликлар учун ёвдан осонгина мудофаланишни таъминлаган. Жуда кўп деворларнинг қалин пахсадан қурилгани ҳам сезилади.

Жонбосқалъа кўчманчи босқинчиларга яқин бўлганлиги учун ҳам деворлар баланд қурилган ва улардан ўтиш жуда мушкул кечган.

Маълум бўлишича, Фарасман бошчилигидаги Хоразм давлати Бақтриядаги Мақдуния давлати билан ҳарбий — сиёсий иттифоқ тузиб, ўз сиёсий аҳволини барқарорлаштириб олган, бу нарса тинчлик нашидаси сифатида Жонбосқалъа сингари кўп шаҳарлар қурилишига имконият берган.

Жонбасқалъа Хоразм воҳасининг жанубий чегараларидаги ҳарбий шаҳар бўлиб, ҳарбий-стратегик, маданий-иқтисодий ва диний марказ вазифасини бажарганлиги кўриниб турибди. Қалъанинг ҳарбий стратегик иншоотининг мустаҳкамлиги бу ерда ўзбек давлатчилигининг қадимдан сиёсий, иқтисодий, маданий ва диний жиҳатдан бақувват эканлигини исботлайди.

Хоразм қадимиятидаги бурунги усталарнинг юксак санъатини Қўйқирилганқалъа ёдгорлиги аниқ намойиш қилиб турибди.

Муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланган Қўйқирилганқалъа Тўрткулдан шимол томондан 22 километр узоқликда.

Бу обида милоддан аввалги IV асрда бунёд бўлиб, милодий III — IV асрларгача мавжуд бўлган.

Қуйқирилганқалъанинг марказий биноси думалоқ бўлиб, вазмин ва улугвор иншоот ҳисобланади, унда мудофа деворларидаги шинаклар бу ерда уруш кўп бўлганлигидан далолат бериб турибди. Бинонинг диаметри 44,5 метр, деворларининг қалинлиги 6 — 7 метр келади. Бу деворлар пахса ва хом гиштдан қурилган.

Пастки қаватдаги хоналарнинг ҳаммасига қўшқават равоқ қилинган. Бу хоналар, афтидан, алоҳида бир маросимлар учун мўлжалланган бўлиши керак, юқори қаватдаги хоналарда қурбонликка аталган турли озиқ-овқатлар, ибодатга оид нарсалар, шунингдек, турли хил санамлар сақланган.

Бинонинг ўзи икки қават девор билан ўралган, деворлар орасидаги йўлакларда миноралар қад кўтарган. Иккита минорада деярли тўртбурчак ҳужралар бор, бу ҳужралар йўлакдан ёпиқ деворлар билан ажратилган, бу деворларнинг қалинлиги 1 метр келади, фақат ташқаридан зиналар орқалигина бу хоналарга кириш мумкин бўлган, аммо ҳужраларнинг деворларида ташқарини кўриб туриш учун шинаклар жойлашган.

Янги эранинг бошланишида бу осмонўпар қаср Хоразмнинг обсерваторияси бўлган, чунки бу ердан астрономияга оид ускуналар, устурлоблар топилгани учун ҳам шундай фикрга келинган.

Бундан ташқари бу ердан топилган турли санамлар қаср кейинчалик зардуштийларнинг ибодатхонаси бўлган, деган фикрга ҳам олиб келади.

Диққатга сазовор томони шуки, бу қасрдаги деворларга Хоразм халқининг эпоси ва мифологиясига доир суратлар ишланган ва улар миф ва ривоятлар қаҳрамонларининг феъл-атворини аниқ тасвирлайди.

Қуйқирилганқалъадан яна қадимий оромий ёзувлари топилган бўлиб, улар милоддан аввалги III — II асрларга тааллуқли. Бу ёзувлар идишларга ва санъат асەرларига битилган.

Аёзқалъа Эллиққалъа туманининг шимоли-ғарб томонида жойлашган бўлиб, шарқ томондан Султон Увайс тоғлари билан уланиб кетган. Бу ерда учта қалъа бор ва учаласи ҳам Аёзқалъа деб аталади. Биринчи қалъа тоғлик жойнинг ясси қисмида 60 метрли баландликда бунёд этилган. Қалъанинг пастки қисми узун девор билан ўралган ва 9 минг квадрат метрни ташкил этади. Қазилма ишларида бу ердан қишлоқ хўжалигига оид асбоблар ва тангалар топилган. Топилган нарсаларни ўрганган археологлар қалъанинг ёшини аниқладилар. С.П.Толстовнинг маълумотларига қараганда, Аёзқалъа қурилиши милoddан аввалги IV—III асрлардан тортиб эмилодий I асргача тўғри келади.

Бу қалъанинг бунёд бўлиши ҳақида кўп ривоятлар етиб келган. Шундай ривоятларнинг бирида айтилишича, ҳукмдорнинг хизматкори бўлган Аёз исмли йигит Қирққиз қалъасида истиқомат қилувчи маликага ошиқ бўлиб қолибди. Малика йигитнинг муҳаббатини рад қилибди, тенг тенги билан, тезак қоғи билан, сен бир хизматкор ва камбағал йигит бўлсанг, мен малика бўлсам, йўлингдан қолма, дебди малика. Лекин йигит маликага совчи устига совчи юборавергач, малика ундан қутулиш йўлини излаб, ана шу тепага бир қалъа қуришни топширибди, агар қалъани қуролсанг, севгингни исбат қилган бўласан ва мен сенга турмушга чиқаман, деб ваъда берибди. Аёз кечаю-кундуз ишлаб, охири қалъани қуриб тугатибди. Аммо малика сўзида турмай, бошқа бир шахзодага турмушга чиқибди.

Бошқа бир ривоятда айтилишича, Хоразм ҳукмдори ўлиб, унинг ўрнига бошқа ҳукмдор тайинланиши керак экан. Ўша даврдаги одатларга биноан ҳукмдорнинг бургути — давлат қуши учирлар ва у кимнинг бошига қўнса, ўша ҳукмдор бўлар экан. Давлат қуши учирилиши маросими бўлишини эшитган камбағал йигит Аёз ҳам майдонга тўпланганлар орасига қўшилибди. Давлат аъёнлари учирган бургут бирдан учиб келиб Аёзнинг бошига қўнибди. Ҳукмдор бўлишни истаган казо-казолар

ғалаён кўтаришибди: “Бир камбағал йигит бўлса, қандай қилиб ҳукмдор бўлсин”, дейишибди. Бургутни бошқатдан учиришибди. Бургут яна Аёзнинг бошига келиб қўнибди. Яна ғалаён. Учинчи марта учиришибди. Бу ғал ҳам бургут Аёзнинг бошини танлабди. Учинчи мартаси ҳалол бўлиб, Аёз тахтта ўтқазилибди. Янги ҳукмдор ана шу қалъани қуриб, ўша ерда ҳукмдорликни давом эттирибди. Аёз адолатли ҳукмдор бўлиб, мамлакатни адолат билан бошқарибди. У тахтнинг тўғрисиغا эски чоригини илиб қўйиб, бирон ҳукм чиқаришдан олдин ўша чоригига қараб қўяр ва “Аёз, ўтган кунингни унутма, хом чоригингни қуритма”, деб қўяр экан.

Тўрткўл туманининг шимол томонидан 9 километр узоқликда бўлган Гулдурсун қалъаси милоддан аввалги II – I асрларда бунёд бўлганлиги аниқланган. 35 гектар жойни эгаллаган бу қалъа тўғри бурчак шаклида қурилган. Деворлари пахсадан ва унда шинаклар бор. Милодий V асрда бу қалъа номаълум сабабларга кўра вайронага айланган. Тахминан XII асрнинг биринчи ярмида қалъа қайта тикланган ва давлатнинг муҳим мудофаа қўرғонига айлантирилган. Бироқ XIII асрда қалъа мўғул босқинчилари томонидан вайрон қилинган.

Қалъанинг ичида археологик қазиш ишлари олиб борилганда бу ердан қадимият ва ўрта асрларга тааллуқли сопол идишлар, бронзадан ишланган нарсалар ва зийнатлар, қадимиятта ва ўрта асрларга оид тангалар топилди. Тангаларга қараб шундай хулоса чиқариш мумкинки, қалъа 1220 йили, Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида, мўғуллар Хоразмга бостириб кирган пайтда қайта тикланган.

Қалъа тарихи қорақалпоқ халқининг “Гулдурсун” эпоси билан боғлиқдир. Достонда мўғул босқинчиларига қарши халқ олиб борган кескин кураш тасвирланади. Достондаги воқеаларга кўра, мўғуллар шаҳарни узоқ вақт қамал қилиб турадилар. Шаҳарда озуқа тугагач, оқсоқоллар душман тарафнинг эътиборини чалғитиш

маслаҳатини қиладилар. Қалъа мудофаачилари шаҳарда қолган молларни арпа билан боқиб, семиртириб, қалъа ташқарисига чиқариб юборадилар. Мўғуллар семиз-семиз молу қўйларни кўриб, шаҳарда ҳали озуқа кўп экан, деган хаёлга бориб чекинадилар. Бироқ чекинаётган душманни ҳукмдорнинг қизи Гулдурсун тўхтатиб қолади. Қиз мудофаа деворидан мўралаб, мўғул саркардаларидан бирини севиб қолган ва ўшанинг ишқида душманни чекинишдан тўхтатган экан. У чекинувчилар билан ўша саркарда ҳам кетиб қолишидан хавотир олиб, мудофаачиларнинг сирини ошкор қилиб, унга хат жўнатади. Хатни олган саркарда қўшинни орта қайтариб, шаҳарни эгаллайди ва уни вайронага айлантиради. Саркарданинг илтифотидан умидвор бўлган Гулдурсун унинг олдига чиқади. “Ўз юртингни сотиб, менга вафо қилармидинг?” дейди саркарда ва қизни ўлимга ҳукм қилади.

Хоразм шаҳаншоҳининг “муқаддас саройи” деб ҳисобланган Тупроққалъа дунё маданиятида энг улутвор обидадир. Тупроққалъа Амударё қуйи оқимида, Беруний туманида жойлашган. Жаҳон маданиятининг бу дурдонасида 50 йил мобайнида қазилш ишлари олиб борилди. Обиданинг 150 та зали очилди. Бу заллар монументал тасвирий санъат асарлари ва ҳайкаллarga бой. Қалъанинг баландлиги 25—27 метрга тенг. Илгари ҳақиқий баландлиги бунга икки баробар келганлиги ҳам аниқланган. Унинг меъморий қурилиши Парфия санъатини эслатади, Иккита гумбаз бир-бирига кийдирилгандек. Қалъанинг маркази икки ё уч қаватдан иборат бўлиб, унинг ичида ўнлаб мақбаралар бор.

Қалъа майдони 120 гектар. Тупроққалъада битта эмас, балки ўнлаб сарой бўлган.

IV аср бошларида Тупроққалъа деворлари қайта қурилган, сарой бора-бора оддий қўرғонга айланган. Қалъа 1500 йилга келиб ер юзидан йўқ бўлган. Тупроққалъа жаҳон маданият обидаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Қизилқалъа милодий I — II асрларга тааллуқли бўлиб, XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида қайта тикланган. Қалъа Беруний тумани шимолидан 27 километр узоқликда жойлашган. Афтидан, бу қалъа мудофаа мақсадларида қурилган, унинг деворларидаги шинаклар шундан далолат бериб турибди.

Чилпиқ ибодатхона сифатида II — IV асрларда қурилиб, IX — XI асрларда қайта таъмирланган. Айлана шаклидаги бу иншоот Нукусдан 43 километр узоқликда, Хива, Самарқанд, Тошкентга кетаверишдаги катта йўл бўйида жойлашган. Иншоот деворларининг баландлиги 15 метрга етади.

Ёпиққалъа аслида IX — XI асрларга тааллуқли бўлиб, XIII — XIV асрларда қайта таъмирланган шаҳарчадир. Бу қалъа Қоратог қасабасидан 6 километр узоқликда, шарқи-ғарб тарафдан Султонуюқ тепаликлари ёнида. Археологик қазилмалар натижасида қалъадаги ашёларнинг йиллари ва даврлари аниқланган. Қадимги сопол идишлар милoddан аввалги IV асрдан милодий I асрга тааллуқли. Бу ердан топилган тангалар 1319 — 1320 ва 1345 — 1346 йилларда зарб қилинган. Қазилш ишлари самараси ўлароқ, турли мамлакатлардан, жумладан, Хитой, Миср, Россия, Европа давлатлари, Ҳиндистондан келтирилган ашёлар топилди.

Демак, Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳаси ҳудудида ноёб ва ажойиб осори-атиқалар сақланган ва бу осори-атиқалар тарихимизнинг нақадар бой эканлигидан далолат беради.

ИНСОНИЙЛИККА ДАЪВАТ

Агар муқаддас китобларни, Пайгамбаримиз ҳадисларини, алломаларнинг китобларини, мумтоз адабиётимиз намояндаларининг ўлмас асарларини синчиклаб ўқисак, барчасида комил инсон ҳақида гап боради. Аслида, башарият яратилгандан бошлабоқ ўз комиллигини излаган. Комил инсон бўлмоқ учун ниямалар қилиш кераклигини мушоҳада қилган.

Биз комил инсон бўлиш учун иймонли бўлиш кераклигини биринчи навбатда, муқаддас китобларда учратмиз. Аммо иймон фақат диний маслаккина эмас, у умумбашарий маслақдир. Иймонни умумбашарий маслак деганимизда энг аввало гузал ахлоқ ва юксак маънавиятни англаймиз. Бинобарин, иймон инсон тафаккурининг нодир ҳодисасидир, унинг руҳий ҳолати, олами билиши, ўз-ўзини англаши воситасидир. Иймоннинг талаби тавҳид экан, тавҳид замирида умуминсоний фазилатлар ётади. Тавҳидни билган одам ўз ҳаётини гузаллаштиради, ўз-ўзини англашга бориб етади, комил инсонга айланади.

Кечирмас ота даргоҳидаги шифобахш Тўхтабой ота Болтабоев одамларни ана шундай комил инсонликка даъват этиб келаётир.

ИЙМОН ЗАРУРАТИ

Марказий газеталардан бири ҳисобланмиш «Правда Востока» газетасининг бош муҳаррири Александр Пукемов ҳиндистонлик авлиё Саййи бобо тўғрисида эшитиб, ҳузурига бормоқчи бўлиб юрган экан. Бироқ Ҳиндистонга бориб келиш учун икки минг доллар керак. Аммо унда бу маблағ йўқлигидан қийналиб юрган кезлари астойдил ният қилиб Саййи бобога маънан мурожаат қилибди. Бир неча кундан кейин уйига бир одам келиб, конвертда икки минг доллар ташлаб кетибди. У одам кимлигини, нима сабабдан пулни Пукемовга бераётганини айтмапти. Шунда Александр пулни қўлига олгач, мулоҳаза қилиб Саййи бобо менга юборибди, деб Аллоҳга шукр келтириб, у кишининг олдига боргач, авлиё яхши кутиб олибди. Александр бир қанча кароматларни кўришга муяссар бўлибди. Ўшанда Саййи бобо кўпчилик олдида қўлларини кўтариб дуо қилибди. Бир пайт унинг қўлида узук пайдо бўлибди. Бобо узукни Александрга узатиб, буни ҳар доим бармогингга тақиб юр, сени бало-қазодан асрайди, деб совға қилган экан.

А. Пукемов Ҳиндистон сафаридан қайтиб Тўхтабой отанинг қилаётган ишларини эшитиб, бу даргоҳга келибди ва ўша узукни мулла Тўхтабой отага ҳам кўрсатибди.

Пукемов Ҳиндистон сафари ва эликқалъалик Тўхтабой ота тўғрисида рус тилида Россияда рисола ёзган экан. Унинг бир нусхасини Тўхтабой отага ҳадя қилган.

2001 йили Чингиз Айтматов Тошкентга келган чоғлари Тўхтабой ота ҳузурида бўлганмиз. У киши билан узоқ суҳбатлашганмиз.

Дарҳақиқат, «комиллик», «комил инсон» деган тушунчалар бор. Ҳозирда ёшларни комил инсон қилиб гарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига

кўтарилди. Менимча, комиллик дегани башарият оламидан илму маърифат оламига ўтиш демакдир. Инсонда маърифат бўлса, иймон бўлади. Иймон бўлса, унда ҳамма яхши фазилатлар бўлади.

Тўхтабой ота ҳузурига борган ҳар бир кишини иймонга, инсофга даъват этади. Агар инсон мана шу даъватларга амал қилар экан, у ҳар икки дунёда камлик кўрмайди.

*Мурод Хидир,
ёзувчи, журналист*

МУЛЛА ТЎХТАБОЙ ОТА НЕГА АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРУДИЙНИ ЭСЛАДИ?

Ўзбек халқи ўз болаларига эртақлар, ривоятлар, афсоналар, қўшиқлар, дostonлар айтиб тарбиялаган, ана шундай ҳаракат асосида болаларнинг кучли, чаққон, зийрак, уздабурро бўлишига эришган. Жамият ҳаётида дин пайдо бўлгач, эса муқаддас ҳисобланган диний адабиётлар ҳам халқ фарзандларини камолотга етказишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Инсон умрининг охиригача камолотга интилади. Диннинг, хусусан, Ислom динининг эзгу маслаги ана шу мақсадга қаратилгани билан ҳам қимматли аҳамиятга эга. Ҳаётбахш Шарқ дарахтининг илдиэларидан кўплаб бачкилар гуриллаб ўсиб чиқади – даҳоларга эргашган минглаб шогирдлар ҳам ўэларининг ажойиб ёдгорликларини қолдиришган.

Халқимиз азалдан ўз ичидан чиққан донишманд ва мутафаккирларни тириклигида ҳам ва вафот этганидан кейин ҳам эъэозлаб келган ва уларнинг хотираларини эсдан чиқармаган. Яхшилар атрофига жамланиш бўлган азалдан. Инсон ўэининг банда эканини эслаб туриши жуда ҳам фойдалидир, чунки кўпгина разолатлар худди шу нуқтани – инсон ўэининг кимлигини эсидан чиқариб қўйганидан келиб чиқади.

Агар инсон доимо ўзини улкан оламга қиёслаганда кучсиз, ожиз ва нотавон бир мавжудот эканлигини ҳис этса, фоний дунё фирибига алданмайди. Яратган ҳузурига қайтиб боришини эслаб, қўрқиб яшаса ҳеч қачон нафси амморанинг гапига кириб, разолатга қўл урмагай. Тўхтабой ота аждодлар анъанасига риоя қилиб мана шу ҳақиқатни ёдда тутиш зарурлигини ўз замондошларига эслатишдан чарчамайди.

Мен Мотурудий ота ким бўлган, авлиё бўлса керак, шунинг учун у зот машҳур деб юрар эдим. Бир куни устоз мендан шу хусусда сўраб қолди. Мен у китоб гаълиф этмаган, аммо халқ авлиё деб тан олган зотлардан бири, деб айтдим.

— Йўқ, у — улуг олим, Ўрта Осиёда Абу Ҳанифа мазҳабининг ақидалари пойдеворини қуриб, илмий асослаб берган олим, — деди устоз. — Мотурудий ота тўғрисида қолган маълумотни Тошкентга борганингда маҳалладаги бир одамдан эшитасан, деб нафас қилди — лар¹. Уйга қайтганимда кекса ёшли профессор Қўчқор ота билан масжидга кетаётганимда, отахон имом Мотурудий ота тўғрисида сўзлаб қолди. Улар Тошкентдан кўплаб олимлар қаторида рамзий мақбара²нинг очилиши маросимига боргани тўғрисида сўз юритиб, германиялик шарқшунос олим Ульрих Рудолф Мотуридийнинг асарларини урганиб, китоб ёзганини ва унга қисқача тушунтириш лугатини ҳам чоп қилганини ҳикоя қилди. Намоздан қайтгач, китобларни ўқиб кўрдим; ажабо, Мотурудий ҳақида маҳаллада эшитишимни Тўхтабой ота қандай билди экан?²

Имом Аъзам Абу Ҳанифа — Нуъмон ибн Собит раҳматуллоҳи алайҳ фикҳ илмлари асосларини тушунтириб, Ҳанафий мазҳабига асос солган. Ал-Мотурудий эса ислом илоҳиёти асосларини аҳли суннат вал жамоат мазҳаби доирасида ишлаб чиққан. Шунга кўра, бизнинг диёримиз мусулмонлари фикҳий масалада Ҳанафий мазҳабига, ақида масаласида Мотурудия

таълимотига амал қилади. Мазкур муътадил мазҳаб ва ақидавий таълимот Марказий Осиёда диний бағрикенглик тамойилларини жорий этишда, турли бузгунчи ва зарарли диний ва нодиний оқимлар таъсиридан ҳимояланишда катта вазифани бажариб келади. Мотурудийнинг ҳаётлик вақтларида атрофидаги олимлар унинг аҳли суннат ақидасига доир қарашларини аҳамиятсиз деб ҳисоблаганлар. Мотурудий оламдан ўтганидан сўнггина у кишининг шогирдлари саъй-ҳаракати билан Мотурудий ақидаси жамоат томонидан тан олинади.

ЮНЕСКО ташкилоти имом Мотурудий меросини тиклаш ва мақбарасини таъмирлаш ташаббусини илгари сурди. Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита раҳнамолигида Самарқандда улуг аллома мақбараси бунёд қилинди.

Ислом давлати ҳудудларининг кенгайиб бориши турли миллат ва элатларнинг мусулмон бўлиши оқибатида ақидавий масалалар яна ҳам мураккаблашиб кетди, турли томонлардан мусулмонлар ақидасини бузишга уриниш ва танқид қилиш ҳам авж олди. Натижада турли фикрларни илмий асосда жамлаш ва тартибга солиш зарурияти келиб чиқди. Бу ишни Мовароуннаҳрда Абу Мансур ал-Мотурудий ас-Самарқандий ва иккинчи томонида Абул Ҳасан ал-Ашърийлар уддаладилар. Бу икки йирик олим бир-бирларини кўрмаган, бир-биридан узоқ масофада яшаган бўлсалар-да, бир хилда, бир йўналишда барча аҳли сунна ва жамоани рози қиладиган илмий асарлар ёзишган.

“Аҳли сунна вал жамоа” мазҳаби суннатта амал қилувчи кўпчилик жамоа деган маънони билдиради. Исломнинг дастлабки даврларида бошқа мазҳаб ва оқимлар каби аҳли сунна ва жамоа деган ибора бўлмаган. Аммо Пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) бирор баҳсли масала туғилиб қолганда, кўпчилик томонидан тан олинган фикрга қўшилишлар, деб марҳамат қилганлар.

“Манбаъ ул-маориф” асарида шундай фасл бор:

Бир куни бир саҳоба Расул алайҳиссаломдан сўрдиларки:

– Ё Расулаллоҳ, мўмин одам ўзининг аҳли сунна вал жамоага мансублигини нимадан билса бўлур?

Бас, пайгамбар алайҳиссалом дедилар:

– «Аҳли сунна вал жамоа»да ўн аломат бордурки, ҳар ким ушбу аломатларни ҳаммасида ўзида кўрса билсинки, у «аҳли сунна вал жамоа»дандир. Ул аломатларнинг бири – намозни доим жамоат билан ўқимоқ; иккинчи – саҳобалардан ҳеч бирларининг ҳақларига ёмон сўз айтмаслик ва уларни ҳеч бир важҳдан гуноҳкор демаслик; учинчи – ўзининг мусулмон подшосига қарши бўлиб, тиг тортиб чиқмаслик; тўртинчи – ўзининг иймонига ўзи шак келтирмаслик, яъни ўзининг мусулмонлигига гумон қилмаслик; бешинчи – ҳар яхшилиқ ёки ёмонлик иш бўлсин, уни Худодан кўришлик; олтинчи – Худонинг йўлида, Худонинг ризолиги йўлида ва ибодатида хусумат қилмаслик; еттинчи – аҳли тавҳидни, яъни Худонинг ягоналигига тасдиқ қилган кишиларни гуноҳ иш қилганига кўра кофирликда айбламаслик; саккизинчи – аҳли қабила, маҳалла аҳлидан бир киши ўлса, жанозасида қатнашишлик; тўққизинчи – хоҳ сафарда бўлсин, хоҳ ўз юртида бўлсин, пойабзали устидан масҳ тортмаклик; унинчи – намоз ўқи макда хоҳ тақводор бўлсин, хоҳ гуноҳкорлиги ошкора бўлган киши бўлсин, у имомликка ўтиб қолса, унинг орқасида иқтидо қилиб намоз ўқишлик.

Мазкур ҳадис ҳам Имом Мотурудийнинг аҳли сунна илоҳиётининг энг муҳим жиҳатларини кўрсатишда бир далил бўлиб хизмат қилган. Олим ва шоир Икромиддин Остонақулов мазкур матндан фойдаланиб, «аҳли сунна вал жамоа» қоидаларини шеърый усулда баён этган ва унга “Мотурудий сабоғи” деб ном қўйган.

Кўпчиликини ҳақ билгил доим,
Дуосини нақд билгил доим,
Ибодат қил жамоат билан,
Жаннат сенга бўлсин харидор.

Расулни сев, саҳобаларни,
Авлиёлар, озодаларни,
Тилга олма қабоҳат билан,
Жаннат сенга бўлсин харидор.

Аллоҳ ҳақдир, қиёмат ҳақдир,
Бор деб билгил тарози, тақдир.
Сокин яша диёнат билан,
Жаннат сенга бўлсин харидор.

Султон бўлмоқ ишдир қисматий,
Дема уни касбий, хислатий,
Гийбат қилма омилик билан
Жаннат сенга бўлсин харидор.

Яхши-ёмон ишлар – Худодан,
Кўрма уни шоҳу гадовдан.
Фикр юрит фаросат билан,
Жаннат сенга бўлсин харидор.

Бир саодат сирини айтай –
Жанозани тарк этма атай.
Элга қўшил шижоат билан,
Жаннат сенга бўлсин харидор.

Кўп қилсангу тоат-ибодат,
Ҳаёт сенга бермаса роҳат,
Ҳақни сўкма хусумат билан,
Жаннат сенга бўлсин харидор.

Дунё иши билан машгул бўл,
Дунёпараст бўлма, эй ўгил,
Ораста юр тариқат билан,
Жаннат сенга бўлсин харидор.

Хоҳ тақводор, хоҳ фосиқ мўмин
Намоз вақти имом бўлса чин,
Иқтидо қил шариат билан,
Жаннат сенга бўлсин харидор.

Агар бўлсанг олис сафарда,
Намозингни қўйма хатарда,
Пойабзалга масх торт сув билан,
Жаннат бўлсин сенга харидор.

Бермиш тақдир яшашга имкон,
Бермиш Ватан — гул Ўзбекистон.
Хизматин қил муҳаббат билан,
Жаннат бўлсин сенга харидор.

КОМИЛ ИНСОН

Умр йўлида ўзгаларга эзгулик улашиб, эл-юртга
манфаат келтириб яшаб ўтган инсоннинг мураккаб
сафари қанчалар нурли ва шарафли!

Ўзини англаган киши учун бу олам мўъжиза ва
ибратлардан иборат. Чунки:

— одамларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати —
ибрат,

— фарзанд билан ота-она ўртасидаги ришталар —
ибрат,

— кишининг ўз юрти, жонажон гўшасига садоқати —
ибрат,

— айниқса, унинг эътиқодию камолот сари интилиши
алоҳида ибрат;

— одамзод жамғарган туганмас хазина — ҳикмат.

Буларнинг ҳар бири инсоният тафаккурининг дурдонаси, донишмандлик сандигининг жавоҳири, ҳаёт сабоқларининг мактабидир. Ҳаётни севганларгина унинг ана шу дурларига ета оладилар, бу эса, умр мазмунини тушуниш, яхши инсонларнинг қадрига ета билиш, демакдир. Бу фоний дунёнинг боқийлиги, аслида ана шундай улуг донишманд зотларнинг борлигида, уларнинг ҳар қандай шароитда ҳам эзгу ишларда собит туришидадир.

Одамзодга берилган неъмат аслида англаб етилади. У азалдан инсон фитратида мавжуд бўлиб, одам улғайиб борган сари ўзлигини англаш баробарида неъмат моҳиятини тушуниб етади. Ҳар бир инсон мукаррам ва мукаммал этиб яратилдики, фақат ботинидаги имконият, куч-ғайрат, салоҳиятни ҳар ким турли даражада юзага чиқара олади, деган фикр мужассам.

Маълумки XX аср кўплаб оламшумул ихтиролар, янгиликлар даври бўлди. Жумладан, компьютер техникасини олиб кўрайлик. У пайдо бўлишидан олдин одам барча ҳисоб-китобларни миёсида, ҳисоб чўтлари орқали амалга оширар эди. Асрлар ўтиб, маълумотларнинг тури, ҳажми кўпайиши туфайли аввал ҳисоблаш машинаси, сўнг компьютерлар ихтиро этилди. Аслида, ўша компьютер бажарадиган барча ишлар инсон фитратида мавжуд бўлгани учун ҳам шундай бўлди.

Келинг, яхшиси, кишининг миёси бажарган бир кунлик функцияни таҳлил этайлик. У иш пайтида ёки бошқалар билан муомалада, ё ўқиш жараёнида миёсида неча юз минглаб "файл"ни очиб, неча юз мингтасини "ёпади". Шунинг ҳеч уйлаб кўрганмисиз?

Яқинда интернет саҳифаларида қуйидагиларни ўқиб қолдим: инсон туғилган пайтида миёси 14 миллиард ҳужайрадан иборат бўлиб, бош миёда бир дақиқа ичида юз минг кимёвий реакция содир бўлар экан, 25 ёшдан сўнг улар кунига юз мингтадан камаяр, ўқиш мобайнида

ҳар дақиқада етмишта катак сарфланар экан, умрнинг охирига қадар ҳам бу хотира “ҳужайра”сининг ҳаммаси гўлмас экан ёки миянинг бир куб сантиметр ҳажмида 225 миллион ҳужайра мавжуд бўлиб, ўша бир куб сантиметрда ишлайдиган уларнинг зичлиги 225 мингтани ташкил этар экан.

Ўртача ёшдаги кишининг асаб тизими узунлиги етмиш беш километрга тенг, инсон кўзининг ранги ўн миллион хил рангни фарқлай олишга қодир, кишининг бир кунлик кўрадиган нарсалари тасвирга туширилса, бунинг учун йигирма километрга яқин кинотасма сарф бўлади.

Шундай бўлса-да, компьютер ихтироси бу инсон тафаккурининг миллиондан бири десак, муболаға бўлмайди.

Ҳали сизу биз билмаган, англамаган не-не сир-синоат, ҳикматлар бор бу фитратимизда!

Демак, Аллоҳнинг инояти бўлган чексиз неъматлар одамзод ботинида азалдан мавжуддир.

Комил инсоннинг қалбида ва хаёлида хиёнат бўлмайди, чунки у билади, виждон азобидан қочиб борадиган жойнинг ўзи йўқ.

Ҳаётнинг мазмун-моҳиятини тушунган кишигина ўз ортидан бошқаларни эгаштира олади.

Бу оламда шундай умуминсоний қадриятлар мавжудлигини ва бу қадриятлар ҳар қандай диний, ирқий мансубликдан, турлича дунёқарашлардан юксак эканлигини англашиб туради. Бундай умумбашарий меҳр-муҳаббатта йўғрилган муносабатлар жонажон юртимиз Ўзбекистонда рўй бераётгани янаям таъсирлидир. Зеро, мен гувоҳи бўлган ушбу ибратли воқеа бугун башариёт тарғиб қилаётган ва интилаётган умуминсоний гоёларнинг амалдаги кўриниши эди.

Байт:

Гар истарсен бу дунёдан топмоқ саодат,
Яхшилик қил ўзгаларга, шу – нақд кафолат.

Охирзамон Пайгамбаридан кейин пайгамбар келмасда, аммо қутби киром валийлар ҳар замонда пайдо бўлиб, халқни ҳидоят сари етаклайдилар, тўғри йўлга бошлайдилар.

Авлиё — жаҳоннинг нури, инсонлар кўзининг гавҳари, Авлиё Мустафонинг изидан борган ва унинг нафасидан баҳраманд одам.

Шайх комил маърифат эгасидир, ўткир фаросатли, одамшунос киши, бир нигоҳ ташлаш билан муриднинг қобилиятини илғайди, кучли етук руҳий-маънавий қувват соҳиби муридга маънавий мадад бера олади, ҳеч нарсага муҳтожлиги йўқ, ихлоси мустаҳкам тамаъ-риёни ўзидан узоқлаштирган, ростгўй, ҳақ сўзни айтади.

Пири муршид ўзини атрофидагиларга насиҳат, танбеҳ қилиб, илҳомбахш сўзлар, ҳаракатлар билан руҳлантириб пастдан юқорига қараб тарбиялаб боради. Тунларда шифоталаблар истиқомат қилаётган жойларига бориб, улар танасидаги оғриқларни олиб ташлайди.

Гийбат, ёмон сўз, фикр қилувчиларнинг фикрларини тингламайди. Фақат ҳаётий ҳикматларни, нохуш аҳволга тушмаслик сабабларини уқтиради.

Ҳар доим муриди ҳолидан хабардор, мушкулот туғилганда дарров ёрдам беради, уннинг қалбида туғиладиган саволларни англайди ва жавоблари билан қаноатлантиради.

Мурид ҳар чоғ қуйидаги иборани ёдида тутмоғи керак: халқдан узилсанг, ҳаққа етасан (узилдинг — етдинг) деган ибора бор. Бунга эришгандан кейин халққа ҳақ номидан гапира олиши мумкин бўлади, шу боис халққа қайтиш яна дунё машғулотиға қайтиш эмас, балки дунёга Аллоҳ нурини таратишдир.

Эзгулик шундай нурки, у тушган жой чарогон тортади, диллар равшанлашади. Саховат шундай неъматдирки, ундан қалблар ором олади, кўнгиллар ҳаловат топади.

Идеал инсон — бу гўзал ахлоқли, зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаган фақир киши.

Юқорида санаб утилган барча хислатлар ва фазилатлар эликқалъалик, Кечирмас ота зиёратгоҳининг соҳиб каромат эгаси Тўхтабой ота Болтабоевда мавжуд. У руҳоният билан суҳбат қуради, фалак асроридан мужда келтиради, фақирликни ихтиёрий равишда зиммасига олиб, башарий сифатларни тарк этиб, эзгулик йўлида жонини фидо қилиб, борлиқ ва йўқлик, замон ва макондан хориж, азалу абадни бирлаштириб турган мукаррам инсондир.

ТАВАККУЛ

(Тўхтабой ота ҳикояси)

— Бир одамнинг қизи бўлиб, унга илм олишга отаси шароит яратиб берибди. Ҳалиги қиз араб ёзувини, кейин тилини ўрганибди., сўнг Қуръони каримнинг "Мулк" сурасини ёдлабди. Отаси ҳам кириллга асосланган ўзбек имлосидаги "Мулк" сурасининг таржимасини ёд олибди. Ота қизидан "Мулк" сурасини ёд айтишини сўраб, гинглаб ўтирибди ва эшитиб бўлгач, ўзи ёд олганини такрорлаб, қизим сен нотўғри ёд олибсан, мен ёд олганим тўғри, деб туриб олибди, қиз бола нима деярини билолмай, Норинжон бобо зиёратгоҳига бориб, Аллоҳдан ота ва қиз орасидаги баҳсни ҳал қилиб беришни нола қилиб сўрагач, қизнинг тушига авлиё кириб, "Қизим, сен бу китобдан, отанг мана бу китобдан ёд олдинглар, сен энди хафа бўлма, бу зикрларни қабул қилиш Аллоҳнинг ихтиёрида" деган экан.

Шунингдек, яратган Эгам қабул қилмоқдами, даргоҳимизга одамлар келиб дардларидан қутулиб, шукр келтириб, яхши сўз ва тилаклар айтиб туришибди, барчаси Аллоҳдан.

ҲАЙВОН ВА ИНСОН

Кунларнинг бирида Тўхтабой ота ҳузурида чоғим устознинг дам оладиган хона деразасига катта она ит

келиб увиллаб турди. Биз, Тўхтабой отанинг мухлислари ва шогирдлари бу қандай синоат бўлди, деб ҳайрон бўлиб кузатдик. Одатда, устоз кундузи бир соат ухлаб олади. У киши оромдан турганидан сўнг бу синоатнинг сабабини сўрадик.

— Ҳа, — деди мулла Тўхтабой ота, — бу даргоҳга келган одамлар орасида савдога чиқарилган кирилл ҳарфидаги диний китобларни кўп зикр қилган одамлар, бир-бировларига магия билан таъсир қилувчилар кўпайганидан Аллоҳдан инсоф-тавфиқ сўраб ётувдим, ўша сен кўрган ит ёнимда увиллади, унга жиддий қарасам, руҳи Маккада туриб, менга бу жодутарларнинг ҳийла-найрангларидан Аллоҳдан паноҳ сўраб турди. Шунинг учун бу итни ёнимдан ҳайдамадим.

Дарвоқе, бу даргоҳда бир ит бўларди, у ҳар бир келаётган одамларни бирма — бир ҳидлаб, ўзига маъқул бўлмаса киритмасди, бир мушук эса, мақбарага кирган оғир касали бор одамга суйкаларди, касалини тортиб оларди. Худди ўргатилган ҳайвонлардай, ажабо, бу ит-мушукларни хатти-ҳаракатлари одамни ҳайратлантиради, булар ҳам отаи Кечирмас отага хизмат қилсалар керак-да, дейсан беихтиёр.

...

Ота суҳбатида қандайдир меҳр бўлиб, ўзига оҳанрабодек тортади кишини, ҳаётимда ибрат ва қаноат соҳиби намунасига айланган бу табаррук зотни кўрмасам, қалбим таскин топмайдиган бўлиб қолган, қаерда бўлмай ҳамиша у зот даргоҳига ингилиб юраман.

Бу киши шундай дориломон кунларда умргузаронлик қилаётганидан, ҳар куни қуёшни ва янги кунни кўраётганидан Яратганга ҳисобсиз шукроналар айтади. Борлиқнинг бетакрор гўзаллигидан худди ёш боладай қувонади. Унинг одамларга яхши тилак тилаб яшашини, нодир сўзлар билан умр мазмуни тўғрисидаги самимий сўзларини эшитиб, беихтиёр қўл-оёғингиз ва тўрт мучангиз соғ бўлиб, баъзан ҳаётнинг арзимас

синовларидан нолиган пайтларингизни эслаб, ўз-ўзингиздан уялиб кетасиз, шуурингизда бунёдкорлик қудратини ҳис қиласиз, руҳиятингизни юқори кўтариб юборади, олдингизга қўйган орзу - мақсадларингизни амалга ошириш учун яна мардонавор бўласиз.

АЗАЙМХОН ВА ДУОХОНЛАР

1999 йилнинг август ойида, ўзимда таважжух пайтида шундай бир воқеа рўй берди:

— Ҳаким, кўзингни юм, — деди ота, бўйнимдан ушлаб орқамга бир шапати тупширди, шунда оний вақт ичида кўзимга уч торли етмиш иккита соз кўринди. Улар бирданига ҳаммаси бир шапати зарбасидан жаранглаб кетди. — Энди кўзингни оч.

Мен кўзимни очишни хоҳламасдим, руҳим ва танам ичидаги симфонияни эшитишни истар эдим.

— Нима бўлди? — сўради у киши. Бўлган воқеадан хабардор қилдим. — Ана, энди сен тозаландинг, одам қарашни бошласанг бўлади.

Бундай ҳодисаларни кутмаган ва ҳатто ўйламаган эдим-да.

Бу воқеадан анча олдин устознинг хонасига уч киши кириб борганимизда:

— Саволинглар бўлса беринглар, узоқдан келибсизлар, — деди.

У кишига назар ташлаб, отанинг ичидан нур чиқаётгандай туйилди бизга ва биз қаердалигимизни ҳам унутган эдик. Ўша нур мени Тўхтабой ота билан боғлади қўйди. Тошкент ва Фарғона водийсидан йигитларга отадан олган таассуротларимизни ифода қилиб берганимиздан кейин бирин-кетин олти дуохон ва азайимхонлар келибди. Улар даргоҳнинг ҳамма ерларини кўриб бўлгач, ўзларининг чилла ўтириб ҳосил қилган кучини яъни муаккалини отада синаша бошлашди. Улар отани ўзимизга бўйсундириб оламиз, деб хаёл қилишибди.

Мулла ота ўша вақтлари бу келган дуохонларнинг қилаётган ишларидан хабардор бўлса ҳам индамади. Дуохонлар кўп уринишди, ўзларининг билган-ўрганган усулларини қўллашди. Уларга бундай қилманглар, у кишининг нури кучли, деб уқтиришга уриндим. “Биз бу кишидан кучлимиз, бизнинг “одамларимиз” шундай дейишмоқда. Ундан кўра сиз ҳам биз билан ўқишни бошланг”, дейишди улар. Уларга гап кор қилмаслигини тушуниб, ўзимни улардан олиб қочдим.

Мана, орадан ўн бир йил ўтди, ўша олти кишидан бирортаси ҳам қолмади, кетма-кет дард ва касаллик оқибатида оламдан ўтиб кетишди. Улардан бирортаси ҳам тавба қилиб кечирим сўраб, ушбу даргоҳга келиша олмади. Фақат бир ўзим қолдим, холос.

2009 йили эди. Шаҳарлик бир дуохонни учратиб қолдим, у киши билан ҳол-аҳвол сўрашгач, қилиб юрган ишларимни суриштириб қолди. Мен қисқа гапириб, китоб ёзиш мақсадим борлигини билдирдим, шоядки шу инсон менга тўғри маслаҳат берар, деган умидда қўлёзмани кўрсатган эдим, у қўлёзмани ҳам, Тўхтабой отани ҳам писанд қилмади.

Билсам, бизнинг ўртамиздаги мулоқотдан сўнг, ушбу даргоҳга ўзининг синов дуоларини – “ҳаво орқали хатини” йўллабди.

Яқинда даргоҳга ўзини бениҳоя кучли азайимхон деб билган бир одам келипти. Таважжуҳ вақтида Тўхтабой ота ҳамма қатори унга ҳам қараб ўтипти. У одам гаплашмоқчи бўлса, ота гапиришга йўл қўймапти. У одам нима қиларини билмай, отаи Кечирмас ота мақбарасини зиёрат қилиб, айланаётганида мақбарадан бир садо эшитилибди: “Эй банди гофил, кучингни кўрсатаман деб овора бўлма, сенинг йўлинг бошқа, Тўхтабойнинг тутган йўли ҳақ – тўғри йўл, Аллоҳ уни ҳимоя қилиб туради”. Азайимхон ўша заҳотиёқ даргоҳдан қорасини ўчирибди.

Даргоҳдаги одамларнинг танасидан олинаётган дардларни, касалликларни одам кўзи билан кўра олмайди. Кўзи очиқ, сезгир одамлардан сўрасангиз,

Аллоҳнинг изни билан ҳамма касалликни даволаётган Тўхтабой ота, деб айтишади. Кароматли инсонни зиёрат қиладиганлар учун ундан оладиган ута муҳим нарса бор. У ҳам бўлса сиз ва яқинларингиз ҳақида холисона сўзлар шодаси орқали тилаклар билдиради, дуолар қилади.

Тўхтабой ота одоб билан одамларни эшитади, хайрли, таъсирли гаплардан сўзлайди, инсонларга қувонч улашиб, улар манфаати деб яшайди. Кишилар ўртасидаги муносабатларда хиёнат, кибр, адоват, жоҳиллик, ёлгончилик каби иллатларнинг йўқолишини истайди.

НОСТРАДАМУС

2003 йилнинг май ойи эди. Кечқурун таважжухда Тўхтабой ота Қуръон сураларини ўқиб ўтириб, қалб кўзи очиқларга қараб:

— Ибодулло, Эркин, Муҳаббат нималарни кўра — япсизлар? — деб сўради.

Шунда Муҳаббат:

— Менга Италия, Исроил кўриняпти, уларнинг устида қора булутлар тўпланмоқда, — деди.

— Эътибор қил, — деди ота, — ўша қора кучлар қаердан келаяпти?

Муҳаббат жавоб берди:

— Улар ер остидан чиқиб, осмондан ҳам қуйиляпти.

— Юқорига қара, — деганча Мулла ота ўқишни давом эттирди.

Муҳаббат ҳайратдан қотиб қолди:

— Осмонда қулида китоби бор, узун соқолли одам кўринаяпти. Қора булутлар ўша китобдан куч олмоқда, китобга эса қандайдир уч сайёрадан қувват келмоқда.

Шунда Тўхтабой ота:

— Ўша чолнинг кимлигини сўра, — деди.

— Нострадамус номини эшитаяпман, — деди Муҳаббат.

Шунда Мулла ота:

— Ё, Аллоҳ! — деб нидо қилди. Атрофга бир илоҳий тароватли нурлар таралди. Яна "Аллоҳ" деганларида отанинг руҳи осмони фалакка кўтарилди. Юзларига илиқ раҳмоний шуъла, маънос табассум югурди. Жисмларида катта мажлисни бошқарадиган важоҳат пайдо бўлди-да, баланд овозда хитоб қилдилар: — Ё, Аллоҳ! Одам Атодан бошлаб ҳозирги кунгача ўтган барча авлиёлар, илтижоимга қулоқ солинглар ва барчангиз кучларингизни менга беринглар, — дея қоматларини силкитиб, қувватларини йиғиб олдилар ва: — Ё, Аллоҳ! Сенинг қудратинг билан бу қора кучлар ер юзидан олинсин! — деганларича Ёсин сурасини ўқишни давом эттирди.

Бир оз муддатдан сўнг Муҳаббатдан:

— Нима бўлди? — деб сўради.

— Бу қора кучлар ернинг киндигидан чиқаётган экан, олинди, — деб жавоб берди у, — учта сайёрадан тушаётган кучлар ҳам олинди.

Мулла ота:

— Нострадамуснинг ҳам илми ва кучи олинсин, — деб ўқишни давом этди.

— Нострадамуснинг ҳам илми, ҳам кучи олинди, — баён этди Муҳаббат.

— Ё, Аллоҳ! Ўзингга шукур, — деб авлиёларга раҳмат айтдилар-да, бизга қараб сўзлай бошладилар, — Нострадамус ҳам авлиё ўтган, фақат у шайтон авлиёси эди. Унинг башоратлари ўн бешинчи асрдан буён амал қилиб келарди. Чунки авлиёнинг айтган ҳар бир сўзи бугун бўлмаса эртага ёки бир ойдан кейин албатта бажо бўлади. Бугундан бошлаб унинг башоратлари амалга ошмайди. Чунки унинг кучи ва илми ер юзидан бутунлай олинди. Аллоҳнинг изни билан энди янги ҳаёт бошланади.

...

— Кимки бу дунёда шайтон билан гаплашиб юрса ёки чилла ўтириб муаккил ҳосил қилган бўлса, у албатта шайтондан ҳосил бўлур. Шайтон инсон билан гаплашиб

юргани ҳисобига унинг 30 % умрини олур. Агар Аллоҳ бандасига 70 йил умр берган бўлса, 49 ёшида, 80 йил яшаш тақдирида ёзилган бўлса, 56 ёшида ўлиб кетар экан. Буни ҳаётда кўриш мумкин.

Шариатда ҳаром қилинган нарсаларни бандаси шифо деб қабул қилган ҳолларда, илон, чўчқа, типратикон, ит гўшти шўрваси ва гўшти ҳазм қилувчи, қувват ажратиб чиқарувчи ҳамда ички биокимё жараёнлар учун зарур моддалар бўла олмас экан. Улар бошқа дин вакилларининг ризқи экан. Илон гўштини тановул қиладиган одамнинг юзи ҳам илонга ўхшаб кетаркан. Ит гўштини кўп истеъмол қилганлар уйқусида акиллаб чиқади. Сийдик ҳаром, амри маъруфда имомлар бу тўғрида кўп сўзлар айтганлар. Инсон тановул қилган барча таомлар ичакларда қонга сўрилади ва қувват ички аъзоларнинг керак ерига етиб боради. Тўқималари ҳужайраларда ишлатилиб бўлган жамики модда қон орқали буйракка келади. Демак, буйрак қон рангини олиб қолиб, оқ рангдаги сийдикни ҳосил қилар экан.

Инсоннинг юраги минг йил ва ундан ортиқ яшаш учун тайёрланган экан (у муштдек келади, вазни ёши катта одамларда 220—260 граммни ташкил этади). Юрак бир йилда 36800000 марта қисқаради.

АЁЛ ИФФАТИ

Тўхтабой ота жуда кўп масалаларда тўғри маслаҳатлар беради, таъсирли насиҳатлар қилади. Бир суҳбатда аёл иффати ҳақида сўз кетди. У киши бизга бу ҳақда қуйидагиларни айтди.

Эр ва хотин муносабатлари муқаддас эканлигини биламиз. ўша муносабатлар қай тарзда йўлга қўйилиши кераклигини ҳам билишимиз ва мазкур билимга амал қилишимиз лозим. Мужтаҳид уламоларимиз бу ҳақда кўплаб ҳукмларни чиқарганлар, эрнинг хотиндаги ҳақларини қуйидагича баён қилганлар:

Аёл киши эрининг ҳузурида, эри бор вақтда унинг рухсатисиз нафл рӯза тутмаслиги лозим.

Аёл киши эрининг рухсатисиз бегона одамни уйга киритмаслиги керак, чунки эри йўқлигида унинг уйига кирган одам туфайли оилага катта зарарлар етиши мумкин.

Аёл киши эри хоҳлаган вақтда шаръий узри бўлмаса, унинг жинсий эҳтиёжини қондириши керак.

Хотиннинг эрга итоат қилмоғи шарт. Эр оила раҳбари, агар аёл эрнинг итоатида бўлса, фарзандлар ҳам отага итоат қиладиган бўлади, оқибатда оилада дўстлик, муҳаббат ҳукм суради, оила мустаҳкамланади, қут-барака бўлади.

Аёл киши ўз эри ёмон кўрадиган кишиларни уйга киритмаслиги ва унинг тўшагига ўтқизмаслиги керак.

Эрга нисбатан барча ишда яхши муомалада бўлмоқ лозим.

Эр хотинига одоб бериш ҳуқуқига эга. "Қай бир хотин ўлсаю эри ундан рози бўлса, у жаннатга киради" (Ҳадис).

Ҳаётдаги энг гузал фазилат қаноатдир. Рисоладаги хотин ўзини бу фазилат билан зийнатламоғи даркор. Турли ҳавои ҳавас, зеб-зийнат талаб қилиб, эрни қийин аҳволга солиши яхши эмас. Момоларимиз ризқ-рўз топиш учун жўнаб кетаётган эрларига: "Ҳаром касб қилманг, Аллоҳдан қўрқинг. Биз очлик-ночорликка чидаймиз, лекин дўзахнинг азобига чидай олмаймиз", дер эканлар. Эрга ихлос билан хизмат қилиш ҳам аёлларнинг юксак одобларидан биридир.

Хотин оилада чиройли амалларга одатланмоғи керак. Қуръон ўқиши, китоблар билан танишиб туриши, ахборотлардан хабардор бўлиши лозим. Оқила ва маърифатли аёл ҳамиша эъзозда, эътиборда бўлади.

Уйнинг содда, саранжом-саришга бўлиши ҳам асосан хотин кишига боғлиқ. Уйнинг зийнати, нақш-нигори аёллардан эмас, балки саришталик тотувлик ва меҳр-

муҳаббатда эканини ҳеч қачон унутмаслик керак. Хотин киши эрининг виждонига айланиб, уни гуноҳ, ёмон ишлардан қайтариб, савоб ишларга ундаб туради.

У эрига енгил пайтда ҳам, огир пайтда ҳам яқин киши, дардқаш, маслаҳатчи бўлади. Уни сабр-чидамга даъват қилади, тушкун кунларда кўнглини чуқтирмай, доимо олдинга интилишга ундайди.

Аёл эрининг яқин ёрдамчиси, ишончли кишиси бўлиб, ҳамма нарсаларни тартибга солиб туради. Унинг қилмоқчи бўлган ишларига ҳурмат билан қараб, ваъда ва учрашувларини ўз вақтида ўтказишига ёрдам бериб турса, бу ҳолат эрни доимо уйга боғлайди. Чунки у бу ерда роҳат-фароғат топади, ҳузур кўради.

Аёл эр ҳузурида ширинсухан, хушмуомала бўлиши билан бирга, тоза, чиройли кийинган, зийнатланган ҳолда бўлиши керак. Чунки бу нарса эр қалбига хурсандчилик, руҳига сокинлик киритади, қалбига қувонч бағишлайди.

Рисоладагидек хотин эрининг олдида ҳам, ортидан ҳам обрўйини, молини сақлайди, шарафини муҳофаза қилади. Қалбнинг нури бу меҳрнинг кўринмас риштасидир. Зотан, нияти, маслаҳи муштарак инсонлар учрашганда, уларнинг ҳар биридан “учган” қалб нури меҳрнинг кўринмас риштаси мисол дилларга “қўнади”. Шу боис ва тақдирнинг тақозоси ила улар қадрдон кишиларга айланиб, бир-бирларига умрбод “ипсиз” боғланиб қоладилар.

НИКОҲ

Қуйидаги фикрлар диний ва дунёвий китобларда кўп гапирилган. Уларнинг аксариятини кўпчилик билади. Аммо бу ёзганларим отадан эшитган ҳаётий сўзлардир. Уларнинг айримларини бошқа асарлардан топиш мушкул.

Никоҳ барча халқларда мавжуд. Бу маросим инсоний алоқалар ичидаги энг муқаддас робитага айланган.

Исломда бу робита Аллоҳнинг амри ила, пайгамбаримизнинг (сав) суннатлари ила, мўмин-мусулмонларнинг гувоҳлиги ила қуриладиган муқаддас удумдир.

Аллоҳ таоло инсон ҳаёти маълум низом асосида, иффат ва поклик асосида, муҳаббат ва севги асосида, ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида бўлиши учун никоҳга амр этган. Аллоҳ таоло инсон ҳаётини турли тартибсизлик ва келишмовчиликлардан, ҳаром-харишдан, ифлосликлардан ва уларнинг оқибатидан келиб чиқадиган бало-офатлардан сақлаш учун никоҳга амр этган.

Аллоҳ таоло никоҳни ўзининг барча пайгамбарларига суннат қилиб қўйган. Никоҳни инсон навининг боқий қолиши учун, наслининг кўпайиши учун энг яхши васила сифатида буюрган.

Никоҳ хутбасини имоматта рухсати бор имом ёки мулла ўқиши мумкин, агар мулла 12 хутбани мазмуни билан ёд олган бўлса, ўша дуруст бўлади, чунки никоҳ хутбаси ўқилганда келин-куёв ўртасида Аллоҳ таоло томонидан нурдан уч кун ичида ҳимоя қобиғи ҳосил бўлади. Эр-хотин орасидаги барча ҳаракатларга шайтон ўтолмайди, ўзининг разил ва шум ишларини бажартира олмайди. Никоҳнинг илоҳийлиги шундан.

Эркак-аёлнинг ўртасидаги муқаддас робита бўлиши никоҳ алоқаси туфайли кишилар қуда-анда бўладилар, ораларидаги ижтимоий алоқалар ривожланади, дўстлик, меҳрибонлик ришталари мустаҳкамланади. Никоҳ туфайли инсоннинг майли ривожланади, унинг учун хотиржамлик, саодат таъмин этилади. Никоҳ туфайли кишилар ўз шарафларини, обрўларини муҳофаза қиладилар.

Никоҳ маданият, аслзодалик, тараққиёт ва илғорлик белгисидир, у билан одамлар ўз иффатини сақлайди ва зино каби ҳаром ишдан ўзини сақлайди. Инсон нави сақланиб қолиши билан бирга, насл-насабининг поклиги ҳам сақланиб қолади.

Никоҳ туфайли оила деб номланган муҳташам ошён курилади. Унда эр-хотин, улардан пайдо бўлган ўғил-қизлар, набира-чеваралар бир-бирлари билан муқаддас робита боғлаб яшайдилар.

Никоҳнинг оила қуришдан бошқа фойдалари ҳам жуда кўп. Шунинг учун ҳам Исломда никоҳга қаттиқ тарғиб қилинган. Никоҳнинг ҳимоя қўргони эркакнинг бир сўзи — "талоқ" сўзи билан очилиб кетади, шунинг учун никоҳни асраб-авайлаб, ўша сўзни ўзингиздан узоқларда олиб юринг. Аллоҳ таолонинг энг ёмон кўрган нарсаси талоқдир, дейилган ҳадисларда. Эр-хотин орасидаги муомала муҳаббат, севги, раҳм-шафқат ва унсу улфатлик алоқаси бўлиши лозим. Орага тушган баъзи ноқулай ҳолат туфайли дарров бир-бирига зулм қилишга ўтиш керак эмас.

АЁЛ КИШИ ЎЗИГА ХОС ТАБИАТ БИЛАН ЯРАЛГАН

У хотин бўлиши, она бўлиши ва бу вазифаларга тегишли масъулиятларни адо этиши лозим. Аёл кишида тез ва таъсирли меҳр кўрсатиш қобилияти мавжуд. Унинг тез жаҳли чиқиш ва оғир нарсани кўтара олмаслик хислати ҳам бор. Унда чидамлилиқ фазилати ҳам бор, бинобарин, эркак киши кўтара олмайдиган нарсани кўтариши мумкин, аммо ўзига хос бўлмаган қийинчилик, салгина қўпол муомала, бир оғиз ноқулай сўзни кўтара олмаслиги аниқ. Эр ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда хотинига яхши муомалада бўлиши лозим.

"Аёлларга доимо яхшилик қилинг!" бу — ҳадисдан. Ҳалқимизда "Аёл киши яхши сўзнинг гадоси", деган ҳикмат бор. Чунки аёлнинг яратилиш фитрати шуни тақозо қилади. Шунинг учун аёлдан содир бўладиган ҳар бир нарсани тафтиш қилиб, унинг бошқача бўлиши учун уриниш маслаҳат берилмайди. Балки аёл табиатига мансуб нарсаларни ўз ҳолида қолдириб, сабр қилиш

афзал. Ана ўшанда уриш-жанжаллар камаяди, оиланинг бузилиш хавотири йўқолади.

Яхши муомала озор бермаслик, ҳақини поймол қилмаслик, ёмон кўришини изҳор қилмаслик, ширинсуханлик, қилган яхшиликларини миннат қилмаслик каби ишларда намоён бўлади.

Эри ҳазил-мутойиба ва кўнгилхушлик билан аёлини эркалатиб туради. Муътадил, васваса даражасига ўтмаган рашк яхши сифатдир.

Эр киши оиласини жуда қисиб ҳам қўймайди, исрофга ҳам йўл қўймайди. Эркак оиланинг озуқасини ўз вақтида етказиб бериши лозим. Агар шуни ўз вақтида қилмаса, бошқа гуноҳнинг кераги йўқ бўлиб қолади. Бу дунё ва охира азобини тортаверади.

АЁЛЛАР ЭЪТИБОРИГА

Аёл киши ким бўлишидан қатъиназар, бой-бадавлат, мансабли, обрўли эркакни ўзиники қилиб олиш учун аввалги хотинини талоқ қилдиришга уринмаслиги лозим. Ризқи-рўз, оилавий бахт масалалари тақдирга қараб бўлади. Бировнинг оиласини бузишга урингандан кўра, уларга бахт-саодат тилаб, бунинг учун ҳалол йўл билан ҳаракат қилиш керак.

Инсон бошқалар томонидан ўз меҳнати ва қадр-қимматининг муносиб тақдирланиши, унинг жамиятга манфаатли эканини керакли жойда, лозим тарзда эътироф этилишини чин дилдан истайди. Агар ҳар қандай кишига юксак ишонч билдирилса, ўзига ушбу масъулиятни муносиб адо этиш учун зарур куч-қудрат, ғайрат-шижоат ва имкониятни топа билади.

Бошқа махлуқотлардан фарқли ўлароқ, инсон ўзгалар томонидан камситилиши ва таҳқирланиши мумкин эмас. Чунки одамзод “олам гултожи” этиб яратилди ва унинг зиммасига муайян масъулият юкланди.

Ҳар бир инсон ўз орзу-умидлари, ҳис-туйғулари, алам ва армонлари билан оиласи учун, керак бўлса, у бутун умрини беришга тайёр. Шунингдек, бировга бирон-бир яхшилик қилганингда, унинг қувончини кўриб ёшариб кетасан, бу дунёда янаям кўпроқ яшагинг келаверади.

ИНСОННИ МАТЕМАТИК ИФОДАЛАШ

“Ўзбекистон” телеканалида “Заковат” кўрсатуви қатнашчиларига топқирлар қуйидагича жавоб беришди: “1/манманлик”. Мана шу каср чизигини мен янада гўлдирмоқчиман. Агар комил инсонни 1 деб олсак, бошқалардаги ёмон иллатлар йўқолиши зарур. Демак, риё, кибр, ҳасад, тамаъ, манманлик бор экан, инсон қалбидан шулар чиқиб кетсагина ягона 1 ҳосил бўлади, яъни $1/\text{кибр, риё, ҳасад, тамаъ, манманлик} = 1 \setminus 1 = 1$. Шундагина одам башарият оламидан абадият оламига ўтиши мумкиндир. Аммо бу жуда мушкул иш. Жидду жаҳд билан танани риёзатга солиши зарур. Юқорида саналган инсон нафсидаги нуқсонли, салбий хусусиятларга таъриф бериб ўтайлик.

Ҳасад — катта гуноҳдир. Ҳавас гуноҳ саналмайди. Чунки ҳавасчи бировга етган яхшиликлардан хурсанд бўлади ва ўзига ҳам шу каби неъматнинг берилишини орзу қилади. Ҳасад бировга етган неъматта рашк билан қараш ва ўша неъматнинг ўз соҳибидан кетиб, ҳасадчига етиб келишини қаттиқ хоҳлашдир. Ҳаётнинг энг майда икир-чикирларидан тортиб, энг баланд чўққиларигача ҳар нарсада ҳасад бордир.

Кўролмаслик — хулқ иллати. Баъзи одамларда бошқанинг ўзидан устун бўлишини кўролмаслик одати бўлади. Ана шу нарса ҳам ҳасаднинг сабабларидан биридир. Кўролмайдиган одам, одатда, бировни ўзидан паст санаб, уни одам ўрнида кўрмай, назар-писанд қилмай юрган бўлади. Доимо ўша одам унга қарам бўлишини ва ялиниб туришини истайди.

Кибр – катта гуноҳ. Мутакаббир одамлар ўзидаги мол-дунё, илм ва амалига қувониб ўзларидан паст саналган кишиларни доимо масхара қилиб, ерга уриб, менсимайдилар, ўзини бошқалардан устун кўриб, мақтаниб, сал нарсага керилиб юрадилар.

Мақсадга эришолмай қолишдан қўрқиш. Бу ҳолат бир мақсадга эришиш учун ҳаракат қилаётган шахслар орасида бўлади. Улардан бири кўзлаган мақсадга эришиш йўлида неъматга сазовор бўлса, бошқаси ҳасад қилади.

Мансабпарастлик ва шуҳратпарастлик. Мансабпараст амалдор бўлишга қизиқади. Мансабдор кишига хушомад қилади. Бемансаб кишиларга паст назар билан қарайди. Мансабли кишининг тўйига боради. Шуҳратпараст халқ ўртасида танилишни жуда хоҳлайди. Шуҳратга эришиш учун ўзига рақобатчи бўлган кишининг ишлари пинҳон бўлишини, ўзиники эса ошқор бўлишини истайди. Бунга маълум бир соҳада тенги йўқ бўлишни орзу қилган шуҳратпараст мисол бўлади. Агар унга дунёнинг нариги бурчида сенга тенг келадиган одам чиқибди дейилса, ўшанинг йўқ бўлишини орзу қилади.

Одамларга яхшилиқни раво кўрмайдиган, табиати бузуқ шахс ҳасадчи бўлади, ўзига ҳеч алоқаси бўлмаса ҳам бировга неъмат етишини кўролмайди, ҳасад қилаверади.

Қалб хасталикларини нафсни тарбиялаш орқали даволаш мумкин. Аввало, ҳар бир инсон ҳасад ўзининг дину дунёсига қони зарар эканини яхшилаб англаб етмоғи керак. Шу билан бирга, у ҳасад қилинган одамнинг на динига ва на дунёсига зарар етказа олмаслигини тушуниши керак. Ҳасадчи ўз ҳасади туфайли ич-эттини ейди, қалби дард-аламга тўлади. Аммо бирор фойда кўрмайди.

ТЎХТАБОЙ ОТА АЙТАДИ

Хизр (а.с.) бобо бирон ерда озроқ тўхтаса, қуриган дарахтми, гиёҳми атроф ям-яшил бўлиб, ўсиб кетаркан.

...

Аёл билан кундузи ётиб бўлмайди, чунки фаришталар қараб туради ва ҳатто қуёш ҳам уялар экан, қуёшнинг, ойнинг ҳам жони бор.

...

Ҳозирда кўпчилик аёллар камқонлик дардига мубтало, бу дард наслга салбий таъсир кўрсатади.

...

50 ёшдаги одамга қараб:

– Сен кечга томон уйингга келганингда ичингдан қалтироқ туриб, танангдан иссиқ тер чиқадими? – сўради ота.

– Ҳа – деди у.

– Шундоқ, чунки аёлинг сенинг беркиттан пулингни, унга билингтирмай қилган ишингни, алдаганигни билиб қолмасин деб қўрқиб, қалтирайсан.

У киши кулиб юборди.

Ҳозир жоҳил аёллар ёмон иш қилиб отинга, домлага ўқитиб, оилани ночор аҳволга олиб келишмоқда. Ана шундай дуодан бу кишини ичида ўсма ўсиб кетган. Бу ўсма туфайли айбини беркитолмай, билдириб қўядиган бўлиб қолган.

...

Ҳозирда ёшларнинг мизожи совуқроқ негадир, сабабини топиб аниқлаш даркор. Дунёда қора магия жуда ривожланиб бормоқда. Бизнинг Ўзбекистонимизнинг аҳволи яхши. Дунёда бактериологик қуроолар кам ишлаб чиқарилмоқда, лекин сеҳр-жодута йўл очиб берилмоқда.

РЎЗА

Даргоҳдалик вақтимда кунларнинг бирида менда рўза тутиш хоҳиши пайдо бўлди. Астойдил ният қилиб уч кунлик рўза тугмоқликни қасд қилдим. Биринчи куни яхши ўтди, иккинчи кун иссигим кўтарилгандай бўлди, ҳеч нарса ёқмади, тўшакка ётиб олдим, йигитларнинг гаши келди.

– Ҳаким ака, нима бўлди сизга, бу ерга ётиб дам олгани келдингизми? – дейишди.

Аранг ўрнимдан туриб уста Ибодулланинг ёнига бориб ундан сўрадим:

– Инсон овқат ва сув ичмай неча кун юра олиши мумкин экан-а?

– Шу яқинда бир одам келди ва йигирма тўрт кун ҳеч нарса тановул қилмай бирдай юрди, охирги куни сабзини қирғичдан ўтказиб, бир коса шарбатини ичиб, соғлом уйига қайтди, – деб жавоб берди у.

Унинг бу сўзларини эшитиб, ўзимда далда ҳосил бўлди, унга рўзадорлигимни айтдим.

– Ундай бўлса тута беринг, ўзингизда ўзгариш ҳосил бўлади, – деб қўшиб қўйди.

Рўзанинг учинчи куни ўзимни қаерга қўйишни билмай юрдим, бир вақт пешиндан кейин ичимдан овоз келди: “Қанийди бир қултум сув бўлса...”

Овозга жавобан: “Эй шайтон, сув бўлмайди, ичимни тарк эт”, дедим.

Яна бир оз вақтдан кейин ичимдан: “Қанийди бир гишлам нон бўлсайди” – деган овоз келди. Мен: “Эй шайтон, чиқ ичимдан, нон бўлмайди, мен рўзадорман”, дедим.

Ифторга тайёргарлик кўрдим, рўзамни очдим, шукр қилдим, шунда ичимдан яна овоз эшитилди: “Шу овқатларни нима учун едим? Шундоғам яхши юрувдим”. Демак, инсон ичига жойлашиб олган шайтонлар сувсираб, таом талаб қиларкан, шу вақт одам алаҳсиб ўзидан кетаркан, шу вақтда шайтон

танани тарк этаркан. Бу нафл рўза ҳақидаги гаплар, яъни риёзат чекиб иродани мустаҳкамлаш, танани зиёнлардан тозалашдир. Рўзани беш фарзга қўшганлигининг сабаби, инсоннинг соғлом ҳаёт кечиришининг омилларида бири эканлигини шоҳиди бўлдим, Аллоҳ таолонинг инсон учун учинчи фарзини илоҳийлиги шундан экан.

ТАМСИА

Бир саҳройи одами Самарқанд бозорига келиб 30 кг гуруч олиш учун сотувчи ёнига келгач, унинг тарозиси посангисини синаш учун бўлса керак, бир дона сабзи қўйибди, у киши бу сартни бир боппай, деган ҳаёлда посангидаги сабзини еб қўйибди.

Таважжухда мулла Тўхтабой ота барчанинг муолажасини қилиб бўлганидан сўнг эшикка чиқиб келмоқчи бўлиб : “Ҳай, одамлар, тинч ўтириб, тилак тилаб касалингиздан фориг бўлишингизни Аллоҳдан сўраб ўтиринглар”, дейди. Аммо ўтирганлар бир-бирлари билан гаплашиб кетадилар. Юқоридаги тарози посангисидаги сабзини еб қўйган одамга ўхшаб, бу ғала-говур ўзларининг зиёнига бўлаётганлигини билмайдилар.

...

Мулла Тўхтабой ота одамларнинг касалини ўзларига айтмайди, чунки касалликнинг ноҳуш хиллари кўп. Ота бу дардларни беморнинг ўзига айтмай, суғуриб олиб турибди.

...

Тўхтабой отадан даво истаб келган 30 ёшлардаги бир йигит хотини билан 5 йилдан бери фарзанд кўрмаётганлигини айтди.

— Духтирлар нима дейишди? — деб сўради ота.

— Қаттиқ шамоллатгансан, дейишди.

— Сенинг кўрсатмаган дуохону азайимхонларинг ҳам қолмапти-ку.

— Ҳа, нажот истаб боравердим.

— Уша азайимхонларнинг дуолари сенинг уругингни бойлаб қўйипти. Ҳар бир аъзоингда бор бу мудҳиш жоду. Дўхтирларнинг сўзига қулоқ сол, ноумид бўлма, мен ҳам сени дуо қилиб тураман.

Қайси элнинг пири бўлса, у шу эл учун қалқон ҳисобланади. Самовий, хурофий офатлардан ўз қавмини қўриқлайди.

РИВОЯТ

Мусо алайҳиссалом ўзининг қавми билан кетаётганида йўлда жуда қаттиқ сел қўйибди, шунда олдиларидан бир катта тоғ чиқиб қолипти, Аллоҳнинг амри билан Мусо алайҳиссалом тоғни кўтариб турипти. Одамлар селдан паноҳ топиб, тоғ тагида жон сақлашибди. Шунда бир фариштадан нидо келипти: «Эй, Мусо, келибсан-да, мен неча минг йиллардан бери шу ерда тоғ бўлиб сени кутиб турувдим, чунки тақдири азалда одамларга пайғамбар эканлигингни кўрсатишинг керак эди». Аслида, Мусо алайҳиссалом тоғни кўтармаган, тоғ ўзи ердан кўтарилган, бу ҳодиса Аллоҳнинг тақдиру азалида ёзилган.

Бир одам Аллоҳдан сўрар экан:

— Эй, Ҳақ таоло, сен мени одамлардан холи жойга юбор, мен сен учун тоат-ибодат қилиб юрай.

Фалакнинг гардиши билан у одам кемада саёҳатга чиқибди, кема ҳалокатга учраб, у одам бир парча тахтага илашиб олипти, бир замон кимсасиз оролга бориб қолипти. У оролда жой топиб, яна тоат-ибодатини бошлабди, намозини ўқиб бўлиб, орқасига қарасаки,

бир туп анор пайло бўлиб, мевалари етилиб турганмиш. Битта анорни узиб олиб, сувини сиқиб ичишти. Эртаси ҳам ибодатларидан сўнг анор пишиб, яна сувини сиқиб олиб тановул қилипти, ҳар кун такрорлана бериб, у одам Аллоҳ билан ҳам гаплашадиган даражага етиб, 500 йил умр кўриб, Парвардигорга юзланиб гаплашипти. У киши яратганга: «Шунча йил умр кўрдим, Сенга ибодат қилдим, сен менга нима бердинг», деганида Аллоҳ унинг тақдирига қараган экан, кофир бўлиб ўлиш ёзилган экан, у Аллоҳга ширк келтириб ўлиб кетипти.

...

Таважжуҳда ота:

– Ҳаким, мана бу одамга қарагин-чи, нималарни кўрар экансан, — деди.

У кишининг ёши ҳали элликка етмаган, дуо қилувчилардан эзиб ички сотиб олиб чойга, шакарга, сувга солиб ича берган, оқибат ҳайкалдай қотган; бутун танаси билан бурилади, кўзлари ҳам қотган, миялари боғланган, у аранг ҳаракатланади. Нима қилаётганини ўзи билмайди, ҳеч ердан нажот тополмай, чиқмаган жондан умид, дегандай Тўхтабой отанинг дарагини эшитиб, келган экан. Дуолар ва эзиб ичкиларнинг оқибати мана шундай бўлади, шекилли.

...

Сурхондарёнинг Қизириқ тумани Бўстонлиқ жамоа хўжалигидан бир аёл келди.

– Сен “Нексия”да йўлда кела туриб оёқларинг жони чиқиб кетгудай бўлиб оғридими? — деб сўради ота.

– Ҳа, бир ўлиб тирилдим, хўжайин билан машинада келаётганимда оғриқ бошланганини айтдим, у киши суркайдиган малҳамни суртиб ол тезроқ, деб меҳрибонлик кўрсатди.

Аёл “Эй, Худо, жонимни олсанг ол, тўйиб кетдим”, деб оғриқни ўзига қўйиб берипти, бир кун бўлмаса бир кун ўламан, дермиш.

– Ҳозир сенинг касалинг йўқ ўшанда машина ичидаёқ барча касалларингми чиқариб юбордим, бутун шу ерда тунаб қолинглар, 3 кундан кейин жавоб, оилангга қайтиб бор.

Бу аёлнинг исм-шарифи Мингнор Холматова экан. Ўзининг айтишича, муътадил 4 маҳал ҳар куни бир вақтда жадвал билан иккала оёғи оғрир экан: эрталаб ($9^{30} - 10^{30}$), пешинда ($12^{30} - 14^{00}$ да), ($15^{00} - 16^{00}$), ($18^{00} - 23^{00}$)гача.

...

Бировларнинг ҳақини еган, молини ҳаромхўрлик билан ўзлаштириб олганларнинг ҳолига вой, дейди ота, шундайлар ҳам бизнинг ҳузуримизга келиб турипти. Хоразмдан бириси келиб даволанди. Еганини бир оз муддатдан сўнг яна оғзидан чиқариб гашлайди, уни даволашга кўп вақт сарфладим, инсон еган нарсасини табиий орқадан чиқариб ташласа дуруст, ҳеч йўл берилмади, бир жойини очиб юборсам, бошқа жойи қисиб қола берди, тўрт йил қийналди.

БОЛА ТАРБИЯСИ

Авваллари шоҳлар, султонлар бола кўрса, аёли чилласини чиқариб – қирқ кундан сўнг эмизикли боласи бор энага тарбиясига берар экан. Бу болани у тарбия қилади. Энага уни тергайди, одоб талаб қилади, йиқилса турғизиб, унинг сабабини болага тушунтиради. Агар унинг туққан онаси тарбияласа, кичкинтой йиқилса, “Вой, болам ёмон йиқилди”, деб ваҳима қилади. “Бу овқат унга ёқмайди”, “У бунақа кийим киймайди” ва ҳоказо сабабларни рўкач қилиб, бола тарбиясини бузади.

Европа давлатларида ҳам болаларга энага қарайди, онаси келиб эмизиб кетади, холос. Бола боғчага, сўнг мактаб-интернатларда ўқиб ва коллежда ҳунарли бўлиб,

ўзи ишлаб пул топиб, ўзини ўзи боқади. Институтларни битириб, бир касб эгаси ёки олим бўлиб етишиб, мустақил оила қуради. Ота-оналари бой бўлишса-да, унга моддий ёрдам, пул беришмайди. Ота-онаси кексайгач, қайси боласи ҳалол, тўғри сўз, тўғри фикр эгаси бўлса, ўзларининг бойлигини унга қолдириб кетишади.

Бизда бундай эмас, боламга уй солай, машина олай, институтни амаллаб тугатиб олсин, дея ота-она боласини ўйлайди, бола яхши чиқса – яхши, ёмон феъл-атворли бўлса-чи... Бу дунёда болага ота ва она меҳрибон. Фарзандларига ҳалол едириб турганга Аллоҳ таоло ҳам меҳрибон бўлади. Бола тарбияси ҳаётда энг зарур ва мураккаб нарсалардан биридир. Президентимизнинг болалар тарбиясига бўлган муносабатни давлат даражасига молик масала қилиб кўтаришнинг аҳамияти шунда.

...

Даргоҳга келаётганларнинг 10 тадан 9 тасининг хаёли бузуқ, ўзини, ўзи ўлдирмоқчи, жанжал қилувчи, хуллас, мияси бузилганлар, кўпи дуо битилган қоғозларни ичганлар, икки биқини атрофида сув йиғилган, булар чойга, сувга дам солдириб ичган касаллар, ўзинг биласан, бирор ичимликка дам урилса, макруҳ деган пайгамбаримиз, ҳар биридан 20 литр атрофида сувини олиб ташлаш керак буларнинг.

Бу одамлар қачон тўғри йўлга тушар экан, дуо ўқиб дам солиш тўхтатилмаса, янгидан-янги касалликлар тури ва хили кўпая беради. Аллоҳ! Барча бандангга инсоф-тавфиқ бер! деб дуо қилади ота.

ЎЗ УЙИДАН ҚОЧИШ

Аввалги сафар даргоҳга келганимда бир йигит Тўрткўлдан қатнайдиган поезд жадвалини сўраганиди, бу сафар зиёратга келипти.

— Уйнаб-кулиб юрардим, камчилигим йўқ, ҳеч нарсадан қўрқмасдим, ишларим юришиб турарди, касбимга Аллоҳ барака берганди, оилам фаровон, яхши яшардик. Секин-секин нафасим қисадиган бўлиб қолди. Аллергиям бор деб, Тошкентдаги профессорларга учрашдим, улар касалинг йўқ, дейишди. Кунлар ўтиб менинг қийналишим тобора ортиб бораверди. Дунёга сигмай қолдим, санаторийга бордим, текшириб куриб юрагинг ёмон деб, мени қабул қилмади. Янги ТошМИга ҳам бордим, кардиология бўлимида текширувдан ўтдим. Улар ҳам юрагингнинг мазаси йўқ, дейишди, аммо бунинг сабабини била олишмади ва психиатрга йўланма беришди. У бу нарса ўтиб кетади деб айтди, сўнг олти ой вақт ўтиб ёмонлашиб бордим. Самарқандга бордим, докторлар бурнингнинг суяги қийшиқ, ҳаво шунинг учун етишмайди деб, “кислородное голодание” диагнозини қўйишди. Операция қилдирдим, барибир ўзгармади, қийналишим зўрая берди. Хуллас, дуохон, фолбинлар ҳам қолмади, ҳаммасига даво истаб бордим. Бозорда юрувдим, бир куни бир аёл ёнимга келиб: “Нима учун кайфиятинг йўқ, касалмисан?” сўраб қолди.

— Кел, қўлингни бир ушлаб кўрай, — деди, қўлимни бердим.

— Билмайман Самарқандми, Бухороми, билмадим, гумбазлар кўп кўриниб турипти, уша ерда бир соқоли бор одам сени даволайди. Фақат у кишигина жонингга оро багишлай олади, — деди аёл.

Сўнгга Самарқанду Бухородаги зиёратгоҳларга бордим, у ерлардан фойда бўлмади. Қийинчилик мени енгиб бораберди. Ҳар куни ёттанымда эрталаб туришдан қўрқардим, юрагим қисилиб йиглардим, овқат емасдим, сув ичардим, оч қолмасдим, қорним тўқдай юрардим. Яқинларим менинг аҳволимни кўриб, айниқса, онам жуда кўп куйинарди.

Баҳорнинг иссиқ кунларида хотиним ва ўғилчам билан Зомин санаторийсига бордим. Улар маза қилиб дам олишди, менга игнани устида ётган одамдай ҳеч

нарса ёқмас, бировларни кўришни истамасдим. Уйга қайтиб бир ҳафта турдим, одамларга аралаша олмадим, менда қўрқув тобора кучайиб кетди. Уйдагиларим ўзингни қўлга ол, деб уқтиришарди, бунинг уддасидан чиқа олмасдим ва ўзимда бўлаётган жараённи тил билан ифода қила олмасдим. Ичмаган дориларим қолмади, уйим аптекага айланди. Дори ичсам тузаламан деб ича бердим, кор қилмасди, жўраларим билан ҳам улфатга қўшилмайдиган бўлдим, ёлғиз қолишни хоҳлардим.

Яқин жиянимнинг тўйига бордим, аммо менга ёқмади Бир хонага кириб бошимни ўраб ётиб қолдим. Эртаси пешинларда мени қийнаган нарса қўйиб юборди, янги қудаларни, қариндош-уруғларимни кутиб ололмадим. Уруғимда руҳий касал бўлган одам йўқ, фақат мен шунақа бўлиб қолдим, ҳар кунги соғлигининг қадрига етиб нафас олаётганингни ҳис қилиб яшаш керак экан. Ўзимнинг оилам билан ётадиган уйга киргим келмасди, бўғилиб кетардим, шу уйга кирмасам, дердим.

Кунларнинг бирида мен билан ишлайдиган ҳамкасб аёл уйимга келди.

— Бир аёл билан гаплашиб қолдим, уни докторлар сен раксан, яқинда ўласан, деган экан. У аёл бировлардан эшитиб, Элликқалъага бориб тузалиб келганини айтибди, — деди.

Бу гапларни ҳамкасбимдан эшитишим биланоқ у ерга бораман деб ният қилдим, чунки бозордаги аёл қўлимдан ушлаб гумбазлар кўп жойни айттанди ва қулогимда ўша гап яна жаранглади.

Даргоҳни кўришим биланоқ ўша бир ярим йил аввалги кўз олдимдаги иморатлар, гумбазларни кўрдим. Эй, Худо деб таважжуҳ залига кечки сеансга етиб келдим. Ўша куни ўтди, эртаси куни мулла Тўхтабой ота мендан қаердан келдинг, деб сўраб қолди.

— Жиззахдан келдим.

— Яхши бўлиб кетасан, — деди.

Уч кун ҳар куни олдимдан ўтаётганларида, Худо

хоҳласа яхши бўласан, деб хитоб қилиб ўтди. Уч кун турганимдан кейин енгиллаб қолганимни аниқ билдим ва ишларим кўплигини важ қилиб отадан рухсат сўраб уйимга қайтдим. Орадан ўн беш кун ўтди, эрталаб уч йил аввал соғ юрганимдай ирғиб турдим, кайфиятим чоғ эди. Эрталаб туриб ҳеч нонушта қилмасдим, шу кундан бошлаб бир коса оқ чой қилдириб, қоринни тўйдириб ишга чиқиб, кун бўйи Аллоҳга шукр айтиб юрдим.

Ҳозирда қизим ва бир ўғлим билан даргоҳга келиб зиёрат қилиб, Мулла отамдан дуо олиб кетиш ниятида келдим.

Тириксан эрта тонгдан шукр айтиб тур,
Бемор, ё бир меҳрга муҳтож ҳолин сўр,
Инсоннинг қадрига етмоқлик учун,
Ўзинг ҳам бир дафъа касал бўлиб кўр.

*Тухтабой отадан шифо топган бу киши
исм-шарифини айтишни лозим топмади.
2011 йил, апрель*

...

Бу дунёга одамзод аслида ўзига манфаат тегадиган ишлар билан шугулланиш учун келади. Шундай экан, у бошқа махлуқотлардан фарқли ўлароқ, аввало ўзининг не хилқат эканини англамоғи лозим. Унинг бунда ўз-ўзини топиши ва қай йўсинда топиши, айнан ана шу кўзгу деб аталувчи умумбашарий мезонда бутун бўй-басти билан намоён бўлади. Шу боис, ИНСОН токи тирик экан, нияти фақат улугвор эзгу ишларга йўналтирилган, ақл-тафаккур фақат олийжанобликка хизмат қилади, кўзи фақат яхшиликларни кўради, қулоғи фақат ибратли сўзларни эшитишга мойил. Савоб ишлар билан машғул бўлиш зарурати унинг фитратида азалдан мавжуд бўлгани боис ҳам шундай.

...

Ароқ ичиб юрган, наша, героин чекадиган одамларнинг ичидаги бир нарсаси камайиб йўқолиб бора беради, уруги ёмонлашиб, ундан тутилган болаларнинг жисмоний ва ақлий сифати пасая боради, бу нарса бошида сезилмайди. Шунинг учун зурриёдларинг бекаму кўст, тўрт мучаси бут бўлсин деб ўйлаб кўриш керак бўлади. Ахир Аллоҳ томонидан инсон бўлиш ва яшаш учун ўзи берган энг муҳим нарсаларни йўқотиш ўз-ўзига зулм эмасми?

...

Агар уйга, хўжаликка дам — дуо кирса, овқат пишириб гайёр дастурхонга тортишдан олдин, уйда майда болалар бўлса йиғи-сиги бошланади, хотиннинг бошида лаган синади, овқат ейилмай қолиб кетади. Шу уйдаги ноннинг, овқатнинг мазасини шайтон еб кетади. Ундан қувват олиб кучлана боради.

ФАҲМ

Сурхондарёдан бир одам келиб, отага "Янги уй қурдим, бошим балодан чиқмай қолди", деб шикоят қилди. Ота унга бир оз тикилиб туриб:

— Уйни қураётганингда нима қилдинг? Маҳалланинг имоми келиб қўй сўй, яхши бўлади, деганмиди?

— Ҳа, қўй сўйганман, яна ҳар бир уй қуриб кейингисини бошлашдан аввал яна бир қўй сўйганман, уйнинг ичида ҳаммаси бўлиб 10 та қўй сўйилган.

— Эй, одам, касбинг нима?

— Дурадгор.

— Шу нарсага фаҳм билан қарамабсан-ку, сен ўзинг бировларга том ёпиб берганингда уйни ичкарисада қўй олиб кириб сўйишмаган-ку.

— Ҳа.

— Кейин гуштини нима қилдинг?

– Ўша уйимда қон чиқартирган имом гуштларини олиб кетган.

– Гушт сенга керак бўлмаса, нима учун қуй сўйдирдинг?

– Ахир имом айтди-да.

– Ким нима деса ишонаверасанми? Ерга оқиб кетган қонда микроорганизм тез ва яхши ривожланади, атрофдаги шайтонларни ўз уйингга тўплаб олиб яна менга нима демоқчисан?

Ота шундай дегандан кейингина у фаҳмлаб етди.

— Қон тўкилган чуқурча яхшилаб кўмиб қўйилади. Қуй ҳовлининг бир четида сўйилади. Қуй сўйилган жой устига сийиб бўлмайди; зиён қилади, — деди ота. — Эй, уста дурадгор, 4 кун шу даргоҳда тур, ана шу ҳар бир сўйган қуйинг қонидан кўпайган шайтонларни бутун уйинг ва ҳовлингдан чиқиб кетгунича тозаланиш бошланди.

Айбинг бўлса рангинг ўчиб яшайсан,
Қўрқув, таҳликани қучиб яшайсан,
Балои бадларга гирифтор бўлиб,
Таваҳҳумга тушиб чўчиб яшайсан.

СУҲБАТДАН

Одамларнинг ақли ошиб кетса ўзларини йўқотиш — қириш учун ҳар турли қурооларни ихтиро қилишни бошлаб қолади. Яхшиямки, ёмонга ёмон пайдо бўлиб, бир-бировларини мувозанатда ушлаб туради. Шу даврда замон ўзгаради, аввалги ўтган замонларга ўхшамайдиган замон келади.

ҚАССОБЛИК ҲАҚИДА

Тарихда султон ёки ҳоким ўзининг фармони ва муҳри билан одамларга қассоблик қилишга рухсат берган,

ҳозирда ҳамма қассоб бўлиб кетди. Ҳайвоннинг ҳаром жойларини олиб ташлашни билмайдилар. Бу касб ниҳоятда нозик касбдир!

Молю қуй гўштининг қовурга қисми, умуртқанинг икки тарафидаги гўштининг устида, терининг тагида гўштта ёпишган оқимтир майда-майда толасифат ўсимта бўлади, шуни албатта, олиб ташлаш керак, акс ҳолда, уни тановул қилганда одамда ўсма (рак) пайдо бўлади.

Эй, деновлик, сен қуй, молларни бўрдоқига боқар экансан, сен соғлом молларни семиртириб қассобга сотасан. Ўзинг булса касал қуй-молларни сўйиб, болаларинг билан ейсан, касалинг сабаби шундан.

У одам уйланиб жим бўлиб қолди.

Эскиларнинг гапи

Эчки бошлаган йўл йўл бўлмас,
Бахил тўплаган пулдан тўй бўлмас.

Эҳсон – бошга соябон, кийим — қалқон.

Бировга нон берсанг, ўзингга ризқ бўлиб қайтади.

ЗАРДОБ

Эргаш бу ердан шифо топганлигини тоғаси Қаршибой отага айтди. Апрель, 2011 йил.

— Ёшим 76 да, — дейди ота, — 40 йилдан буён нафасим сиқилади, оғзимдан зардоб келади. Шифокорлар "ўт пуфагинг ёмон ишлайди, ошқозон ости суюқлигини кўп чиқаради, операция қилиб олиб ташлайлик, тадбири — шу, дейишди.

Отаҳон бу ерда икки кун бўлиб, бизнинг ёнимизга келиб хурсандчилигини, ҳиссиётларини ичига сиғдира олмай сўзлай бошлади:

— Аллоҳга шукрим, жума намозига борардим, ўхчигим келиб қолмасин, мени шарманда қилмасин, деб масжидда ўтирардим. Жумага бормаслик мумкин эмас — да, тенгқурларим боради, мен уйда ўтириб қолишни хоҳламасдим, мабодо масжидда хуружим келиб қолса, мана чўнтагимда, мослама қилиб олганман. — Ўша нарсани кўрсатди. — Бу ерга келиб шифо топдим.

Қаршибой ота Шурчи тумани Толли жамоа хўжа — лигидан келган эди.

...

— Сизларнинг касалингиз ўзингизнинг феълингиздан, бошқаларга бўлган муносабатингиз — дандир. Ҳозирги пайтда бировга қилинган дуо, жоду тез қайтмоқда. Ўзингизни бундай ношоён ишлардан тийинг. Оқибатда мана бундай бедаво дардларга дучор бўлмайсиз. Инсоф сўранг унинг ўрнига.

— Ярим соат бировга ўқилган дуо бир ой ичида бизнинг даргоҳга келса, уни 7,5 соат давомида тинимсиз даф этишга тўғри келади. Буни биз кўп марта синаб кўрдик.

БЕЧОРА КИМ?

Ҳозир ўзини бечора дейдиган одамлар кўп. Бечора деб кимни айтади?

— Бир одам касал бўлса, ундан ҳеч бир одам хабар олмаганини айтади.

— Ҳеч кими йўқ, ҳеч ким билан гаплашмайдиганга айтади.

— “Бечора” сўзи энг оғир сўз, нега ўзингни бечора дейсан? — деди ота бир шифоталабга боқиб. У киши ичида ҳар доим бечораман, бечораман дер экан-да. — Ахир, сен болаларингни уйлик-жойлик қилиб бўлдингми?

— Ҳа, — деди у.

– Сен энг бой-бадавлатсан, уйинг-жойинг борми, пенсия олиб турибсанми, егани нонинг борми? Сенинг ҳамма нарсанг бор. Эй, биродар, бошингни мана шундай бемаъни фикрлар билан тўлдириб юрма. Бизнинг мамлакатдаги одамларнинг 1955 йилгача қорни нонга тўймаган, 1917 йилдаги очарчилик, 1930 йиллардаги ерли халқнинг зўравонлар томонидан таланиши, қатагонлар, 1942–1945 йиллардаги уруш қийинчиликлари... нон ўрнига чигит еб, кунжара еб қорни шишиб ўлганларни биламиз, эшиттанмиз. Қорин тўйдириш илинжида эртадан-кечгача одамлар ишлаб келишган. Замон-замон дейсан. Замон ўз йўлига келиб турибди, ҳозирги бундай эминчилик замони тарихда ҳеч келмаган. Қишлоқда ҳозирда пахта экилган жойларнинг атрофига қовоқ, помидор, картошка, ловия, нўхот каби экинларни экиш учун рухсат берилган. Хусусий тадбиркорликка йўл берилди. Бундай яхши замонга шукр қилиб яша!

ҲАЗИЛ

Бир замонларда ота ва ўғил ишдан чарчаб, дам олиб ўтиришганда ўғил сўради:

– Ота, қачон бизнинг қорнимиз нонга тўяди?

– Худо билади, болам!

Бола яна сўз қотиб:

– Ота, қандай овқат энг мазали? — деб сўради.

– Иссиқ нонни қатиққа тўғраб есанг – ўша мазали.

– Ота, ундан ҳам мазалироқ овқат борми?

– Ўғлим, бор. Нонни сариегга суриб ейиш жуда маза.

Хулоса: ота ҳам умри бўйи тўйиб нон емаган, бошқа овқатларнинг номини ҳам билмас ва емаган экан-да.

Ота аста сўзида давом этади:

– Одам ким? Ва у қандай бўлади? Одам деб меҳр-мурувватли, бошқаларга ғамхўрни айтади, яна сахий-саховатли, мардни айтадилар, бошқаларни ҳурмат қилиб,

эл-халқнинг гамини ейдиган, тўғри сўз, тўғри фикр юритувчини айтади.

Отанинг ёнида бир кекса киши ўтирган эди, унга юзланиб:

— Ота, қулоқ том битибди-ку, эшитяпсизми? — деди. У ҳеч нарса демади.

— Ота, қаердан келдингиз? — дея боши ва қулоқларини сийпалаб сўради.

— Исмингиз нима? — У ҳамон эшитмасди.

Яна унинг бош, қулоқ, бўйинларини силаб:

— Қаердан келдингиз? — деди. У одам энди эшитди ва қишлоғининг номини айтди.

Ота у кишига:

— Сизни аввал икки марта қулоғингизни очган эканман, — деди.

— Ҳа, — деди у.

— Яна қулоқ томирларингизни шамоллатибсиз, — дея қулоқларини очди.

ҲИКОЯ

Икки пок инсон ўзаро суҳбатлашиб қолибди.

— Тирикчилигингиз қандай кечяпти? — кичиги каттасидан сўрабди.

— Аллоҳ етказганига шукр келтириб топган-гуттанимизни болалар билан еб, яшаб юрибмиз, — дебди каттаси. — Сизни яшашнингиз қай аҳволда?

— Аллоҳ етказганини етим-есирларга, қариндош-уруғларга улашиб, ўзимиз соғ юрганимизга шукр қилиб келмоқдамиз, — деб жавоб берибди кичиги.

Одам боласи ўзига қийин бўладиган нарсани сўраб дуо қилмаслиги лозим (имкони йўқлигини ўзи биладию, аммо сўрайверади). Ўша қийналиш савобга сабаб бўлса ҳам, боло-офатларга сабр қилган кишига ажр-савоб

борлиги ҳаммага маълум. Бетоб киши ўзига қийин бўладиган нарсани сўрагандан кўра, яхшилиқни сўраши керак.

ТЎҒРИЛИК НАЖОТГА ОЛИБ БОРАДИ

Мавлоно Абдураҳмон Жомий “Нафаҳот-ул-унс”да шундай нақл келтирадилар: “Гавс-ул-Аъзам (разияллоҳу анҳу) кичикликларида арафа куни саҳрога чиқиб эрдилар. Бир ҳайвон галасини томоша қилиш учун кейинидан борур эрдилар. Ногоҳ ул гала ичидан бири ул отага юз келтириб равон тил билан шундай деди: “Эй Абдулқодир, сени булар учун дўст тутиб эдиммики, ҳануз бу ишга юз бурмадинг?”

Бу сўзни эшитмак била қўрқдилар ва уйларига ёниб келиб, томларига чиқдилар. Кўрсалар, ҳожилар Арофатда тўпланиб турибдилар. Томдан тушдилар. Волидалари ҳузурига кириб:

– Эй меҳрибон онам, мени Худои таолонинг бандачилигига қўйил, ижозат бергил, Бағдодга бориб илмга машғул бўлғумдир, солиҳларни зиёрат қилғумдир, – дедилар.

Оналари боисини сўрадилар. Ул зот бўлиб ўтган воқеаларни баён қилдилар. Оналари йиглаб, ўринларидан саксон динор чиқардилар, бу пул оталаридан мерос қолиб эди. Мундан қирқ динорни биродарлари учун қўйиб, қолган қирқ динорни либосларининг бағалига (қўлтиқ остига) тикиб қўйиб, сафарга ижозат бердилар. “Жами аҳволда ростлиқ пеша қилгайсиз”, деб аҳд-паймон бердилар.

Ул ўғиллари била хайрлашмоқ учун чиққанларида шундай дедилар:

“Эй фарзанди аржуманд, майли, боргил, бир йўли сендан узилдим ва сени Худога топширдим, қиёматтача сенинг дийдорингни кўролмасман (Ул маҳалда оналари етмиш олти ёшда эдилар). Ул зот волидаларидан рухсат олиб, кичикроқ карвонга қўшилиб, Бағдод тарафга

жўнадилар. Йўлда олтамиш отлиқ қароқчи пайдо бўлиб, карвонни талон-торож қилди. Ҳеч киши ул зотта қўл кўтармади. Бир неча вақтдан сўнг қароқчилардан бири унинг ёнига келиб сўради:

— Эй фарзанд, сенинг била нима бор?!

Айтдилар:

— Қирқ динорим бор.

Қароқчи деди:

— Ул қирқ динор қаерингда?

Жавоб бердилар:

— Менинг бағалимга тикикликдур.

Ул кимарса масхара қилмоқда, деб ўтиб кетди. Яна бирлари унинг қошига келиб сўради. Илгариги жавобни эшитиб, ул ҳам қайтиб кетди. Ул икки кимарса ўз сардори қошига бориб, ул зотдан эшитган сўзларини баён қилди. Қароқчилар сардори: "Ул кишини менинг олдимга келтиринглар", деб буюрди.

Ул зотни сардорнинг қошига олиб бордилар. Бир тепаликнинг устига ўтиргиздилар. Бу тепаликка карвондан олинган молларни бўлиб-бўлиб қўйишган эдилар. Ул зотдан сардор:

— Сенинг била нима бор? — деб сўради.

Дедилар:

— Қирқ динорим бор.

Сардор сўради:

— На ерда?

Жавоб бердилар:

— Бағалимга тикикликдур.

Сардор: "Либосини сўкиб, текшириб кўринглар", деб буйруқ берди. Боқиб кўрсалар, ул зот деганча пул бор экан. Бас, сардор деди:

— Ўзингда бор динорга нима боис бўлдики, сен иқроор қилдинг?

Ул зот:

— Менинг волидам ҳамма ҳолда рост сўзлашни одат қилишни буюрган эдилар. Мен ул қасамёдга ҳаргиз хиёнат қила олмагайман, дедилар.

Қароқчилар бошлиғи ул кишининг бундай ҳайратомуз сўзларини эшитгач, йиғлаб юборди. Кўз ёшини тўкиб: “Бир неча йил бўлдики, ўз Парвардигоримнинг аҳдига хиёнат қилибман ва унинг фармонидан юз ўгириб, нопок ишларга қадам қўймишман. Менинг аҳволимга вой”, деди ва ул зотнинг ҳузурларида тавба қилиб, инобат давлатига эришди. Бу ҳолатдан шу ердаги бошқа қароқчилар таъсирланиб: “Эй сардор, эй давлатимизга мададкор, ўғирлик ва қароқ — чиликда сен бизнинг йўлбошчимиз эдинг, энди тавба қилмоқда ҳам бизларга сардор ва пешво бўлгайсан”, деб ҳаммалари тавба қилишга мушарраф бўлдилар. Карвондан тортиб олган мол-мулкларни эгаларига қайтариб бердилар. Ул зотнинг муборак қўллари илк бора тавба давлатига эришганлар ушбу жамоадур.

Тўхтабой ота бу нақддан шундай хулоса чиқарди:

Кўрдингизми, тўғрилиқ инсонни бало-қазодан асрайди, унга ризқ-насиба, обрў келтиради. Барча улуг зотлар аввало тўғри сўз ва рост иш қилувчи кишилар бўлишган. Зеро илм тўғрилиқ билан ҳосил бўлади деб бежиз айтишмаган.

Гавс-ул аъзам аҳду паймонга содиқликда, дўстларга вафодорликда, жоғи жалолат, азимат ва манзалатда тенгсиз сиймо эдилар. Ожиз-нотавонларга шафқат ва навозишлар қилур эдилар. Улуг ва қариларни иззат қилиб, ҳурматлар эдилар. Кичикларга илгари салом қилур эдилар. Фақир ва мискинлар билан бирга ўтириб суҳбатлашардилар. Уларга раҳмдиллик изҳор қилмоқ одатлари эди.

У киши меҳнат қилиб, яхши яшашга даъват қилар эдилар, айрим сўфиларга ўхшаб таркидунёчилик ва камбағалчиликка чақирмас эдилар. Ҳар вақт таом есалар, меҳмонлар билан таом ер эдилар. Ожиз ва заифлар билан ўлтурур эдилар. Асҳоблардан бирортаси ҳозир

бўлмаса, илҳақ бўлиб, ҳолидан хабар олур эдилар. Асҳобларнинг суҳбатларини бўлмас, илми донишларини махфий тутиб, уларни пастга урмас эдилар. Бирга эканларнинг ҳар қайсилари ул зот ҳузурларида мендан азизроқ киши йўқ, деб гумон қилар, ул кишининг менга қилган меҳрибонлиги ўзгаларга меникичалик эмас, деб ўйларди...

ГИЙБАТ

Кунларнинг бирида ота ёши катта, оқ рўмол ўраб олган аёлнинг муолажа навбати келганида:

– Ҳа, момо, нима сабабдан ёнимизга келиб қолдингиз? – деб сўради.

– Болам, менинг кўзим кўрмай қолди, иккови ҳам.

– Эй хотин, ёшинг мендан катта бўлса ҳам энди сени санлашимга тўғри келади, нима сабабдан ўзинг тенги ва бошқа отинойилар ёнида мени ёмонладинг, қани айт – чи, нима дединг? – Аёл жим.

– Эшит нима деганлигингни, бу Тўхтабойни илми йўқ, уқимаган, Қуръон оятларини қироат билан ўқий олмайди, деб масхара қилдинг, яна нима дединг, айтайми давомини?

– Йўқ, йўқ тавба қилдим, – деди чорасиз кампир.

– Эшит, бошқаларга ҳам ибрат бўлсин. Эй одамлар, унинг кўзи хира кўради, у қилаётган нарсалар кароматли эмас деганмисан, ҳа, мана қара бизни шундай деганинг учун Аллоҳ таоло ўзингни кўзларингни кўр қилиб, оёғим олдига олиб келиб қўйибди-ку.

Аёл эсанкираб, қалтироқ босиб пушаймон еди.

Ота унинг кўзларини очил-очил, деб силади.

– Энди кўзинг нимани кўряпти?

– Болам, сенинг қоранг кўриняпти.

– Момо, таважжухга келиб тур. Худо хоҳласа кўзинг очилиб, кўриб кетасан.

Дунёни англаймиз ёш ўтган сайин,
Борар манзилимиз битилган, тайин.
Навбат қачон келишин билсайдик агар,
Инсоф-ла ушлардик тарози шайин.

...

Сурхондарёдан бир йигит бир кун олдин келганди,
пешиндан кейинги таважжуҳда ота у кишига:

- Ёшинг нечада? – сўради.
- Қирқ беш ёшдаман.
- Касбинг нима?
- Ёғоч устасиман, уйда устахонам бор.
- Ўймакор устамисан?
- Йўқ, мебел қиламан.
- Ўйингда юрган кезларинг ишёқмас бўлиб, бирон одам келиб, у-бу юмушни айтса жаҳлинг чиқиб жеркиб бераверар экансан.
- Ҳа, тугри, — деди.
- Кўзингга нималар кўринади?
- Ҳар турли нарсалар, яқиндан буён қора нарса босишни бошлади.
- Ҳовли-жойинг икки бўлақдан иборатми?
- Ҳа, иккита оилага мўлжалланган, — деди уста.
- Сизларнинг уйингиз олдидан сув оқиб ўтаркан, сув бўйлаб борсанг мазор бор, ўша ерда авлиё ота ётибди. Уста тасдиқлади.
- Ўша мазорда отанг ҳам ётибди, шунақами? Устахона қилиб олган жойингда отанг турармиди?
- Ҳа.
- Ана шу икки ҳовли ўртасида ўрик бормиди?
- Аввал бор эди, қуриганидан сўнг кесиб ташлаганман.
- Неча йил бўлди кесиб ташлаганингга?
- 18 йил.
- Ана, қарагин, ўрик тагига дуо ташланган, Ўрик қуриганининг сабаби шу. Ўша вақтлар сен бир одам билан муштлашгансан, улар сенга қарши дуо ташланган. У

ташлаган дуонинг таъсири сенга тегиб ишёқмас бўлиб қолгансан, ҳамма нарса барибир бўлиб туйилади, юрагингга ҳеч нима сиғмай, ўзингни ўзинг ўлдиргинг келиб сиқилиб юрибсан. Бизнинг жойни қандай эшитиб келдинг?

— Ота, сиз тутрингизда ёзилган китобни шу ерга келиб даволаниб кетган одамлардан ўқиб билдик.

— Ҳой, уста, яна бир-икки кун тур, танангдан қолган зиёнлар чиқиб кетади, уйингга бориб етим-есирларни тўплаб ҳунар ўргат, Худо хоҳласа ишларинг изига тушиб кетади.

Сўнг ота одамларга қарата:

— Шуни унутмангларки, одам дуо билан ўлиб кетса, гўрида ҳам азоб чекиб ётади, биз дуо билан ўлган одамларни руҳидаги дуоларни очиб юборганимиздан кейингина авлодларига теккан касалликлар ичидан чиқмай туради, очилгандан сўнг тез чиқади. Бизлар ўлиб кетган одамларнинг руҳидан нима учун ўзингизни осиб ўлдирдингиз десак, бизга буйруқ бўлди, ос деб, жавоб беришади. Дуонинг муаккали аста катталаша бориб ўзининг гавдаси билан тенглашиб, ўзининг дастури бўйича ишлаб ишини бажаради. Дуо эгасига қайтса, грижа (чурра) ҳосил бўлади.

ТУХТАБОЙ ОТАНИНГ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИДАН

Агар қозондан овқат, пиширмасидан нонни бўктириб олиб еса (қорни оч одам) қозоннинг фаришгаси қочади. Тайёрланган овқат ювиндига ўхшаб қолади.

Аёлларни орқа томонидан фаржига жимо қилиб бўлмайди. Аёллар буни хоҳламайди, аммо эркаклар зўрлайди, оқибат шайтондан бола пайдо бўлади. Катта бўлгач, боласи ота-онасини писанд қилмайдиган, жанжалчи бўлади. Ундан тарқалган бола баттар бўлади. Нафсни тийиш, шариатга амал қилиб яшаш керак.

...

Аёл билан ёнма-ён намоз ўқиб бўлмайди, эркак кишининг орқасида аёл киши ҳам намоз ўқиши дуруст эмас. Агар аёл киши ухлаб ётган бўлса, олдинда эркак намоз ўқиса бўлади. Аммо бошқа хонада намоз ўқиши дуруст. Эркак ва аёлнинг бир-бирига назари тушиши намозга монелик қилади.

...

Баъзи инсонлар ўлиmidан 3 ой аввал сўздан қолади: Бундайлар амри маъруф айтилаётганда сўзлашиб ўтирувчилар; азон айтилаётганда ўтириб эшитмаганлар; Қуръон суралари ўқиладиганда ўтириб тингламаганлар. "Ёсин" сурасини тик туриб эшитса ҳам бўлади.

...

Кўпчилик оилаларда мерос қозон бўлади, ота-боболардан авлодларга қолиб ўтиб келаётган қазон. Унинг оловга тегиб турадиган тагидаги қорани ёки ўша ерда ҳосил бўлган нарсани қириб олиб ярага суртса ёки ичса танадаги ва ички касаллар тузалади, чунки қазон тагида илоҳий нарсалар тўпланади. У қозондан авлиёлар, не-не пок инсонлар овқат тановул қилишган. Шунинг учун қозонни яхши тутинг! Тўнкариб қўйилган қозонга оёқ қўйманг.

...

Псариазнинг тури 3 хил бўлади, оқ псариаз, қизил псариаз ва қора псариазлар бўлиб, бу касаллар шу ерда олиниб турибди. Касаллик танадан суякка ўтади ва ундан қанчаси қонга ўтадиган касалликлар бор ва одамни у хароб қилади.

...

Иссиқ дуо танадаги қон айланишини ҳар жойидан бўғади, натижада тана исиб қизиби, қон 60 даражагача исийди.

...

Лев Толстой бир масал ёзибди: бир одамни шер ўрмонда қувлаб орқасидан қолмасмиш, етиб олай деганда у югуриб хатлаб чуқурликдаги дарахт шохига илашиб олибди, пастга қараса, уни пойлаб аждаҳо ётганмиш. У киши дарахт тагига кўзи тушибди, дарахтни иккита сичқон — бири оқ, бири қора — кемираётган экан. Бундан шуни тушуниш керакки, оқ, қора сичқон — кеча кундузни, шер бу дунёнинг ташвишларини англатади, охир-оқибат аждаҳо домига тушади одам.

...

Инсонларнинг кўплари ҳаётдан сиқилади, ҳалол топган ризқини тинч ўтириб ея олмайди, энди овқат дастурхонга келтирилганда, бирдан оилада бақир-чақир бўлиб, гап талашиб, даҳанаки жанг бошланади. Бу — хотинларнинг отинойига ва азайимхонларга борганлиги оқибати.

...

Қилинган дуо касалда очилса, албатта дуо қилдирган эгасига қайтади ва сўзсиз жазосини олади. Унга маслаҳат берганга, дуо ўқиганга, барча иштирок этганларга тегади. Шунинг учун асло дуо қилувчи бўлманг, дуо қайтгач, дуохоннинг қўли қалтироқ бўлиб қолади.

...

Ёшларнинг никоҳ тўйларида хотинларнинг ирими бор: оқ қандга, новвотга, асалга дуо ўқиб келин-куёвга ичиришади — ҳаётинглар ширин бўлсин, деб ва бошқа ҳолатларда ҳам, ҳалиги ширинлик дуо инсон организми ичида катталашиб бориб, ошқозон атрофида ўсма ўса боради, оғиз бўшлиғида шира, ширин таъм келади, лаблари сувсизланади, кўп сув ичади, организмда қанд кўпаяди. Врачга борилса анализ қилиб "қандли диабет" ташхиси қўйилади, таблетка ёзиб беради ва аста инсулин уколига ўтказиб

қўяди. Бу касалликнинг сабаби – дуодан, уни очириб, олиб ташлаш керак.

...

Ризқ, умр ўлчовли, бу нарсаларни фақат Аллоҳ таоло беради. Агар касалнинг ризқи тугаётган бўлса, умри оз қолса, касалнинг томоғини ҳиқилдоқ атрофига кишанга ўхшаган нарса қисиб қўйиб, овқат ўтказмайди. Фақат ҳар уч кунда бир оз вақт очилади, ҳаётда касалларни кузатсангиз, бу ҳолни яққол кўрасиз.

...

Касалликларнинг оғир туридан бири – организмнинг бирор ерини шамоллатиб олиш. Бошни, буйракни, оёқни ва ҳоказо ерларини. Бошини шамоллатса, йиринг пайдо бўлиб, жуда қаттиқ оғрийди. Буйрак шамолласа, сийдик йўллари ишдан чиқади. Оёқ шамолласа, бутун тана қақшаб, оғриқ пайдо бўлади. Ўзингизни иссиқ тутинг!

...

1990 – 1991 йиллардан кейин доривор ўсимликлар кучи камая бошлади, чунки эгологик бузилиш бор, атроф-муҳитнинг ифлосланиши туфайли гиёҳларга Аллоҳ таолони нури тушмай қўйган. Шифобахш нур тушмаса, бирон гиёҳ аввал маълум касални тузатган бўлса, ўша гиёҳ ҳозирда тузата олмаяпти. Ибн Сино, Баҳоуддин Нақшбанд боболаримиз даврларида ва улардан кейин бир неча йиллар гиёҳларда куч бўлган. Ҳозирда одамлар онги, фан ва техника тараққиёти юқори даражада, замон ўзгарди. Даволашнинг бошқа усулларини кашф қилиш керак.

...

Аввал ўтган замонларда азиз-авлиёлар тўпланиб бир жойни танлаб обод қилишга қарор қилибди. Барча ишлар тайёрланиб экин экмоқчи бўлиб, ерни ҳайдаш учун омон ва ҳўкиз ахтаришибди. Уларда йўқ

экан. Шу атрофда бир бойнинг ҳукиз-омочини сўрашга одам юборибдилар. Бой уларга ҳукизларим ишлаб чарчаган, дам олишсин, бермайман, деб рад қилибди.

Борган одам қайтиб воқеани баён қилгандан сўнг азизлар Яратгандан ҳукиз ва омоч беришини тилашибди. Хизр алайҳиссалом тилладан ясалган омоч келтирибди. Шунда азизлар: “Йўқ, бунақа тилладан ясалган омоч керак эмас. Бунини ишлатмаймиз, қайтариб олиб кет”, деб рад қилишганда, Хизр алай — ҳиссалом буларнинг ҳаммаси сизларда қолсин, ишлатинглар”, дебди. Авлиёлар: «Йўқ, бизнинг одамларга бунақанги бойлик керакмас, Аллоҳ таоло одамларга етар-етмас қилиб берсин», деб тилашган экан. Ҳар доим турмушда бири етса, бири етмаслиги шундан экан.

...

Бир аёл билан эркак 5 ёшли ўглини олиб келибди, ўғилча таважжуҳ вақтида ухлаб қолди, муолажа навбати уларга келганида ўглини уйғотмоқчи бўлишди. Ота: “Уйғотма, қўявер, ухлайверсин”, деди. Улар таажжубланиб турганини билгач, аёлга “Ўғлингга қора седана солиб нон қилиб едир, сенларнинг яшаётган ерингларда кўзи қаттиқ одамлар кўп экан, седанали нон еб юрса кўз тегмайди”, деди. Ана, қаранг, кўз тегишига даво ҳам бор экан. 80% кўз унинг ташкил қилган қобигидан ўтолмайди. Деб қўшиб қўйди сўзининг ниҳоясида.

...

Умуртқа чурраси (бунини медицинада позвоночная грижа деб аталади) ўсма ҳисобланади. Ҳозирда у массаж (силов, уқалаш) билан тарқатилаяпти, маълум вақтдан кейин кенгайиб, кўпая боради бу ўсма, уни танадан бутунлай олиб ташлаш лозим.

...

Отанинг қўли билан ургандаги зарбаси шайтонга тегади, уни ҳолсизлантириб қўяди. Шайтон жойидан кўчади ва унинг зарбидан тана кўкармайди, агар касалнинг бошига урса, девнинг шохи синади. Яна илашиб туриб олганлари эса тум-тарақай танадан учиб чиқади. Одам танасида шайтоннинг илдизи бўлади, урмоқчи бўлганимда у танани у ёғидан бошқа томонига қочади.

...

Аллоҳ таолога ҳам қурбонлик қилинади, “Инна атайно” сурасида айтилган.

...

Жаҳаннамнинг энг охиридан бутун жаҳаннам кўрқади. Агар у ерга тош ташласанг, 70 минг йилда етиб боради.

...

Милк ва тиш оғриғи асосан шамоллашдан бўлади, кўпчиликнинг тишлари соғ бўладию оғрийди, соғ тишни оғриққа чидай олмай олдириб юбориб қутулади, оқибатда тишлардан тез айрилиш шундан. Шамоллашни даволаш керак, олдиришга шошилиш керак эмас.

...

Яқинда бир ёш жувон келди. Унинг уч боласи бор, учтаси ҳам бир хил касал. Бунинг сабаби шундай экан: бир синфда ҳар хил болалар ўқийди, қайсинисидир гилай, қайсинисидир танасида оқ доғлари бор. Қизлар ўша болаларни масхаралашар экан, уларнинг устидан кулишаркан. Оқибатда, бу касалликлар масхаралаган қизларнинг ўзларига қайтган. Эй одамлар, асло бировни масхараламанг, у нарсa ўзингизга тез

қайтади, ҳозирги замонда ўз сўзингизни парҳез қилиб гапиринг!

...

Биринчи одам даволай бошлашим бундай бўлган: бир аёл боласини олиб келди. У гунг бўлиб, гапирмай қўйганди. Мен унга боланинг тилида икки муҳр борлигини айтдим. Аёл боласининг тилини кўриб, шайтон муҳри борлигини тасдиқлади. Муҳр унинг тилидан олинишини Худодан тиладим, таважжухдан сўнг уйига қайтаётганда пахтазор ўқариқлари бўйлаб (у вақтда мана бундай йўл кучалар бўлмаган) бола онасига қараб пахта кўсагини кўрсатиб “Бу нима, олмами?” деган. Шундан кейин ўзимга қизиқ бўлгани учун бутун вужудим билан одамларнинг касалликларини даволашга киришиб кетдим.

...

Шу яқинда бир қизнинг касалини даволадим; унинг тос суяклари йўқ эди. Яхши бўлиб қолиб таважжух ўтказаетган кезларим ёзда у қиз залдаги одамларга қарата кесак отиб ётибди. Аллоҳ таоло дардини билиб беради.

Шунга тааллуқли бир ривоят бор:

Хизр алайҳиссалом бир дарё бўйидан ўтиб кетаётса, болалар гужгон ўйнаб чўмилишаётган экан. Қирғоқдаги бир дўнглик устида бир бола гарибгина бўлиб чўмилаётган болаларнинг кийимларини ушлаб турганмиш. Хизр алайҳиссалом қарасаки, бола кўр экан. Бу ҳам Худонинг ожиз бандаси-ку, тенгқурлари билан ўйнаса нима қилибди, дебди Хизр алайҳиссалом ва боланинг кўзларини очиб юборибди. Кўзлари чарақлаб очилган бола тиззасидаги кийимларни тўрт томонга иргитиб, чўмилаётган болаларга қўшилибди, қўшилибдию бирининг бошини сувга тикибди, бошқасини чўктирибди, яна бирини урибди, хуллас, қувнаб ўйнаётган болаларни тириктирибди. Хизр

алайҳиссалом э, Худо билиб сени кўр қилган экан — да, деб боланинг кўзларини яна ожиз қилиб қўйган экан.

...

Мен табиб эмасман, табибга борсанг у еринг ундоқ, бу еринг бундоқ деб ташхис қўяверади, қайсидир ўтли дориларни истеъмол қилишни айтади. Олдимга келсангиз: “Мулла ота, Аллоҳданми, сизданми, касалим қай усулда чиқади, касалим нима”, деб сўрайверманг. Ахир ўзингиз ўйланг, бунча кўпдан-кўп одамларнинг саволларига жавоб берсам, қачон сизларнинг касалингизни оламан.

...

Қайси ҳудудда офат бўлса, билингки, ўша ерга Аллоҳнинг жазоси тушиб турибди. Мана, Маҳмуд Газнавий (X аср, Газна Афғонистон территориясида жойлашган) Хоразмдаги ва Бухородаги китобларни ёқиб, одамларни осиб юборган. Ер шари қобигидан ташқарига чиқиб кетадиган бир тешик бор, содир этилган ёвузлик ёки яхшилик нарсалар ўша қобиқда гўпланади ва у маълум вақт ўтгандан кейин яна ўша ерга қайтади. Афғонистоннинг 30 йилдан кўпроқ вақт ичида уруш исканжасида эканлиги ҳам шундан.

...

Дуохонга аёллар болам бўлмаяпти, бола ушлай олмаяпман деб келса, дуохон қогозга дуо ёки нақш ёзиб, мана буни киндигингизга боғлаб юринг, Худо хоҳласа болали бўласиз, деб жўнатади. Бу ўта хароб ишдир дуонинг муаккилини руҳи одам ичига кириб кетади, катталашиб, оқибат шайтондан бола бўлади, ярамас, уришқоқ гапуқмас, ота-онанинг заволи, куйдирги бўлади.

...

Мумтоз аншулалар, оҳангларни эшитсанг, одам руҳи суғорилади, қувват олади, мириқиб эшитасан киши, мусиқа хоҳ итальян, рус, хитой тилида бўлса ҳам, чунки мақомлар илоҳий куйдир. Ҳозирги Реп — эстрада каттами-кичикми, ўртада туриб нима қилаётганини билмайди, охиригача уйнайди. Бу ҳолда руҳни ҳайдайди, вужудни қора куч эгаллайди, руҳ ўрнида Дажжолнинг муаккиллари ҳосил бўлди.

...

Йигит кишининг пири бўлади, биринчиси — қўриқлаб юрувчи, иккинчиси — касбини ривожлантирувчи, учинчиси — ризқ олиб келувчи.

...

Уйингнинг кўча дарвозасини эрта туриб тозалаб супуриб қўйиш, кўча, ҳовлига келинларнинг сув сепишлари ана шундан фазилатли. Уйингга дуо олиб келувчи бўлма, оиланг бузилади. Тумор олма, ёздирма.

...

Ривоят. Бир пирнинг ёнига иккита ўғри — қароқчи келиб тавба қилибди, биз энди бундан кейин аввалги қилган ишларимизни қилмаймиз, тўғри йўлга бошланг, деб сўрашибди. Авлиё ота рози бўлибди, улар бир қанча муддат пирнинг хизматини қилгач, улар кетадиган бўлишибди, икковининг кетиши олдида пир бирини чақириб айтибди:

— Сен ҳар қачон ҳожат чиқармоқчи бўлиб ўтирганингда қўлингни икки бурнинг тешигига тиқиб ўтир, ҳожатингда ҳиди ичингга кирмасин.

Йўлда кетаётганда иккинчисининг нияти бузилибди. Қароқчилик ва ўғрилиқ орқасидан топилган бойликка бир ўзи эгалик қилгиси келар экан. Шунинг учун шериги четга ўтиб, ҳожат чиқараётган пайтда у отга миниб шеригининг бўйнига арқон ташлабди. У эса ўтирган

жойида уриниб арқондан бўшалибди-да, шеригини ўлдирибди. У-ку ичидаги шайтонни пир ёрдамида ҳайдаган, аммо иккинчиси шайтонга ошна экан, пир шуни сезиб, унга ҳалиги гапни айтган экан.

...

Бола кечқурун йиғлаганида онаси таҳоратсиз эмизса, чақалоқ қиз бўлса, сутни жуда қийин сингдиради, агар ўғил бўлса, қанча эмизмасин йиғлайверади, оқибат, ўлимга олиб келиш эҳтимоллари учрайди. Эй, қизларим, бетаҳорат бола эмизманглар, болалар касалликларининг боши шу.

...

Ҳар бир ота ўз боласига таҳорат қондаларини ўргатиши зарур.

...

Сигирни согганда ҳам таҳоратли бўлиб соғиш керак, акс холда, сутда қора куч бўлиб, истеъмолчиларнинг танасига киради.

...

Таҳоратсиз ювилган кир одамни сиқади.

...

Овқат еганда таҳоратли бўлиб “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” деб ейиш керак, акс холда, танага қора куч бўлиб киради.

...

Таҳоратсиз, “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” демай таом пиширилса, истеъмолчининг қорни дам бўлиб қорақуч бўлиб киради. Имкон қадар овқатни яхши кайфият ва чиройли сўзлар айтиб тановул қилиш керак.

...

Одамни танасига ёруғлик тушиб турса, унинг ичидаги ёруғлик қабул қилувчи нарсалар доим ишлаб

туради. Ухлаш олдидан чироқларни ўчириб ётинг, шунда мириқиб ухлаб дам оласиз. Ёруғлик қабул қилувчиларни кўзи юмилади, улар ҳам дам олади-да. Бу хусусда ҳадис бор.

...

Инсон фикр-ўйида бошқаларга нисбатан ёмон фикр мулоҳаза қилиб юрса, у дунёда бу ишларини кўнглидан ўтказгани учун жавоб беради. Шунингдек, жонзодларга ҳам озор берса жавоби бор.

...

Яхши фикр қилиб юрганлар ва ёмон фикр қилганлар ҳам дарахт каби ўсади, ёмондан мазаси йўқ аччиқ мева ҳосил бўлиб, яхшидан ширин мева тутади.

...

Олтин эмассан-ку, нодон, кўмгач, қайта кавлаб олмаслар асло.

...

Яхши амаллар кўп, аммо уларга амал қилувчилар оз-да.

...

Муолажада, ота бир ўрта яшар, қотма, қорачадан келган йигитга:

— Сенга нима бўлди? — деб сўради.

— Ота, менда дуо бор экан, жутилар 30 дона ичимдан дуо олди.

— Йўғ-е, сенда дуо йўқ, нимага менинг бошимни огритяпсан.

— Ҳа, ота, огзимдан дуо олди, ўзимга кўрсатди.

— Ҳа, майли, гапингни давом эттир.

— Огзимдан дуо олганидан сўнг 10—15 кун яхши бўламан.

— Сенда яна нечта дуо бор дейишди?

– Яна 60 та дуо бор экан.

– Ҳар бир дуони неча пулдан олдирдинг?

– Йигирма мингдан бердим, жами 600 минг.

– Эй йигит, сенда дуо йўқ, бу елканг у елканг оралигида ўсма ўсган, дуо улар қилган усулда олинмайди. Дуо фақат ер юзининг бир жойида — шу ерда олинади, улар сени огритаётган касалликнинг руҳини олиб қўйишган, агар мен синчиклаб қараганимда, у руҳлар 10 – 15 кунда яна қайтиб ўрнига кириб олиб огриқ бошлайди, тушундингми?

У одам Сайрон.

— Бу ерда икки кун тур, ўзингдаги ўзгаришга ва огриқнинг тананг бўйлаб юришини кузатасан.

Орадан икки кун ўтгач, муолажа вақтида ўша йигитни навбати келди.

– Эй, йигит, сездингми, огриқ кўкрагингда, энди пастроққа силжийди, — деб қўли билан кўрсатди ота. — Энди яхши бўлиб кетасан, ҳамманинг гапига ишониб юравергансан-да, ҳақиқатни билмай.

– Энди билдим, Худога шукр!

– Билиб олинглар, ҳар қандай дуо Аллоҳнинг изни ва ўзи берган куч билан аста-секин маълум муддатда олинади.

...

Инсон Яратганни излайди, бироқ баъзида шайтонга йўлиқиб, излаётганини ёдидан чиқариб юборади.

ОДОБ

Сурхондарёнинг кўп қишлоқларидан одамлар оқими даргоҳга келмоқда. Шулардан Толли жамоа хўжалигидан Туйчи Қобилов, 1975 йили туғилган. Унинг айтишича, врачлар буйрагида 1 см., 1,5 см. ли 7 та тош борлигини аниқлашибди. Икки йил мобайнида касалхоналарда сарсон бўлиб юрибди. 2011 йил, 4 февраль куни унга ҳамқишлоғи Хўжамурод мулла Элликқалъа дарагини айтиб, бирга боришни таклиф қилибди. Йигитнинг

кўнглида умид уйғониб, мулла билан биргалашиб Эликқалъага келган. Бу ерга келгунига қадар баданига тошмалар тошиб кетган экан. Кимдир ўзи яшаётган жойдаги Халфа бобо қабрини зиёрат қилишни маслаҳат берибди. У ерга ҳам бориб зиёрат қилиб келибди, аммо фойдаси бўлмабди.

Йигит бу ерга келгунига қадар ичар ва нос чекар экан. Даргоҳга келгач, бу ишларга рағбати қолмади. Йигитнинг танасида уч кун оғриқ қаттиқ бўлди, уйқуси йўқ эди, аммо чидади. Тўртинчи кун бошини ёстиққа қўйиб, оғриқ кучлилигидан тишини тишига қўйиб ёта берди, ярим тундан кейин оғриқ аста тарқала бошлади.

У тушида саҳронинг кун ботаётган пайтини кўрибди, қамишлар орасидан қумлар учаётганини яққол рангли тасвирда томоша қилибди. Эрталаб тўшақдан енгил турибди, ёнидаги дори ва носларни ахлатта улоқтирибди. Йигитнинг танасидан касал ариганини билган Тўхтабой ота: "Ўғлим Тўйчи, сен мана бу ҳамроҳларинг билан авлиё Сарихўжа ота хизматига боринглар, мақбара атрофини сув босибди, сувлардан ариқ-дамба қилиб ҳимоялаб келинглар" деб 12 кишини унга қўшиб юборди. Йигитлар у ерга бориб сувнинг тадбирини кўришди, жой сувдан халос бўлди. Қизиги шундаки, у 2 кун аввал кўрган тушини бу ерда рўйирост кўрди.

Аммо йигитнинг баданидаги тошмалар кетмаганди. У илгари еган ҳаром-хариш нарсалари баданига тошма бўлиб тошган эди. У сал кун ўтмай бу дарддан ҳам халос бўлди ва Тўхтабой ота даргоҳида ишлаб қолди.

Яна ажабланарлиси шундаки, йигит бу ерда янги касбларни эгаллади, аслида бўёқчи бўлган бу йигит энди деворларга нақш бериш ҳунарини ўрганди. Тўхтабой отанинг даргоҳи нафақат даволайди, балки ёшларга касб-ҳунар ўргатади, ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳам ёрдам беради.

Кимки бу ерга одоб ва тавозе билан келса, дардига албатта шифо топади, аммо жиндек одобсизлик акси бўлиши мумкин.

Даргоҳда барча шифо талаб табобатсаройга кириб у ердан ўрин олишга интилади, ўринни эгаллагач, бир-бировлари билан гаплашади, буларни ота тақиб қилади, жим ўтириб касалингизни тиланг, қўни-қўшни, ака-ука, опа-сингилларимизни, хўжалигингизни тиланг, дейди. Даргоҳ 6 гектар ерни ташкил қилади, бунинг ичида минг-икки минг одам бўлса, барчаси отанинг назоратида, ҳамма ўз касали билан кечаю-кундуз курашиб юради, ана шундай зиёраттоҳ одобларини китобдан билиб, бир-бировларингизни назорат қилиб юрсанглар, касалингизни тез чиқиб кетиши аниқ. Тўхтабой ота битта, биз мингтамыз, у кишини авайлаб асрамоғимиз лозим. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки бир келган киши яна келгиси келади ва яқинлари баҳона тез-тез келиб туришади.

“Эшагим лойдан ўтди”, қабилида асло йўл тутманг!

Дарҳақиқат, аксариятимиз кундалик турмушда худди шундаймыз, ён-атрофимизда эзгу амаллар билан банд, одамларга тўғри йўл кўрсатаётган қанчадан-қанча юртдош, замондошларимиз бор. Афсуски, биз уларга кўпинча эътибор бермаймыз, шундай ажойиб инсонлар борлигидан беҳабар юрамыз. Биз умр бўйи интиладиган улуг кишилар, орифу комиллар, ибрат тимсоллари ўша зотлар эмасми?!

ХАЁЛ ВА ҲАҚИҚАТ

Нуротанинг Тим қишлоғидан Исматилла мендан китоб олиб қишлоқдаги дўстлари, яқин биродарларига тарқатади. Соҳиб исмли йигит аёли билан келиб, қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Қайин отам Шавкат ака зиёратта бориб, қишлоққа қайтди, машинасида бирга борганларни уй-уйларига тарқатгандан сўнг, уйқуси келиб қўли рулда бораётганида ўнқир-чўнқир йўлдан ўтиш керак бўлади, чарчаган. Шу вақт Шавкат ака кўз олдида машина олди кўзгусида ота қиёфаси кўринади, отага ҳайратланиб

қараб бориб ёмон йўлдан қандай ўтганини ҳам сезмай қолади. Машина таги бир неча ерда тегиб ўтиши керак эди, деб эслайди, у киши уйқуси қочиб масофани сип-силлиқ ўтиб олади. Унинг доим оёқлари оғриб турарди. Уйига келгач, ана шу оғриқ кучаяди. Доим ичадиган дориси эсига тушади, аммо ёнида йўқ эди. Бирдан яна кўз ўнгида отанинг сиймоси пайдо бўлади. Отанинг нурли юзига маҳлиё бўлиб, оғриқни унутади ва ухлаб қолади. Эрта билан ўрнидан енгил туради, кечаги оғриқдан асар ҳам қолмаган, полга оёгини бир неча бор уриб кўради; илгариги аламли оғриқ йўқ эди. Ота иштирокида даргоҳда танамиздаги иллатларнинг олин-шини каромат десак, уйимизда бўлиб ўтаётган, одам ақлига сигмайдиган ҳодисаларни мўъжиза десак бўлади.

...

Ота дейди:

— Эй, одамлар, қабристонларингизни озода сақланг, унинг атрофини девор ва шунга ўхшаш нарсалар билан ўранг, куп ерларда қабристонлар очиқ-сочиқ ётибди, уларнинг ичида мол-қўй кириб ўтларини ейди, оқибат, уларнинг гўшти ва сутини сиз ичасиз, бу одамни еган билан баробар.

...

Агар эски қабристонни бузиб, унга тарвуз экилса, уни томиридан одамнинг қони ҳиди келиб туради, қовундан келмайди, сабаби – тарвузнинг томири тупроққа қоришиб кетган қонни қидириб ўшани ўзига сингдириб олади, шариатда мазорларни ихоталаш айтилган-ку, нега буларга безътиборсиз, маҳалла аҳллари, оқсоқоллари.

Ҳар бир қадамнингни билиб ташлагин,
Босар изларингда бозорлар бўлган,
Босар изларингда мазорлар бўлган,
Ҳар бир қадамнингни билиб ташлагин.

...

Бир аёл муолажа тугаганидан сўнг отанинг хос хонасига кирди ва уйига кетаётганини билдириб дуо сўради. Ота аёлни узоқ дуо қилиб, фотиҳа берди. Аёл табобатсаройни тарк этгач, ота: «Мана шу аёлнинг касалини олдим, унинг белида ўсма бор эди, кўкраги оғрирди, буйракларида шамоллаш бор, чунки бу аёл даргоҳга келганидан ҳозир олдимиздан кетгунига қадар фақат Аллоҳ деб қалби билан Яратганга юзланиб ўтирди, тилади. Қани эди ҳамма келган одамлар шу аёлдай бўла олишса, руҳим роҳатланиб, куч-қувватимни аямай сарфлардим.

Яхши кайфият билан одамларни қарашни бошлаб, ҳар бирининг касалини ўзига айтиб оғригини ола бошласам, тузалиб қолганлар овозларини баралла қуйиб ўзаро гаплашишни бошлайдилар, бу шов-шув менга жуда қаттиқ халақит беради. Булар ахир минг, бир ярим минг чақиримдан келишмоқда, бир зумда ҳаммасини унутади-қўяди.

Қани энди барча индамай келиб, индамай кетса».

...

Дунёда маънавияти паст давлатдан қашшоқроқ давлат, маънавияти паст одамдан ғариброқ одам бўлмайди.

...

Ҳаётнинг гузаллигини уни кўра билганингдан сўнг англай бошлайсан. Ато этилган умр неъматининг қадрига етиб, уни чинакам севганларгина ҳаётнинг турли синовларига сабр-тоқат қилиб, мушкул вазиятларда ҳам мардонавор туриб, шу билан бирга, қалбида умидворлик туйғусини йўқотмасдан яшашга ҳаракат қилади. Умрлар янгиладанаверади, дунё эса қадим ва навқирон. Демак, бу омонат дунёда яхшилик ганимат, кишилар ўртасидаги меҳр-оқибат ганимат. Умуман, инсонлар бир-бирларига ганимат, мезбон.

КИТОБНИНГ ЎҚУВЧИ БИЛАН МУЛОҚОТИ

Муҳтарам олимимиз, тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний ўзининг яқинда форсийдан таржима қилган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг “Муфтоҳ-ул-асрор” (Сирлар калити) (“Мусиқа” нашриёти. Тошкент: 2006) асарини менга тақдим қилди. “Сиз авлиёларимиз илмини ўрганиб келмоқдасиз. Ушбу китобнинг калити ва унга беркитилган сири бор, токи ўша нарсаларни билиб олгунингизча такрор-такрор 5–7 марта ўқиб чиқинг”, деди.

Мен ҳам бажонидил қабул қилдим. Китобни аввал у еридан, бу еридан ўқидим. Кўп ерида таниш сўзлар битилган экан, бир вақт қалбимдан кел, энди бошидан бошлаб ўқий, бежиз менга тақдим қилмади, дедим. Китобни бошидан бошлаб 32 бет ўқидим ва икки қулоғимда ўқиган сўзларни оҳангини эшита бошладим. Кўзларим ўқияпти, қулоқларим ўша сўзларни эшитиб турганда ичимда ҳаяжон бошланди. «Эй ўғлим, бу китобнинг сири қуйидагилардан иборат: сен ҳақиқий пири комил топгансан, сени тўғри йўлга солиб. тўғри йўлдан олиб кетаётир, Худо хоҳласа манзилга мулла Тўхтабой етказди».

Китоб одам боласи билан гаплашаётганини ҳеч бир кимсадан эшитмаганман. Во ажаб, бу қандай ҳолат! Ичим ва терим қизиб кетди, аввали қўрқдим ўша бетни ўқиб бўлиб навбатдаги варақча ўтдим. Китобий сўзлар менга айтилган сўзларга уланиб кетди, ўзимни босиб олиб атрофимга айланиб қарай ҳам олмадим. 3 варақ ўтиб бўлгач, тўхтаб, нафасимни ростлагач, аста орқага 3 варақ санаб ўша бетни топиб ўқигандим, мен ўқиган, сўзлашган сўзлар эмас, яна 3 ваарқ орқани қидирдим - топа олмадим. Бошидан бошлаб китобдаги сўзларни ўқиб чиқдим, ўша жаранглаган сўзларни топа олмагач, эрталабгача ҳаяжондан ухлай олмадим. Икки кун китоб қўлимдан тушмади. Учинчи куни Маҳмуд Ҳасаний ҳузурларига бордим. У киши менга боқиб:

— Ҳа, Ҳакимжон, китобни ўқидингизми, сирини, калитини топа олдингизми? — деб сўради.

— Ҳа, ака, топдим.

Мен бўлган воқеани сўзлаб бердим. Олим ҳайрон бўлиб бунақасини ҳеч эшитмаганман, мана бизни кутубхонада саксон минг нусхада эски қўлёзма китоблар сақланади, мен уларни кўриб чиққанман, ҳеч бири мен билан гаплашмаган, ҳаёт сир-синоатларга бой, сиз қалбингиз қўри билан жуда берилиб ўқиган бўлсангиз, сизга каромат насиб қилибди, — дея таскин берди.

Китобнинг мен билан сўзлашганлиги рост, чунки менинг китобимни ўқиб ўз касалликларига шифо топаётганларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда.

*Укахоним Ҳакимжон,
Эл аро бўлсин омон.
Аллоҳ доим қўлласин,
Ҳақ йўл сари йўлласин.*

*Дунё иши соз бўлсин,
Қайгу ғами оз бўлсин,
Динда бўлсин серқувват,
Ибодатда бақувват.*

*Поклик бўлсин қўлида,
Тақво эса йўлида.
Дўстларига ёр бўлсин,
Қаторида нор бўлсин.*

*Маҳмуд қилди дуони,
Тилга олиб Худони.*

Маҳмуд Ҳасаний.

07. 01. 2007 й.

ШАЙТОН МАЛАЙИ

Маҳмуд Хасаний 2011 йилнинг 17 ноябрь куни менга қўнғироқ қилиб қўйидагиларни баён қилди. У кишини қидириб Муяссар исмли бир аёл келибди, у кишининг таржима қилган “Ёсин” сураси муаккаларини тасхир қилиш тўғрисидаги рисоласини топиб олиб, уни ёд олиб чилла ўтирипти ва охирида чилла тугамай, ўн кун қолганида, чиқиб муаллифни қидириб топиб дебди:

— Мана шунча кун ўтирдим, китобда айтилганлар бўлмапти, сабабини тушунтириб беринг?

— Синглим, мен бу ёзилганларни амалда синамаганман, фақат эски китобларда ёзилганини ўзбек тилига ағдариб тартибга солиб рисола шаклига келтирганман. Мен фақат таржимон сифатидаман. Шу сура билан чилла ўтирган, синоатни ўз бошидан ўтказган одамни топиб, ундан йўл-йўриқ олишингиз керак. Биз ҳар бир ёзган нарсаларимизни ўзимизда синаб ўтказишга фурсатимиз йўқ. Ундай бўлса дуоларнинг кучи, илоҳий кароматлар тўғрисида китоб ёзган одамни биламан, мен аввал у кишидан розилигини олиб кейин унга телефон номерингизни берсам, ўзларингиз келишиб олиб, савол-жавоб қилиб оларсизлар, — дебди Маҳмуд Хасаний.

Бу гап аёлга маъқул тушибди.

Муяссар мени ёнимга келди ва юқоридагиларни айтди. Унга бу йўлга тушиш учун аввал ўзининг танаси ва руҳини тозалаб олишни, аёл киши турмуш қуриб олиши зарурлигини тушунтирдим. Унинг ёши 39 да экан, гинеколог врач бўлиб, тўрт йилдан бери ишламаётганини билдирди, оқ халатлиларни кўрса чидай олмас экан. Унга ўқиб зикр қилиб юрган сураларини қилмаслигининг оқибати ёмон нарсаларга сабабчи бўлиб қолишини уқтирдим.

У менга қараб жидду жаҳд билан барибир “Ёсин” сурасини муаккилини бўйинсундиришини айтиб туриб олди. Унга Эликқалъага бориб мулла Тўхтабой ота

билан суҳбатлашиш лозимлигини уқтирдим, у эса даргоҳга бормайман, мана китобларда ёзиб қўйибди-ку, дея хайрлашиб чиқиб кетди. Шунда китобимни ўқиб чиқишни маслаҳат бердим, чунки у охир-оқибати ёмон нарсаларнинг атрофдагиларга салбий таъсир қилишини билмайди-да.

Мана, қаранг, юз эллик йилдан бери ўқиб-ўрганиб, чилла ўтириб, шу пайтгача раҳмоний авлиё чиқмаган, бошқача авлиёлар чиққан, аёл бўйинсундирмоқчи бўлган муаккил унинг тилагини бажармайди. Фақат икки мартагина айтганини қилиши мумкиндир. ҳозирда чилла ўтирганларида муаккил ҳосил бўлади, лекин фақат шайтондан ҳосил бўлади. Оқибатда киши шайтон малайига айланади.

2011 йилнинг ноябрида телевидение орқали Ангрен, Оҳангарон, Тошкент шаҳарларида содир бўлаётган воқеалар тўғрисида ахборот берилди. Қайсидир бир одам қиёмат қойим яқинда бўлар экан деб миш-миш тарқатибди. У киши қайдан била қолипти. Ҳозирда дунёни шайтонлардан, шайтон қавмларидан тозалаш бошланди, деб қараш мумкиндир. Қайсидир бир қитъада сунамилар бўлиши, ер қимирлаши ва ҳоказолар бўлиб ўтмоқда.

Дардманд ўз саломатлигини сақлаб қолиши учун врачлар унга донор қонини қўйиш зарурлигини таклиф қилишганда у бемор қаттиқ туриб олиб қон қўйишдан бош тортишининг сабаби нимада?

Билингларки, шайтоннинг ер юзидаги ҳукмдорлиги олий нуқтасидан ўтиб бўлганига анча йиллар ўтди, унутманг!

МУЛЛА ОТА АЙТАДИ

Қўл телефони ҳозир ҳаммада бор. Унинг оқибатлари кўп, бошингнинг бир томони оқаради, кўпроқ қулоққа тутган томони қизларда киста ўстиради, ўнг томоннинг олдида, киндикдан пастда ўсма ўстиради, ўнг оёқнинг

жони қочади ва қалтирайди. Болаларингиздан узоқ қилинг бу қўл телефонни. Бундай касалликлар 2000 йилдан бошлаб ривожланиб келмоқда, авваллари бу касалликлар йўқ эди.

...

Сувга, чойга дам солдириб ичилса, мия бузилади, қалб қораяди, уйга дуо кирса у катталашиб бориб таъсири қўшниникига, ундан яна бошқаларникига утиб, инсон танасига кириб олади, оқибат, кўча-кўйда, бозорда бошқа жойларда ўлиб қолиши шундан, чунки томирларга дуонинг кучи тўлиб олиб бир томирни синдиради қарсиллатиб.

...

Гавс ул-Аъзам бобомиз болаларига ҳар доим шундай дер экан: «Болаларим, мени Аллоҳнинг дўсти деб менга кўп суяна берманглар. Сизлар азизларни зиёрат қилиб, нимаики бўлса, Аллоҳ таолодан сўранглар».

...

Аҳмад Яссавий мен бир кунда 365 марта ўзгараман, деган экан. Мен эса бир кунда 1000 марта ўзгараман, сабаби олдимга қандай одам келганига боғлиқ, ҳар қайсингизнинг ичингизда қандай турдаги шайтон бўлса, ўша билан олишиб ўзгара бераман-да. Шунинг учун оғир-енгил гаплар гапириб юборган бўлсам, кечиринглар, биродарлар.

...

Авлиёни зиёрат қилишнинг сабаби шуки, авлиёларнинг руҳлари ичингиздаги руҳингизга илашиб олган касал ва дардларни олади, енгиллаштиради, улардан кейин мен уларни танадан чиқаришга сабабчи бўламан.

Довуд алайҳиссалом зиёратгоҳига бордим, бу зиёратгоҳ Самарқанд атрофида. У ерда булоқ бор. Бир мулла булоқ бўйида ўтириб олиб, ундан сув олиб, дам солиб, одамларга бериб турибди. Уйланиш ниятида бўлган йигитларга бир қизнинг суратини кўрсатади, турмуш қуриш ниятидаги қизларга бир йигитнинг суратини намойиш қилади, ўша суратларга дам солиб берапти. Хуллас, тирикчилиги ёмон эмас.

Нима бало, одамлар жинни бўлганми? Мулланинг қўлидаги қанақа сурат, кимнинг сурати — суриштириш йўқ, ана шундай қизга уйланаман, ана шундай йигитга турмушга чиқаман, деган лақмалар мулланинг чўнтагини қаппайтираяпти.

Буларни тўхтатиш даркор. Ўша булоққа юқоридан нур тушиб турипти, булоқ бўйида сабаби тирикчилик деб ўтирган дуохону азайимхонлар сувни шайтонга булғаб беришмоқда. Бунақа “бизнес”ни тўхтатмаса, аслида тоза бўлган сувни ҳам улар булғатишади.

Жинни қўй ҳар доим подадан ажраб кетаверади.

Эй йигит, шундайми, сенинг ҳам калланг ўша жинни қўйнинг калласига ўхшаб қолган, ҳар доим ўзингни четга тортаверасан, бу сенинг ичган эзиб ичкиларингдан.

Қўй гўштини камроқ истеъмол қилинглар, агар қўйнинг шохи қуртлаган бўлса, ўша қурт қўй гўшти орқали одам танасига киради, мол гўштида гижжа бўлади, у 60С да қайнатилса ичидаги гижжа батамом ўлиб кетади.

Тошлоқ туманидан келган кишига ота деди:

— Илгари нима иш қилгансан?

— Пахта заводида электрик, пайвандчи, яна турли вазифаларда ишладим.

— Касалинг анчадан бери бор экан. Бошингнинг ўнг қисми, мия, қулоқ, кўз, оғзинг ҳам ўнг томонга тортишаркан. Бу касалингнинг сабаби ножўя жойга ҳожат қилгансан, томографиясига тушдингми?

— Томографияга тушдим, ҳеч нарса аниқланмади, — деди бемор.

— Бу касаллик ҳарорат 60 С даражасига чиқсагина томографияда кўринади, Худо хоҳласа, касалинг тез орада тузалади.

Ота ҳар таважжужда 4 — 5 минут унинг ёнида ўтириб дуо ўқиди. Орадан уч кун ўтди. Ота таважжуж пайтида анча одамларнинг муолажасини ўтказиб, ўша йигитнинг олдига келди.

— Сен мақбара атрофида айланаётиб нима фикр қилдинг? Касалинг яна қайтарилибди. Ўзингга боқ, тавба қилиб, йиғлаб сўра, тавбанг қабул қилинса, касалинг олинади, — деди ва бошқа беморга ўтди.

...

Ота бир хоразмлик йигитдан касбинг нима, деб сўради. У тракторчиман, деб жавоб берди.

— Тракторни миниб юрганингда прицепинг узилиб тушиб қолганмиди?

— Ҳа, шундай бўлган.

— Ўшанда тракторни тўхтатиб тушиб сўкингансан ва шу атрофга сийгансан, сийиб турган вақтда танангга микроб ўтиб кетган, чунки у жой муқаддас жойлар бўлган.

Тракторчининг чап қўл ва оёғи озиб, кучсизланиб кетган эди.

...

Бир рус киши даргоҳимизнинг хосиятларини эшитиб, аёли билан ўз машинасида келибди. Аёли анчадан бери касалликдан азият чекар экан. Даргоҳнинг машиналар тўхташ жойига машинани тўхтатиб, хотинини ичкарига киргизиб, ўзи машинасида ўтириб мақбара ва унинг

йўлакларига томоша қилиб турса, фонтан ёнидаги симёғочдан нурдан спирал ҳосил бўлиб юқорига кўтарилаётганини пайқаб, унга яқин келибди. У ерга ўрнатилган симёғоч терак бўйи, 10 метрча келади. Агар одамлар тагида уч марта айланса, терак атрофида учта айлана спирал пайдо бўлиб юқорига кўтарилади, агар зиёратчи бир марта айланиб ўтса бир спирал ҳосил бўлади, бошқаси беш марта айланса, бешта спирал юқорига ҳаракатланаётганини кузатиш мумкин. Рус киши буларни кузатиб, бу жой ҳақиқий илоҳий эканлигига ишониб, воқеани отага сузлаб берипти.

...

Бир куни ота бир воқеани ҳикоя қилди:

— Бундан 15 йил аввал бир хоразмлик киши келган эди. У машинада кета туриб аварияга учраган, машина ичидан чиқиб кетган, уни реанимацияда бир ҳафта ушлайдилар. Ўша ерда у ўлиб қолади, руҳи эса бизнинг жойга келади. Уни бу ер қабул қилмагач, ота-боболари хоки Султон Увайс қабристонига жойлашган экан-да, ўша ёққа боради. Унинг ҳамма ота-боболари руҳи бир жойга тўпланади, барчаси яхши либосларда, қўлларида бир донадан оқ тугун, улар тугунларини ўртага қўяётганларини кўради, бунинг қўлида эса ҳеч нарса йўқ, у кишилар бунга айтади: "Қани сенинг олиб келган нарсанг?" У ёнчигини кавлаштириб беш-олти қоғоз долларни чиқариб ўртага қўймоқчи бўлганди, давранинг катта оқсоқоли: "Эй, болам, бу ерда доллар керак эмас, бу пуллар ишламайди бизда, ана қарагин, аждодларинг қўлларида оқ тугун, бу тугун уларнинг хайри-саховати, сенга бу жойда ўрин йўқ", деб унга либослар кийдиришиб, келган жойига қайтариб юборишади. У руҳ танасига кириб жонланади. Ўша вақтда олган жароҳатлари кемтиги ва миясини бу ерда жойига келтирдик, у одам ҳозир ҳам вилоятда катта лавозимларда ишлаб келмоқда.

Одамлар бу жойга садақа келтиришади, жонлиқ сўйиб

еб кетади. Садақани ўзи эмас, бошқа бировларга едириш керак, айтади-ку, “Садақани керак бўлса сотиб ол! Бермаса, қўлидан тортиб ол!”

Ҳа, деб эскиликка берилаверманглар, яхшиликка интилиб яшанглар. Аллоҳ таоло ўзи хоҳлаган сирини очиб билдириб келмоқда. Ҳаётда ҳар доим одамларнинг хоҳлаган ишлари бўлавермайди. Фақат Яратган эгам хоҳлаган, изн берган нарсагина бўлади бу дунёда.

...

– Нега одамлар қирқ кун чилла ўтиради, қандай фойдаси бор? – сўраймиз отадан.

– Ўтган авлиё боболаримиз ҳам чилла ўтирганлар. Масалан, Шайх Нажмиддин Кубро, Бухорода Моҳитобонлар. Улар чиллада бирон оят ёки сўзни зикр қилмаганлар. Улар Аллоҳ таолодан эл-халқнинг тинчи ва омонлигини, табиатнинг мувозанатини сўраганлар. Бу зоти мубораклар чиллага кирганини ва чилладан чиқишини эл-халқ билган, чиқишидан уч кун олдин бутун халқ чиллахона атрофига тўпланганлар. Қачонки чилладан чиққанда авлиёдан Аллоҳнинг нури таралган, одамлар хурсандчилик билан уларни зиёрат айлашган, кўзи кўрмайдиганлар хирқаларини кўзига суртишганида кўзлари кўриб кетган, яра-чақалилар ёнига борганида терисидан тўкилган, барчалари ўз хасталикларидан фориг бўлишган. Шуларни яхши билиб англаб олинг. Шунинг учун ҳам ўтган азиз-авлиёлар халқ ичида азиз ва мўътабар саналади.

...

Сиз билан биз турган шу жойни олам пайдо бўлганидан бери бу ерда истиқомат қилган буюк инсонлар дунёни шайтонлар ва уларнинг қавмларидан саккиз марта тозаллаганлар. Бундай тарихий давр ичида бу жой денгиз остида, океан остида қолиб, яна очилиб келган ва қумлар остида, чангалзорлар ичида қолиб, вақти келганда очилиб бора берган.

Ўтган боболаримиздан бирлари комиллик даражасига етиб, ҳар куни бомдод намозини Маккада ўқиб келадиган бўлипти.

Уйидаги яқинлари эрталаб унинг уйда йўқ бўлиб қолаётгани сабабини ўзидан сўрашипти, ул зот Маккада намоз ўқишини билдирипти. Шунда аёли:

— Ҳой, хўжайин, ундай бўлса, ўша муборак ерда мени ҳам эслаб дуо қилиб юринг, — дебди.

У киши:

— Бунга сенинг нима ҳиссанг қўшилган, нима қилиб қўйибсанки, у ерда сени эсласам, — деганида аёли хафа бўлипти.

Аёл ҳар куни, ҳар таом тайёрлаганида идиш-товоқ, қозонларни етти марта ювиб, таҳорат билан иш кўрар экан. Эрининг ҳалиги гапидан кейин идиш-товоқларни бундай ювишга ҳафсаласи келмай, биринчи куни етти марта ювмай, олти марта ювибди. Кун ўтган сари миқдорни камайтира борипти. Охири, идишларни ювмай ҳам қўйипти.

Кунларнинг бирида боласи қараса, отаси ухлаб ётганмиш.

— Ота, туринг, намозингиз қазо бўлади, — деса, ота:

— Эй, болам мазам йўқ, бир ойдан бери намоз ўқий олмайдиган бўлиб қолдим, — деган экан.

Эй, аёллар! "Эрни эр қиладиган ҳам хотин, эрни ер қиладиган ҳам хотин" деган халқ сўзи бор. Уйни, рўзгорни тежаб, режа билан юритиб, бола тарбиясини эринмай қилсангиз, келажакда сизларга яхши мева беради.

...

Агар овқат тайёрлаётганда ошпаз ҳожатхонага бориб келгандан кейин қўлини яхши ювмаса, одам танасига тайёрлаган овқати ҳаром бўлиб киради. Шунинг учун шахсий гигиенага ҳар доим эътибор бериб юрмоқ лозим.

...

Одамнинг умри ҳам йил фаслларига ўхшайди, куздан кейин қиш келади ва баҳор, ёз. Унутманглар, инсондаги куч-қувват, мансаб, чирой ҳам уткинчидир, уз чиройингизга, мансабингизга, куч-қувват ва жасо — матингизга кўп ишонаверманг.

...

Бировга ёмонликни раво кўрсангиз, бориб-бориб ёмонлик ўзингизга қайтади. Ҳозирда ҳаётда жуда тез қайтмоқда, шунинг учун бировга асло ёмонлик қилманг, бировга ёмонлик соғинган одамга ёмонлик уч ҳисса бўлиб қайтади.

...

Агар мусулмон одам шариатни яхши ушлаб юрган бўлса, унга илми амал ўтмайди. Агарда унинг хатоси ёки айби бўлса, илми амал унга ўтади, таъсир этишни бошлайди.

...

Ўзини осиб ўлдирганлар, ўлиmidан сўнг то қиёмат қойимгача бўйнигача аччиқ-сассиқ ботқоқда бўлади, албатта дўзахга тушади. Ҳозирда ёшлар дунёга келганини миннат қилади, ота-онани айбдор санайди. Агар ота-она унинг эҳтиёжларини қондирмаса, мени нега дунёга келтирдинглар бўлмаса, деб баланддан келади. Унга ҳамма нарсани ота-она тахт қилиб бериши керак экан. Бундай йигитларнинг баъзиси ўзини осиб ўлдиргиси келади.

Қизларнинг тарбиясини маҳкам тутиш керак, уйнинг эшигини беркитсанг, қиз деразадан қочади, нима ишлар қилиб келади, она билмайди.

Таважжухда Ҳаким, деди мулла ота:

Бизнинг ёшлигимизда 18 ёшли қиз автобусга чиқса ундан жаннатнинг ширин ҳиди келарди, автобус ичи ҳидга тўлиб кетарди. Ҳозирда бундай эмас, ҳамма ҳар хил ҳидди.

Атир ва дезодарантлар сепишади. Ахир инсон териси тўрт қават бўлади, у алоҳида система. Одам ҳаракатланганида теридан, ичидан керак эмас ҳидлар, сувлар тери ости безлари орқали чиқиб кетади. Тери ҳам нафас олади, ҳозиргилар уша тери тешикларини суркайдиган нарсалар билан беркитишади.

Ичимдан офарин деб юбордим, чунки мен 5 ёшли чоғимдан кичкина холам Махфират опамдан шундай ҳид келарди ва 16 ёшимда автобусда бир 18 ёшли қиз чиққанида, уни афти ангори тиниқ пишган қовундай эди, яна тўрт қизда яққол сезганман. Бундай ҳид фақат айримларда бўладимикан деган хаёл билан шу кунгача қандай ҳид эканлиги оғида юардим. Аллоҳга шукр! Мени туб-губимдаги хоҳишимни қидириб топди-я, Пири комил, Менга бир нигоҳ ташлабоқ.

...

Аввалги одамлардан бу дунёда одам боласидан нима қолади, деб сурашса, улар фақат девор қолади, деган эканлар.

...

Аёл ҳайз кўрган вақтида иш қилиши, овқат тайёрлаши, кир ювиши керак эмас. Ҳатто 3 кг дан ортиқ нарсa кўтармаслиги керак. Кўпинча оғир-оғир юклар кўтаришади, ана шунда бел оғриги бўлади, бачадони тушади ва ҳоказо.

...

Ҳозирда бизда кўп момоларимиз бор; улар 100 ёшга кирган бўлсалар-да, яқинларига борсанг, жаннатнинг ҳиди келиб туради, улар барча шариат буйруқларига амал қилиб келганлар.

...

Зиёрат одобига келсак, ушбу даргоҳда ётган азизларга салом бериб кирилса, уларнинг руҳларига ва улар ётган

жойлар атрофида юқоридан нур тушиб туради. Ана шу нурлар ичида айланиб юриб, Аллоҳдан гуноҳларини сўраб тавба қилса, истиғфор айтиб юрса қалбидан, касалини танасидан олиними тезлашади.

...

Ота таважжуҳ саройида тўпланган 200—250 киши олдида оят, суралар ўқиганида ундан ҳосил бўлган куч инсон танасидаги шайтонни чиқаришда давом этади. Шайтон ота овозидаги илоҳий кучга бардош бера ол — майди. Ота ўқиганида куф ёки суф демайди. Ўқиб бўлгач, одамлар даврасида беш, олти ва ундан кўпроқ айланади, қийналиб ўтирган кишининг олдида тўхтаб, ундан шайтон чиқиш жараёнини тўғрилаб ўтади.

...

Ижтимоий таъминотдан нафақа тайинланиши ва инсонларнинг нафақадаги ризқи ҳам Аллоҳ таоло ҳузуридандир. (Агар айрим сабабларга кура кўп миқдорда ноқонуний юқори миқдорда нафақа олиши унинг умрини камайтиради.)

...

Таважжуҳда ота 56 ёшлар чамасидаги бир эркакка:

— Эй, укам, сенинг касалинг мана бу акангнинг касали билан ўхшаш, — деб ишора қилди у кишидан 2—3 ёш каттароқ, тўладан келган одамни кўрсатиб. — Сен ҳар доим касалим қандай касаллар турига киради, деб кўп ўйлаб юрардинг, эшит, эй йигит, — каттасини кўрсатиб, — буни касби тракторчи, у пахта заводида кўп йил ишлаган. Заводдан ҳар куни тракторида ўн тележка чигит олиб чиқарди, улардан бирини сотарди, шундайми?

Йўгон йигит отанинг гапини тасдиқлади.

— Энди сенга келсак, сен ҳам шундайсан.

У киши безовта бўлиб “Йўқ, йўқ унақа эмас”, деди.

— Сен бугдой омборида ишлайсан, у ердан олиб

чиққанларингни ўндан бирини сотиб келгансан, янада аниқроқ айтиб берайми?

У киши етарли, етарли, мулла ота, деб ерга қаради.

— Шунинг учун медицинада бундай касалликнинг номи йўқ, бошқа касал ва дардларга ўхшамайди икковингизнинг касалингиз, бу касал шу ерда даволанади, агар сизлар Аллоҳга йиглаб, гуноҳларингга тавба қилсанглар, тавбангиз даргоҳда қабул қилинсагина даво топасизлар.

...

Бир касалнинг бир томон буйраги шифокорларнинг тиббий жарроҳлик аралашуви билан олиб ташланган экан. Зиёратта келиб, таважжухда иштирок эттандан сўнг олиб ташланган буйраги яна жойида пайдо бўлганлигини шукрона келтириб тасдиқлади ва эҳсон қилиб дил изҳори қилди.

...

Нима учун қўл очиб, кафтга қараб тилаклар тилаймиз, чунки қўл дуони Аллоҳ таоло даргоҳига йўллар экан, буни ўзим кўрдим ва кузатдим. Ҳамманинг дуо адосида қўлни юзга суртиши ҳам бежиз эмас экан, унинг ҳам яхшиликлари кўп.

...

Қаранг, атроф-муҳит, дов-дарахт, майсаларга, деҳқонларнинг экин-тикинларга назар солсангиз, барча ўсимликларнинг ранглари йилдан-йилга равшанлашиб, типиклашиб бормоқда. Бу нарсалардаги ўзгаришларга ўзим шоҳиди бўлиб келмоқдаман, аниқ айтаманки, бу яхши инсонлар тилаклар тилаб илтижо — дуо қилишининг натижаси. Буни еру заминдан зиёнларнинг юқорига кўтарилиб кетишидир, дейман.

Қалб қалбдан сув ичади, агар олим билан қалбингдан мириқиб гаплашсанг, суҳбатдан сўнг енгил тортасан,

айниқса олим билан суҳбат қурсанг. Олимларга Аллоҳ томонидан шу нарса берилган, эл-халқ шунинг учун олимларни ҳурмат қилади.

...

Агар сен нокас, ҳасадгўйнинг гапини 5 минут эшитсанг, 2 ойлик савоб ишларинг ювилиб кетади, олимлар ёнида бўлиб яхши фикр, ўйлар эшитсанг, икки йиллик савобни топасан.

...

Бизнинг Ўзбекистонга бошқа давлат бир кесак отса, ўша кесак ўзига тош бўлиб қайтади, чунки биз ҳамма давлатлар билан яхши муносабатдамиз.

...

Қайсидир ерда мулла болаларга таълим бериб эскичаликни ўргатяпти деса — болаларингизни олиб бораверманг, янгиликка интилинг, ҳунар ўргатинг.

Ҳозирда қизларимиз ҳаёт тақозоси билан Кореяга йигитларга турмушга чиқиб кетишмоқда, у ердан касал бўлиб қайтиб келишмоқда, сабаби Кореяга қуёш нури кам тушади, корейаликларнинг емиши ўт-ўлан, аччиқ таомлар. Биздан борганларга кўпроқ қуёш нури керак, таомимиз ўзгача. Бойлик учун ҳаётни қурбон қилиш гуноҳи азимдир. Оналар бу сўзларни чуқурроқ англасалар яхши бўларди.

...

Қумғонда қайнатилган сувдан чой дамлаб ичилса, чойи мазали, сабаби, газда қайнатилганда пар чиқади, қумғонда эса унинг қопқоғи парни чиқармайди, сув қайнаса пақиллаб отилади. Сув ичидаги ёмон нарсалар ана шу пақиллаш натижасида чиқиб кетади, сув маълум миқдорда тозаланади-да.

Эрталабки таважжухга ота билан табобат саройга бирга келдик. Дарвоза олдида овчарка қанжиқ ит тик турганча ичкарига термуларди. Мулла ота унинг ёнига келиб:

— Ҳа, нимани кутиб турибсан, болаларинг ичкарига кириб кетдими, — деб итта гап қотди.

Ит эса бирам мулойим бўлиб икки қулоғини қисиб бошини сарак-сарак қилиб турди.

— Агар болаларинг ичкарида бўлса, чиқариб юбораман, — деди ота ва беморлар тўпланган хонага йў олди. Ота ичкарига кириб, шифоталаблар орасидан уч бор айланиб, муолажани бошлагач, йигирма одамни тузатиб, навбатдагига:

— Эй, сенинг ичингда итлар тўлиб кетибди-ку, — деди ва уни кўп ура бошлади. — Чиқ ичидан, эй итлар.

Аёллар орасидан яна икки аёлни муолажасида ҳам ит тўғрисида гап борди.

СЎҚУЛУҚ БОБО ЗИЁРАТГОҲИ

Тўхтабой ота эзгу ишларни, хайр-саховат қилишни ҳеч бир кун тўхтатмай келмоқда. 2010 йилдан Тўрткўл туманида жойлашган туз кони ёнидаги тепалиқда Сўқулуқ бобо сағаналари мавжуд эди. Ота шу ерда мақбара қурилишини бошлади. Бу ерга Тўрткўл-Тошкент трассаси бўйлаб чап томондан қумликлар ичидан ўн беш км юриб борилади. Мақбара тўрт-беш км. узоқдан кўриниб турипти. У ерда тепалиқдан қудуқ қазиш ишлари бошланди ва 45—50 метр кавланиб, чучук сув топилди. Ҳозирда қудуқни тош билан маҳкамлаб чиқилмоқда.

Ушбу зиёратгоҳ бекаму кўст барча шароит ва қулайликлар билан қурилди, ошхона, аёллар дам олиш хонаси ва эркаклар учун умумий катта хона, атрофида айвон, таҳоратхона барпо этилди.

Мақбара Султон Увайс тогидан келтирилган чиройли

тошларни қирқиб гишт шаклига келтириб, тошдан барпо этилди. Агар сиз мақбара ёнига келиб, унинг зинасидан юқорига боқсангиз, Аллоҳ таолонинг қудрати ва Тўхтабой отанинг ғайратини кўрасиз, ҳис этасиз. Мақбара ажабтовур, маҳобатли, сервиқор бўлиб, ҳайратомуз чиройли кўринишга эга бўлди. Унинг икки ёнидан юқорига кўтарилиб чиқиб борадиган айланма зина қурилди. Мақбара комплексида авлиё ота хилхонаси, зал ва намоз ўқиш учун алоҳида хона ташкил этилди.

Зиёратчиларни пастдаги йўлдан юқорига чиқиб боришлари учун зинапоя қурилиб, зиёраттоҳ яна чирой очди.

Мана шундай бунёдкорлик ишлари, зиёраттоҳ комплекси келгуси авлодларимиз учун хизмат қилади, бу ерда инсонлар маънавий-руҳий озуқа олиб, дардмандлар дардларидан фориғ бўладилар. Зиёраттоҳ комплекси қурилишида шарқона ва ҳозирги замон услубларидан фойдаланилди.

СОВУҚЛИК

Сурхондарёнинг Қумқўрғон атрофидаги Ошмойли қишлоғидан элик беш ёшли Назар исми баланд бўйли одам билан ота суҳбат қилди, 15 декабрь 2011 йил.

– Сизнинг ичингиз совуқлик билан тўлиб кетибди, нима учун сиз ўзингизни ўзингиз ўқидингиз?

У эса:

– Ота, киши ўзини-ўзи ўқиб бўлмайдимиз?

– Ҳа, албатта ўқиб бўлмайди. Сизга одам ўқиш берилмаган-ку.

– Ахир китобларда ўқиса бўлади, деб ёзган-ку.

– Мен китобда нима ёзилганини билмайману, лекин одам ўқиш учун тўрт пирдан имтиҳондан ўтишлигини биламан, мана бу одамлар ҳам шундай китоблардан ўзлари ва бошқаларга ўқитиб, сувга, емак-ичмакка дам солдириб, касал орттириб келганлар. Сизнинг отангиз қишлоққа масжид солдириб кетганми?

- Ҳа, шундай.
- Ўша масжидда имоммисиз?
- Йўқ, пенсиядаман.

– Нимагадир бизнинг ва ён атрофдаги қишлоқларда ҳар ҳафтада ўзини-ўзи осиб ўлдириш кўпайиб кетди, сабаби нимадан? — деб сўради Назар ака отадан.

– Эй, иним, ўша атрофда сувга дам солиб берувчилар, сизнинг шевангизда, халфалар кўпайиб кетган, улар ўқиган дуо қандай кучга эга эканлигини билишмайди. Сизнинг ерингизда одамлар, яъни дам сув ичганлар, одам гўштини егиси ҳам келадиганлар борми?

– Ҳа, шундай, — тасдиқлади, Назар ака. – Одамлардан эшитганман, одамни егим келаяпти деганини. Мулла ота, бундан қутулиш чорасини бизга кўрсатинг.

– Бунинг йўли бор, фақат пок, тақводор, ёши катта одамлар кўплашиб ўз уйларида ўтириб, рўза тутиб, намоз ўқиб, Аллоҳдан халфаларга инсоф сўраб, эл-юртида бўлаётган бундай мудҳиш ишларни бартараф қилишни сўрашлари лозим.

– Ундай бўлса, шу атрофдаги зиёратгоҳларни зиёрат қилиб қайтиб қишлоққа бориб, жамоага айтиб тушунтирай.

– Шундоқ қилинг, чунки Сурхондарёдан ёмон касалликлар билан касаллар оқими кундан-кунга бизнинг даргоҳга келишлари кўпаймоқда, қачон йўқ бўларкин, эй, Худо, бу чала муллалар.

ШАЙТОННИНГ БАДБЎЙ ҲИДИ

2011 йил 16 декабрь куни Занги ота зиёратгоҳи атрофида яшовчи дўстим Исмоил Рамазоновга Тўхтабой ота:

– Сиз Ҳакимнинг орқасидан келдингизми? – деб сўради.

– Ҳа, ота, бирга келдик, аёлим Саида ва боғам Ҳайитбойлар билан.

– Исмоил, уйингизнинг ёнида бир аёл бор экан, у

дуо ўқийди, хотинларнинг ишлари билан шуғулланади, ана шунини уйдан бадбўй ҳидлар чиқади-ми?

— Чидаб бўлмайди ҳидга.

— Билинг, ўша ҳидлар шайтоннинг ҳиди.

— Унинг ўзидан, ётоқхонасидан, кийимларидан ҳам чиқади.

— Тугри-тугри.

— Ёнимдан ўтиб қолса бас, ўзимни олиб қочаман.

— Энди билдингизми жодугарлик билан шуғулланувчилар фарқини. Исмоил, сиз яхши одам экансиз, касалингиз кўкрак қисмида ва белингиз огрир экан. Икки-уч кун туринг, касалингиз чиқиб кетади. Кейин ота менга боқиб: — Ҳаким, бу дўстларинг огриққа чидай олмай, бизни жойдан қочиб кетишади, эҳтиёт бўл, бўлмаса касали ўзи билан кетади, — деб қўйди, ҳазиломуз.

...

15 декабрь куни Исмоил менга таважжуҳ вақтида, соат 12³⁰ларда деди:

— Қизим Фотима ва унинг оиласига Аллоҳдан шифо сўраб ўтирувдим. Уйга қайтганимда Фотима келиб, 15 декабрь куни иссиқхона ёнида қайнонаси Санобар ая билан дам олиб гаплашиб ўтиришганда, бирдан қаердандир ўрама шамол келиб уларни ва иссиқхонанинг ичини айланиб, тозалаб, ҳеч нарсага зиён етказмай, плёнканинг бир жойини пичоқ кесгандай кесиб, осмонга кўтарилиб, осмонда ҳам ўша иссиқхона атрофида айланиб юқорига кўтарилиб кетганини икки киши кузатдик. Шундан бери, — дейди Санобар ая, — келиним билан анча енгиллашдик. Қарангки чин ихлоснинг хосиятини.

...

Тўхтабой ота бир аёлнинг ёнида тўхтаб:

— Сенинг олдинда турибман, ҳар ҳил бадбўй ҳидлар анқиб турипти. Кўчага чиқиб кетгансан, суюқ оёқсан.

Сенинг шу касофатинг, қилиб юрган гуноҳларинг болаларингга ва эрингга уради. Сенинг ичинг ириб кетган, ёнингда туриб бўлмайди. Эринг қандай чидаб келаётган экан. Агарда бу суюқ оёқлигингни ва отин, азайимхонларга бориб дуо олишингни тўхтатмасанг, ҳолингга вой, тушундингни, бетавфиқ!

...

Бир аёлнинг ёнига келганида:

— Ота, бошим оғрийдиган бўлиб қолди, — деб шикоят қилди.

— Сен сочингни калтайтирдинг, ўша куни бозорда юрганингга бошингга уриб ўтувдим, мана, келиб турипсан, хўш, яна нима дейсан?

— Шу оғриқ кетсайди мендан.

— Пулим кўп деб ўзингни ҳар кўйга солаберасанми? Бош оғригинг сабаби сочингни қирқтирганингдан, яна сочингни кессанг, кўзинг кўр бўлиб қолади. Соч, айниқса, аёл сочи Қуръони каримда айтилган-ку, аёлларни Яратган эгам сочи билан безаган. Сочнинг руҳи хафа бўлган, бошингни оғритган.

...

Қорақалпоқ йигитига қараб:

— Ҳозир нечанчи аёлга уйланмоқчи бўлиб турибсан? — деди ота.

— Тўртинчи марта хотин олаётирман.

— Эй, йигит, ўн марта уйлансанг ҳам барибир ҳар доим биринчи хотинингни эслайсан, шундоқми?

— Ота, қаердан билдингиз, ўшани ёдимга оламан.

— Фақат сен эмас, кўп уйланганларнинг ҳаммаси биринчини ўйлайди, ҳаёт шунақа. Агар ўша аёлинг бошқа билан турмуш қурмаган бўлса, олдига бор, йигирма марта уйлансанг ҳам ўшандай аёлга ўхшата олмайсан. Бошқа аёлларнинг ҳаётига завола бўласан, олдига шу ўйлар билан келгансан, тўғрими?

— Тўғри, ота, тўғри.

Андижон нефтепром шаҳарчасидан келган
Дилбардан: 20 декабрь 2011 йил.

— Сенга нима бўлган? — деб сўради.

— Москвадаги босмахонада ишлайман, уша ерда
йиқилиб тушдим, оёғимнинг тос суягидан қуймичим
чиқиб кетди.

— Неча кун бўлди бу ерга келганингга?

— Бир ҳафта.

— Нега уша келган чоғинг менга кўринмадинг?

— Аёллик касалим туфайли таважжуҳга қатнаша
олмадим.

— Ундай бўлса, майли, докторлар нима қилишди?

— Куч билан жойига киргизишди, аммо ҳали-ҳануз
чўлоқланиб юраман. Оғригига чидай олмай, дори
ичаман.

— Ҳозир жойига тушираман.

Ё, Аллоҳ, деб илтижо қилди қўлларини қисиб ота.

— Дилбар, оғриқнинг сабаби – ичида гўшт ўсган,
ҳозирдан бошлаб у ерда ўсган гўшлар олиниши
бошланди, ўрнига тушиб, тўғри юриб кетасан.

Шунда Дилбарнинг шахло кўзлари ҳаяжонланганидан
чақнаб кетди.

УМР МЕЗОНИ

Биринчи ҳикоя. Урушдан кейинги даврларда барча
юррак олдириб қўйган эди. Негаки, тинчлик замонини
кутганлар қанча меҳнат қилсалар ҳам нолишмас,
қорнини қора нонга тўйдириб, буғдой, арпа, ёрмасини
еб, куну-тун дала иши билан банд бўлганлар. Сизларга
айтмоқчи бўлган ҳикоям мана бундай:

1956 йилнинг ёз ойлари эди, бизлар онам, момом,
бобомнинг зшак аравасининг орқасидан пиёда эргашиб
Норинжон вали отага зиёратта борганмиз. Биз икки
кеча шу зиёратгоҳда бўлдик. Бобом, момом, онамлар
югуриб-елиб хизматда турдилар. Катта бошларига оқ





салла ўраган муллами, эшонми, Норинжон отанинг қошидаги кичик-кичик ҳужраларда занжирга банди қилинган жинниларни туркманча зикр тушиб муолажа қилганда, ўз кўзим билан кўриб ҳайратда қолган эдим, эртаси куни ўша занжирланган иккита “жинни” чой дамлаб зир югуриб хизматда турган.

Туркманистондан келган катта уламо киши ваъз уқиди:

— Бу жойдан сал нарироқда, — деб қўлини пахса қилиб ҳозирги Кечирмас пир отанинг қўйимгоҳини кўрсатди. — У улуг авлиё, у кишининг қўйимгоҳларига бузиш учун қўл урган одам ҳеч қачон ўнгланмайди. Авлиё кечирмайди, аммо агар у кишини васила қилиб Аллоҳдан нимани сўраса, жон соғлиғими, фарзандми, бойлик бўладими — фарқи йўқ, ҳаммасини ато эттиси, — деб узун чўққи соқолини сийпади ва Кечирмас пир ота томонга қараб чуқур хўрсиниб қўйди.

Ўшанда ўттиз беш, қирқ ёшларга кирган, қорачадан келган жувон ўша туркман уламонинг олдида бориб:

— Менга айтинг, Кечирмас отанинг қабри борми? — деб сўради.

Ҳалиги киши шундай деди

— Қабрсиз ўлик бўладими, у ҳам Худонинг яратган бандаси.

Биз энди кетмоқчи эдик, Комилжон Отаниёзов келдилар, қисқаси, ўша кун қолиб кетдик. Комилжон ака қудуққа бориб, бошига ёпинчиқ солиб ўзига фарзанд сўраганини кўрганман. Эртаси куни кун чиқаргача у ҳазил куй-қўшиқларни куйлади. Худо раҳмат қилган бўлсин. Уч кун деганда йўлга тушдик. Бобом йўл устида ҳовузи бор жойга кирдилар ва Кечирмас пир отанинг қабрини сўрадилар чамамда. Биз эшак аравани узоқларда қолдириб, янтоқ, бўён, юлгин, оқвош босган чел-чаманлардан ўтиб борар эдик, бобом қўлидаги қамчисини ерга қўйиб эгилиб салом берди, биз ҳайратда эдик, бобомнинг олдида тирик инсон кўринмасди. “Болалар, тек турунглар”, деди бобом. Унинг олдида

узунаси уч-тўрт метр келадиган оқ илон бизларга қараб энди нариги томонга ўтмайсизлар, дегандек турар эди. Биз ўша жойдан орқага қайтдик. Онамнинг ошқозони оғриб юрганини эслайман, бобом эшак аравага ўтқазиб қаерларга олиб бормади, дейсиз уни. Бир куни томоғидан жоду оламан деган Кўҳна Тўрткўллик бир жодугар аёлнинг қошига олиб бордилар. Бобом ташқарида қолди, мен онам билан ичкарига кирдим. Ўша аёлнинг юз-кўзидан қўрқдим, ҳалигача кўз ўнгимда туради. Эски кир бир материални менга ушлаб тур деди, мен ушлаб турдим, онамга кўзингни юмгин деди, онам кўзини юмди, мана шу сувни ичгин деб бир пиёла лойқа сув берди, онам ичди. Энди ўқчи, деди. Онам ўқчий бошлади, бир пайт сувни қайд қилганда олдидаги тоғорага анҳорда юрадиган ит балиқлардан уч-тўрттасини кўриб қўрққанимдан йиғлаб юбордим. Яна сочининг патини ҳам кўрдик. Мана, ошқозонингдан чиққан сенга қилинган дуо, жодулар деб кўрсатди. Ўша кундан бошлаб онам ётиб қолди, дўхтирлар укол қилди, табиблар нималар қилмади, дейсиз. Онам ётган тўшагидан туролмади. Бир кечаси ярим тун палласида онам қўлига бир яшар укамни кўтариб пашшахонадан дод – вой солиб йиғлаб чиқди. Ҳамма қўлига илган нарсани олиб ҳамма жойни қарадилар. Онамнинг айтишига қараганда, икки курагидан ўтиб ошқозон соҳасида турган совуқ муздек илонни сезиб уйғониб кетган экан. Аммо у илон энди ҳеч қаерда йўқ эди. Эртаси уйга бобом келди ва ўнг қулоғига қўлини қўйиб мийиғида кулиб онамга деган экан: “Биласанми, қизим, у Кечирмас отанг бўлади, ўша куни сенинг аҳволингни кўриб қолган эди. Энди бўлса, қошингга келиб сени даволаб кетди, сенга Худойимнинг ўзи етказди, энди тузалиб ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетасан” деган экан. Шу-шу бўлиб онам далага кетмон чопгани чиққан эди.

Иккинчи ҳикоя. Кечирмас пир отамнинг яна бир кароматларини раҳматли отамдан эшитиб ҳайратда

қолган эдим. Отам 1958 — 61 йилларда механизация бухгалтери бўлиб ишлаб, тракторчиларга меҳнат куни ёзар ҳамда трактор учун захира қисмлар олиб берар эди. Бир куни олдига Боғибек деган қишлоқдаги тракторчи йигит келиб, Сафо ака, мен бир экилмай турган ер топдим, у ерга сув ҳам боради, ери ҳам яхши, аммо ҳеч ким экмай портоб бўлиб, қуриб ётган ўша ерни эксам деган эдим, мол ўти бўлар эди, сизга ҳам келтириб бераман, деганда, отам унга у жойга экин экиб бўлмайди, сенга ёмон дард ёпишади, дебди. Боғибек ака отамнинг сўзига қулоқ осмасдан, сиз ҳам хурофотчи экансиз, ўзи экилмаган портоб ер бўлса, у ернинг нима хислати бор, деб ўз билганидан қолмаган. Қисқаси, Кечирмас пир отанинг устига бормай туриб тракторнинг бор асбоб-ускунасидан ажралган, аммо қарангки, ўша атрофга яқин ердан экин майдон очиб макка пояси эккану кузда ҳамма йигим-терим қилиб экин ҳосилини уйига келтирганда эса рўй берган нарсани кўринг: мол учун йигиб қўйган барча ўтлари ўз-ўзидан ўт олиб кетибди. Отамнинг қошига келиб, сиз билган экансиз, у жой эгали экан, мен сизнинг айтганингизни қилмадим. Уйимни ҳам ўт олган эди, бир баҳя қолди, деб йиглаганди.

Аммо ўша кишини яна бир дард ўртаган экан, у ўша кундан бошлаб аёлнинг қошига бора олмайдиган, яъни эрлик пушти куйиб, фарзанд кўра олмайдиган бўлиб қолган экан.

МИННАТДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Инсон ҳамиша ҳаётдан миннатдор бўлиб яшаши керак. Буни диний тилга кўчирсак, доимо шукрона айтиб юриши лозим.

Шу ўринда ҳадисдан бир ривоят:

Пайгамбаримиз (сав) намозда бир қанча соатлаб туриб қолар эканлар. Натижада оёқлари ҳам шишиб кетар экан. Саҳобийлардан бири: "Ё Расули акрам, ахир сизнинг барча қилган-қилмаган гуноҳларингиз Аллоҳ томонидан кечирилган бўлса, ўзингизни мунчалар қийнамасангиз", дебди. Шунда Расолатпаноҳ: "Аллоҳнинг менга қилган марҳаматларига шукр қилгувчи бўлмайинми?" деб жавоб берган эканлар. Яратгани учун Аллоҳга шукр айтиш, табиат неъматларидан хурсанд бўлиш, бу ҳаёти, дунёда умргузаронлик қилаётганлиги учун Аллоҳдан миннатдор бўлиш, атрофдаги одамларнинг қилган кичик бир яхшилигига раҳмат айтиш бандалик бурчи, қолаверса, инсоний туйғудан келиб чиқадиган фазилатдир. Биз бўлимда Кечирмас ота зиёраттоҳига бориб, Тухтабой отадан шифо топган одамларнинг дил сўзларини келтирдик.

БУЙРАКНИ ШАМОЛЛАТИШ ОҚИБАТИ

Ота-онамнинг хизматини қилиб юардим, 1996 йилгача яхши эдим, шундан кейин феълимда ўзгариш пайдо бўлди. Шу вақтда мол-қўйларимиз ўз-ўзидан аста ўла бошлади, ҳайвонлар ипига осилиб, таналар охурга боши тиқилиб, ўлиб қолиш бошланди, натижада молу қўйлар камайиб кетди, отам ҳам ишсиз қолди, оилада синов даври бошланди. Мен отам-онамга намоз, рўза тутишимиз керак, деб айтиб юардим. Муллага бориб тенгқурларим билан Қуръондан 7 — 8 сура ёд олдим.

9 — 10 синфдалигимда тоғам билан Тошкентга бориб савдо-сотиқ қилдим. Савдо бир йилча яхши бўлди, лекин соғлигим ёмонлашди, оёқларим ва белим оғрирди. 8 — 9 синф ўқувчиси эканлигимда томорқамизда етиштирилган саримсоқ пиёз, ёнғоқ, қовун-тарвуз сотиб юардим, автобустга чиққанимда кўнглим айнирди. Тошкентда бу ҳол анча жадаллашди, ҳар хил ҳидлар ёқмасди. Хотирам пасая бошлади, таниган одамларим эсимдан чиқиб кета бошлади. Оилада учинчи фарзанд, ўғиллардан каттасиман. Атрофдагилар билан тортишув бўлиб, тез жаҳлим чиқарди, ноҳақ сўзларни айтадиган бўлиб қолдим, иштаҳам куз пайтларда яхши бўларди. Баҳор ойлари қанча овқат кўп есам ҳам, қувват бўлмасди. Курашга ҳам тушиб турардим, баҳорда кам қувват бўлиб, кураш туша олмасдим. Уйимизда турганимда оилада гушунмовчилик бўлиб, уйда ўтиролмасдим. Яхши ухлай олмай, кам уйқу бўлиб тонг саҳар турардим. Кўнглим: "Сен бошқа ерга боришинг керак", дерди. Жиззахда чўл зонасига бордим. 2007 йили уйландим, ҳафта ичида ёмон туш кўрдим: итлар мени қувлашди, йўли берк кўчага кириб қолдим, Тўғримда яланғоч одамлар кел, деб турибди, икки ёнимда икки дарвоза пайдо бўлди, ўнгда кўк (яшил), чапда қора дарвоза. Яшил дарвозага кирдим ва уйғониб кетдим, унда айвонни кўргандим. Шундан кейин уйқусизлик дардига дучор бўлдим. 2004 —

2005 йилларда деҳқончилик қилдим. 2005 — 2009 йилларда Термиз Давлат университетининг касбий таълим — иқтисодлик дипломини олдим.

Вос-вос бўлиб қолдим, танамнинг барча аъзолари — сочимдан оёғимгача оғриб, сочларим тикка бўлиб кетарди. Врачлар касалимни аниқлай олмадилар. Ҳолдан тойдим, дуохонларга бордим, қушночлар эмлашди, товуқ сўйиб чилтонларга бағишладим.

Аммамнинг қўшнилари Қорақалпоғистонга бориб келишган экан, 2010 йил июлда ўзим бу даргоҳни топиб келдим. Даргоҳга бораман, деб 20 кун аввал ният қилганимдан бошлаб интилиш пайдо бўлиб тортаверди. Ҳар томонлама руҳий, жисмоний қувват ўзимга қайтгандай бўлди.

Тўхтабой отанинг икки марта таважжуҳидан сўнг кечга бориб танам қизиб кетди, зўрга чидадим, фақат қайнатилган сув ичиб турдим, икки кундан кейин менда ғайрат тутилди, ўт-ўланларни ўра бошладим. Йигитларга қўшилиб ишлай бошладим, аввалига оғир нарса кўтра олмайман деб кўрқдим. Иш қийинлашган сари танамга ёқа берди.

— Болам, буйрагинг қаттиқ шамоллаган, — деган эди Тўхтабой ота дастлабки куниёқ.

Чап томоним тенг ярим қаттиқ оғрирди, ҳозирда чап томонимда ўзгаришни сезиб тураман, яхшилашиб бормоқда.

*Ўткир Абдухолиқов,
Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, "Далварзин"*

ЮРАК КАСАЛИ

Менинг юрак уришим суст эди, ҳолдан тойиб, ўзимни йўқотиб қўярдим. Врачлар юрак уришимни юқорига кўтара олмадилар. 2009 йилнинг сентябридан бошланди, Икки марта касалхонада ётиб даволандим, у ерда ухлай олмадим, танам жуда чарчаб қолди. Шифо тополмагач, мулла, эшон, бахши деб эшитган жойлардан қолмадим,

аввалги ҳолатимдан огирлашдим. Ушбу даргоҳнинг таърифини одамлардан эшитиб, 2010 йил 25 сентябрда келдим. Тўрт киши ҳамроҳлигида ният қилиб йўлга чиққанамиздан бошлаб аҳволим танг эди, ота бизни келаётганимиздан хабар топиб, Яратгандан шифо сўраб турган экан. Эрталабки сеансга улгуриб келиб қатнашдим, Таважжухдан сўнг дардим нимадан пайдо бўлганини билмоқчи бўлиб, ота ташқарида сўрида ўтирганида олдиларига интилдим, жуда кўп кутиб, ҳамма гарқалганидан сўнг бориб ота деб мурожаат қилишим билан ота кўксимга бир туртди. Турткидан юрагимга бир иссиқлик кириб, қиздира бошлади ва бир кеча-кундуз давом этди ва мияларим очилиб тетиклаша бошладим. Даргоҳда 4 кун бўлди. Уйга қайтгач, 3-кун соғ юрдим.

Уйқумда отаи Кечирмас бобо мақбарасини кўрдим, эртасига яна мақбарани кўрдим. Уйда юрганимнинг олтинчи куни хуфтон намозини соат 20 да ўқидим. Бирдан юрак уришим пасая борди, тез ёрдам келди. Мен ақлим билан сезиб турибман-у ҳаракатлана олмайман, имо-ишора билан менга укол қилманглар, фақат зиёраттоҳ қудуғидан сув олиб келганман, шуни беринглар, деб имо қилиб турдим. Сувдан томчилаб гуришганида, даргоҳга бориб хизмат қиламан, деб ният қилдим. Шу воқеа кеч 2:30 гача давом этди. Врач қўлида қон босимимни ўлчайдиган асбоб билан юрак уришимни кузатиб, акамга яхши бўляпти, деган сўзини эшитдим. Қариндошлар атрофимда тўлиб кетган экан, кечқурун 2:30 дан бирдан ичимга куч келиб, ётган ўрнимдан туриб кетдим.

Шифокор акам мени 3 кун ўзининг уйида ушлаб турди. Учинчи куни ўз-ўзимдан қичқириб, уйдан чиқиб зиёраттоҳ томонга интилиб етиб келдим. Шу бугунгача нимаики иш бўлса, кўнглим тўлғунича хизмат қилмоқдаман.

Ён қишлоқлардан икки киши келишди. Бири Узун гуманидан 70 ёшли киши, иккинчиси далварзинлик мулла

киши бўлиб, соат 12 лар эди. Ота ёши катта одамдан:

— Сиз қандай мушқул билан келдингиз? — деб сўради.

— Менга дуо теккан, деб гапиришяпти, шунга келдим, деди кекса одам.

— Сизда дуо нима қилсин, хотинингиз нечта? Ёшингиз нечада?

— Хотин битта, ёшим 70 да, — жавоб берди.

— Эй шундай бўлса, сизда дуо нима қилади, дуо йўқ. Мана бу ёнингиздаги сариқ йигитда ҳамма дуо. Эй, йигит, 3 кун олдин келишинг керак эди? Нима учун келмадинг? Сизлар 6 киши келмоқчи эдиларинг-ку? Улар қани?

— Уларнинг имкониятлари бўлмади. Уша чоршанба куни мазам қочди, ундан аввал сизнинг китобингизни ўқигандим, ўлар ҳолатга келиб қолдим, — деди йигит.

— Сен кечқурун ётганингда соат бирларда ётган жойингга ким борган эди?

— Сиз бор эдингиз, ота.

— Мен сенга нима қилдим?

— Бошимга қўлингизни қўйдингиз.

— Кейин нима бўлди?

— Ўрнимдан туриб кетдим.

Ота “ҳиммм” деб қўйди.

— Сенинг уйинг Термиз — Душанбе трассасига яқин ерда жойлашган. Кичик асфальт йўли қийғоч кириб кетади, 5 кмлар чамасида, уйинг йўлнинг ўнг томонида жойлашган, тўғрими? — деди ота.

— Ҳа, тўғри.

— Уйингга кираверишда катта дарахт кўриняпти, ёнғоқми, ўрикми?

— Ёнғоқ дарахти.

— Сени уйингда бир ёш жувон кўриняпти, қизингми, синглингми?

— У синглим.

— Эри қаерда?

— Аварияда 30 ёшида ўлиб кетди.

— Ҳм, — деб тўхтаб туриб қаттиқ пўписа қилди.

– Касалингнинг сабаби шунда. Уларга нима деб ваъда берувдинг, шу ниятинг Аллоҳга етиб турибди?

– Қишга кийим-кечак олиб бермоқчи эдим.

– Яна сен ўз туманингда катта бир ногиронлар уйими – ей, етимхонами, интернатми, шуларга ҳам бир нарсалар ваъда этган экансан-у, буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолога етиб турибди-ку. Ўзингнинг касалинг мен бориб бошингни ушлаганимдаёқ чиқиб кетган. Бу ерга келишингнинг сабаби бу сагирларга атаган нарсаларингни бажармаганингдан.

— У мактаб-интернат эди, унга юз сўм бермоқчи эдим.

– Эй, йигит, сен бу ерга келмасингдан аввал маслаҳат қилиб бирга келмоқчи бўлган беш жўранг ҳам икки кундан кейин келади Худо хоҳласа, кўрасан. Бу ердан уйингга борганингдан сўнг ваъдаларингни бажар.

– Мулла ота, албатта бажараман.

Орадан икки кун ўтиб унинг беш жўраси даргоҳга кириб келди. Юқоридаги кароматларни кузатиб, ўз кўзим билан кўрдим, ишондим.

Шу ўринда шоир Исматулла Маманов сатрларини эслайман:

Дейман, тонгу хуфтон Тангри таолога шукр,
Буюрган жаҳаннами, арши – аълосига шукр,
Маърифату рағбатларин йўқдир адоғи,
Ўзи гар раво кўрса, келган балосига шукр.

Ё Раббим, гуноҳкор барчами ё бир мен?
Ғазабингга дучор барчами ё бир мен?
Қавлингдан айро ўзга йўлдан юрмадим,
Дузахга гирифтор барчами ё бир мен?

*Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, “Толли”
фермерлар уюшмаси.*

ҚИЗИМНИНГ СОҒАЙИШИ

2010 йилнинг июль ойида уйда ўзим тушунмаган ҳолда тушкунликка тушиб қолдим. Қўлим ишга бормайди, бировнинг гапи ёқмайди, касал бўлиб касал эмасман. Хўжайиним ва болаларимнинг гапи ҳам ёқмайди, кўз олдим қоронғи, нима қилишни билмайман, қаёққадир кетгим келади. Шунинг орасида қизим касал бўлиб қолди. Қаеринг оғрийди, десам, кўзимни юмсам биров юрагимга пичоқ уради, бошимга мих қоқишгандай бўлади, ухлай олмайман, дейди. Қизимни докторга қаратдик, домлага ўқитдик, натижаси бўлмади. Ҳеч кимни кўргим келмайди, деб уйга кириб эшикни ёпиб олади, турмуш ўртоғини, болаларини ҳайдайди, нима қилишни билмай қолдим.

Бир куни қўшним китоб берди, ўқиб кўринг, яхши таъсирли экан, унинг номи "Элликқалъа мўъжизаси". Китобни ихлос билан 3 марта ўқидим, ўқиганимдан кейин ўша ерга бориш иштиёқи пайдо бўлди. Чорсу бозорига тушиб, китоблар растасидан шундай китобни топа олмадим, китоб ёзган муаллифни сўраб аниқлай олмадим, кўп суриштирдим, бу одамни қаердан топсам экан, деган хаёлда тўғри вокзалга бориб қолдим, у ердан Элликқалъага қандай боришни суриштириб, чиптахонадан билдим.

Тўрткўлга чипта олдим. Рўза ойи эди. 17 августда поезд жўнард экан, 27 августга қайтадиган билет олдим, 10 кун зиёратда бўламан деб, шу ниятим билан поездда Кечирмас ота даргоҳига етиб бордим. Чин ихлос қилсангиз, ҳамма нарса олдингиздан чиқар экан. Кечирмас ота даргоҳига кириб бориб Тўхтабой отани кўрдим, китоб ўқиётганимда бу табаррук зотнинг сиймоси кўз олдимда пайдо бўлган эди. Таважжуҳ вақтида савол беришга изн сўрадим. Ота гапиришга рухсат берди.

– Тошкентдан бир ўзим келдим, қизимнинг касалига шифо сўраб, ушбу даргоҳни манзилини китоб орқали

билдим, униинг муаллифи Ҳ. Мадраҳимовни тополмагач, таваккал қилиб келдим, — дедим.

Шунда ота:

— Сиз излаган муаллиф шу ерда ўтирибди, — деди ёнида ўтирган одамга ишора қилиб.

— Шукр, икковингизни ҳам кўрдим, — дедим. Сўнг: “Ота, менга жамоанинг дуосини олиб беринг”, — дедим. Таважжух қатнашчилари 250 кишини ташкил қилар эди. Ота: «Қани, ҳаммангиз қўлингизни очинг», — деди, ҳамма ота бошчилигида дуо қилишди.

Етти кун таважжухда қатнашиб юрдим. Бу ерда сахарлик ва ифторликда икки маҳал иссиқ овқат даргоҳ ҳисобидан, қилинган муолажа учун пул талаб қилинмайди, ким ихлос билан қанча ташласа ўзи билади. Отага кетадиган кунимни айтмаган эдим, охириги куни “Кетадиган вақтингиз бўлди, эртага сизга жавоб”, деб қолди ота. Шунда ҳайрон бўлдим, кетадиган кунимни қаердан билдийкан. Менинг оёғим оғрирди, қон босимим бор эди. Ота муолажаларни оғриқсиз, мутлақо сездирмай олиб борарди. Натижада, оғриқлардан халос бўлиб, қон босимимдан қутулдим. Бундай муолажани ҳеч бир жойда учратмаганман.

Уйга келсам, қизим хурсанд ҳолда мени кутиб олди. Қизим ҳам соғайибди.

*Шаҳодат ҳожи она,
Тошкент вилояти, Қибрай тумани.*

НИЯТ

Мен 1950 йилда тутилганман. 6 нафар фарзандим бор. Янгикуч маҳалласида маслаҳатчи вазифасида ишлайман. Кечирмас ота зиёратгоҳи ҳақида 2010 йилда эшитдим. Қўшни қишлоқда яшовчи аёллар Қорақалпоғистоннинг Эликқалъа туманида Кечирмас ота зиёратгоҳи, у ерда Тўхтабой ота исми шифо берадиган киши борлиги, барча касалларни даволаётганини айтиб, менга Ҳакимжон Мадраҳимов томонидан ёзилган “Эликқалъа

мўъжизаси" китобини беришди. Кун бўйи ишда бўлганлигим сабабли китобни ўқишга имкон бўлмади. Бир куни учинчи қизим Наргизанинг уйига бордим, у менга бавосир бўлиб қолгани, оғриқнинг зўридан кечалари йиглаб чиқаётганини айтди. Мен уйда Тўхтабой ота ҳақида китоб борлигини айтиб уни ўқиб чиқишни тайинладим. Таҳорат олиб авлиё Кечирмас ота руҳига Қуръон тиловат қилиб, Аллоҳдан шифо сўра, дедим ва кейин уйдан китобни олиб келиб бердим.

Қизим менинг айтганимни қилиб Аллоҳдан шифо сўради, ўз кўзи билан кўрмаган одам ишонмайди, инқиллаб ўрнига ўтиролмаётган қизим эртаси куни кечқурун 2 боласини етаклаб менинг олдимга хурсанд бўлиб борди. Кечаси тиловат қилиб, Аллоҳдан шифо сўрабди, сўнг китобни бошига қўйиб ухлаб қолибди. Эрталаб туриб бавосири умуман йўқолиб кетганлигини айтди.

Кунларнинг бирида Самандар исмли неварамни қучоқлаб ўтириб, беихтиёр қулогини орқасидаги 3 та нўхатдан каттароқ безга кўзим тушиб юрагим орқага тортиб кетди. Авлиё Кечирмас ота зиёратгоҳига бориб келган бир дугонамдан китобини сўраб олиб келиб ўқиб, авлиё отани восита қилиб Аллоҳга ялиндим, неварамга шифо сўрадим. Лекин неварамнинг қулоғи орқасидаги безларни ушлашга юрагим бетламади. Аллоҳга шукр, 20 нафар неварам бор, ҳаммаси менинг жону дилим, бир-биридан ширин. Ҳар куни менга шундай солиҳ фарзандлар, шириндан шакар неваралар бергани учун Худога шукрона айтаман. Неварам менга суяниб ўтириб телевизор кўришни ёқтиради. Бир ҳафта ўтгандан кейин неварамнинг бошини силайман, деб қўлим қулоғи ортига тегиб ҳеч қандай без йўқлигини кўриб, Аллоҳга шукр қилдим.

Кўнглимга албатта зиёратгоҳга боришни ният қилиб қўйдим. Шу орада қизим Тошкентга меҳмондорчиликка бориб йўлдан, уйга қайтмай Авлиё ота зиёратгоҳига борганлигини, қурбон ҳайити куни уйга қайтиб

боришини телефон орқали айтди. Қизимнинг зиёратгоҳда кўрган-кечирганларини эшитиб, менда ҳам бориш нияти пайдо бўлди. Лекин маҳаллада ишлаганим сабабли йилнинг охиридаги йиллик ҳисобот, аҳолини рўйхатга олиш бўйича иш кўпайди. Шу сабабли зиёратгоҳга бориш орқага сурилаверди. Рўйхат ва ҳисоботларни тугатиб, йўлга чиқаман деган куним эрталабгача қор ёғиб чиқди.

Кичик ўғлим машина топиб аммаси иккаламизни Денов шаҳридаги шохбекатгача олиб келди. Лекин шохбекатда Қорақалпоғистонга ва бошқа яқин вилоятларга борадиган автобуслар қатнови қор туфайли гўхтаган экан. "Узун – Термиз" поезди билан Термизга келдик. Шохбекатда Самарқанд автобуси эртаси куни соат 6 да жўнашини билиб, Самарқандга жўнадик. Кечаси 7 да тушдик. Нотаниш шаҳар, ҳеч кимни танимаймиз. Қайнсинглим:

– Янга энди нима қиламиз? — деди.

Лекин менинг қарорим қатъий эди. Мен қайнсинглимга сизни билмадим, лекин мен Эликқалъага пиёда бўлса ҳам бораман, деб кулиб қўйдим. Лекин юрагимга энди бу қоронғу кечада қаерга борамиз, деган ҳадик келди. Аллоҳга "Авлиё ота ҳурмати бизга ёрдам бер, номаълум жойда кўчада қолдик", деб ялиндим. Шу орада нон сотувчи ёши каттароқ аёл ёнимизга келиб тунайдиган ерларинг йўқми, уйимга олиб кетар эдим, лекин уйларим совуқ-да, деди. Биз рози бўлдик. Турмуш ўртоғи келиб бизни олиб кетди. Дунёда яхши одамлар кўп экан. У киши хотинига меҳмонларнинг қорнини тўйгазишни буюрди. Лекин биз тўқ эканлигимизни айтиб рози бўлмадик. Улар бизни танимасалар ҳам ишонипди, эрталаб, хонадон эгаси бизни кузатиб қўйди. Нукус автобусига ўтириб қаердасан Эликқалъа, деб жўнадик. Йўловчиларнинг гап-сўзидан кейин Тўрткўлга кечаси 4:30 ларда етиб боришимиз маълум бўлди. Мен-ку совуққа чидайман, лекин қайнсинглимнинг буйраклари, оёғи оғрийди, ёзда

ҳам совуқ қотади. Ўзимни эмас, қайнсинглимни деб келаяпман, яна ичимда Авлиё отамга ялиниб келаяпман. Одам тўла автобусда биздан бошқа яна икки киши Тўрткўлда тушамиз дейишди. Автобус бизни тушириш учун тўхтагандан кейин Тўрткўлга иш билан сафарга чиққан тиббиёт ҳодимлари ҳам адашиб биз билан тушиб қолишди. Врачнинг яқин одамлари у ерда яшар экан. Телефон орқали уларни чақирди. Машина етиб келгунча гурунглашиб турдик, машина келгандан кейин эса юрагим тўхтаб қолай деди. Лекин врач бизни биринчи навбатда машинага чиқариб юбориб, булар меҳмон, биз пиёда бораверамиз, 2 марта бориб келишингга тўтри келади, деди. Хонадон эгасининг исми Олим камазчи экан, бизни эски қадрдонлардай қабул қилди ва эрталаб ўғли бизни Кечирмас ота зиёратгоҳига борадиган таксига ўтқизиб, ҳайдовчига “Кечирмас ота зиёратгоҳининг олдида обориб қўйинг, булар меҳмон”, деди ва биз таклиф қилган йўл ҳақини, сизлар меҳмонсизлар, уят бўлади, деб олмади. Биз учун ҳаяжонли дамлар бошланди. Иккаламизда ҳам бизни Тўхтабой ота қабул қилармиканлар, деган ҳадик бор.

Қайнисинглимни билмадим, лекин мен кўп зиёратта борганимда тижоратчилар ўзларининг молларини сотиш учун олдимизни тўсиб одамнинг дилини хира қилар эди. Бу ердаги тартиб менга жуда ёқди. “Кечирмас ота” даргоҳидаги тартиб, озодалик мени лол қолдирди. Даволанувчилар учун ётоқхона, зиёратта келувчиларнинг дам олиши учун зиёратгоҳнинг зарур жойларига қўйилган ёғоч сўрилар, ўриндиқлар бор. Самоварлар қайнаб турибди. Ётиб даволанаётганлар учун икки маҳал овқат бор. Таҳоратхонада яратилган шароит жуда маъқул келди.

Тўхтабой отанинг шифо истаб келганларнинг (улар 200, 300 га яқин) ҳар бирининг олдида бориб, касалини айтиб бераётганлигини ўз кўзим билан кўрдим. Кун давомида пиёда, машинада келаётганларнинг кети узилмади, энг асосийси Тўхтабой ота таважжухга

кирганларнинг ҳаммасини эслаб қолар экан. У кишининг умри узоқ бўлиб, Амина онам билан қўша қарисинлар.

*Муҳаббат Эшмуродова,
Сурхондарё вилояти, Узун тумани,
Янги куч маҳалласи*

ДАРДИМГА ДАРМОН ТОПДИМ

2002 йилнинг апрель ойи эди. Ҳакимжон акамдан мулла Тўхтабой ота таърифларини эшитиб, отанинг даргоҳига бирга бордик. Мен одам ўқийман, шунинг оқибатида нафасим қисила бориб, оғир аҳволга тушиб қолган эдим.

Мулла Тўхтабой ота мулозаматларида Ҳакимжон акам билан бир ярим ой бирга бўлдик, аммо касалим чиқмади. Бир куни акам ота ёнларига бирга киришимизни айтди.

Хонада Амина она, отанинг шогирди Мурод бор эди. Тўхтабой ота бир ярим соат оят, суралар ўқиди, касалим жойидан қўзгалмади. Шунда ота ўрнидан туриб:

— Ё, Аллоҳ! — деб, қўлини бошимга қўйди ва чап қўли билан киндик қисмимдан бошлаб юқорига қараб сийпалай бошлади. — Ҳаким, идишни тут, ҳозир ичидан шилимшиқ моддалар тушади, — деди.

Шу тарзда у киши гўё менинг ичимдаги иллатларни суғуриб олди. Икки кундан сўнг уйга кетишимга рухсат бериб:

— Энди шифокорларнинг иши қолди, уларга мурожаат қил! Қувват берувчи укол ва витаминлар ёзиб беришади, ўпкангда сув тўпланибди, уни ҳам олиш мосламалари бор, — деди.

Биз йўлга отландик, автобусда кун иссиқлигидан ташналигим ортиб бораверди, буйрагим ишламай, оқибатда икки оёғим шишиб кетди. Тошкентда Отчопардан метрогача зўрга етиб олдик. Эркин исми тиббиёт фанлари номзоди (биз ота даргоҳида

пайтимизда, у касалларнинг ҳол-аҳволларини назорат қилиб юрган экан) Чилонзор бекатидан бизнинг вагонга чиқиб қолди ва мендан ҳол-аҳволимни суриштира кетди. Мен унга тушунтирдим, дорилар ёзиб, тавсиялар берди. Сийдик танадан муттасил чиқиб туриши учун икки дона дори олишни ва ундан бирини ичиб, маълум муддат кутиш кераклигини ва охирги ҳолдагина иккинчи дорини ичишимни уқтирди. Уйга боргач, иккинчи дорини ҳам ичдим, натижа бўлмади, аҳволим оғирлашганини акамга билдирдим. У киши бўлса:

— Тўхтабой отанинг ўзларидан шифосини сўра, — деди.

Қалб кўзи орқали ота билан сўзлашдим.

— Шифокор билан учраштириб қўйдим, яна нима истайсан? — деди ота.

Ётган ҳолимда оёқларим оғирлашиб, қийналаётганлигимни билдирдим.

Ота:

— Сен чап томонингни босиб ётиб қолибсан, ўзим ўнг томонингга айлантирай, — деб мени даст кўтариб, ўнг томонимга ётқизиб, — мана қара буйрагингнинг ишлашини, — деб кўрсатиб қўйди.

Қовуғим суюқликка тўлиб кетган, уч марта бўшатиб, қайтиб ётиб, буйрагимнинг ишини томоша қилаётганимда, акам чой дамлаб келди. У кишига бўлган воқеани билдирдим.

— Ҳа, авлиёлар билан мулоқотда бўлиб, ўзингни назорат қилганинг жуда яхши, яна давом эттиравер, — деди акам.

Шифохонада ўпкамдан суюқлик олишгач, енгиллашдим. Ўш шаҳрига, оилам олдига қайтганимда ярим кечада ҳовлига таҳорат ушатишга чиқдим. Ётоқхонамга чиқиш учун баландлиги 1,8 метрли зинадан кўтарилаётганимда тўсатдан йиқилиб тушдим, гавдамни ҳеч кўтара олмадим. Ўғилларимни уйғотиш учун овозимни баланд кўтариб чақирим лозим эди. Шунда мулла Тўхтабой отадан сўраш фикри келиб қолди, қалб

Султон Увайс бобо Муножот тоғи





кўзимга диққатимни йигиб, отадан ёрдам сўрадим. Тўхтабой ота ёнимга икки йигит билан етиб келди, йигитлар мени кўтариб, уйга олиб киришди. Чой ичиб кетишларини илтимос қилдим. Улар ташқаридан сув олиб келиб, электр чойнакка қуйиб, сув қайнашини кутиб ўтиришди. Чой дамлаб, бир пиёладан ичишди, ноннинг бир четидан тишлашди, кейин ташаккур айтиб, хонамдан ота бошчилигида хайр-хўшлашиб чиқиб кетишди. Ўша дам ҳануз кўз олдимда, мен қалб кўзим билан кўп нарсаларни кўриб билганман, аммо бу воқеа ёдимда, авлиё ота бутун жисми ва икки йигит билан пайдо бўлиши Аллоҳнинг хос бандаларига ато қилган каромати эди.

*Иброҳимжон Бозорбоев,
Ўш шаҳри, Олабуқа кучаси, 35-уй.*

ҲИКМАТГА ЙЎҒРИЛГАН СИЙМО

Бундан 4 йил олдин пастки жағимда без пайдо бўлиб, қаттиқ оғрий бошлади. Дунё кўзимга қоронгу, ҳеч қаерга сигмайдигандекман. Менга қараб онаизорим:

— Шундай хушчақчақ қизим нега ҳеч ким билан гаплашмайди, нега ҳаммадан узини олиб қочади? — деб хуноб бўлардилар.

У кишига дардимни айтолмайман, шифокорлардан эса даво топмадим. Шундай қийналиб юрган кунларимнинг бирида Самарқандда юз-жағ жарроҳлигида ишлайдиган укам Саъдулло:

— Опа, Сиз Қорақалпоғистонга борсангиз, шифо топасиз, — деб, менга керакли манзилни айтди. Кечирмас ота зиёратгоҳига йўл олдим.

Назаркарда Тўхтабой ота ва Амина опа билан шу гариқа танишдим. Улар мени ўз қизларидек кугаб олишди, аёллар ётоғига жойлаштиришди. Шу хонада Зайнаб исмли қизни кўриб, ўз дардим ҳам эсимдан чиқиб кетди, гўё. У бояқиш ногирон, юролмас эди. Икки синглиси қўлтигидан кўтариб таҳоратга олиб

боришарди. Ушанда рўза ойи эди. Шу ҳолига қарамай, Зайнаб рўза ҳам тутди, унинг сабр-бардошига лол қолардим.

Бир куни тунда дардим аримаётганидан тўлиб кетиб, ухлай олмай, қоронги эканлигига қарамай Кечирмас ота мақбарасига қараб йўл олдим. Ичкарига кирсам, Зайнабнинг бир ўзи бошгинасини мақбара деворига қўйиб йиғлаб ўтирибди. У синглисидан илтимос қилгани учун бу ерга олиб келган экан. Қизнинг Аллоҳга қилган илтижо, ноласига тош ҳам эрирди. У Тангридан қизларга бериладиган бахтни эмас, дардига шифо беришини тилаб илтижо қиларди. Зайнабнинг ноласидан юрагимга зардоб тўлгандек бўлди, мен ҳам Яраттандан унга шифо беришини сўрадим. Сеанс пайтида Тухтабой ота сўраб қолдилар:

— Хўш, ургутлик опа, сиз ўзингизни қандай сезаяпсиз? Огриқ кучли эканини айтдим.

— Сиз кўп сиқилманг, дардингиз олиниб турибди. Яна 2—3 кундан сўнг тузалиб кетасиз, — дедилар. Кўзларимдан тўхтамай ёш қуйиларди...

Ўн кун ўтгач, касалимдан халос бўлдим. Қайтиш вақтида ота менга:

— Йўлинг беҳатар бўлсин! — деб оқ фотиҳа бердилар. Орадан бир йил ўтди. Ўзим шифо топиб кетган бўлсамда, кўз олдимдан ҳамон Зайнабнинг қиёфаси кетмас, «Унинг тақдири нима бўлди экан?» деган савол хаёлимдан ўчмас эди. Мендан кейин у ерга бориб қайтган одамлардан суриштириб билсам, қиз тузалиб, юриб кетибди, ҳозир Норинжон ота зиёратгоҳида хизмат қилаётган экан. Бу хушхабарни эшитиб Раббимга яна бир бор шукрона айтдим. «Зайнаб, синглим, энди Аллоҳим сенга келинлик бахтини ато этсин!» дедим.

Яқинда неварамнинг боши оғриб, Самарқанддаги кўп тармокли болалар шифохонасининг неврохирургия бўлимига олиб бордим. Малакали неврохирург Мурод ака уни кўриб, зудлик билан жарроҳлик амалиётини қилиш кераклигини айтдилар. Бошида сув йиғилиб

қолган экан. Дунё кўзимга тор кўриниб кетди. Шифокорга ишонмаганимдан эмас, боланинг жарроҳликка дош беролмаслигидан чўчиб, яна Аллоҳдан нажот истаб, Тўхтабой ота даргоҳларига жўнадим. Отага рентген қоғозларини кўрсатдим. Муолажа бошланди.

Биринчи сеансданоқ неварамнинг оғзидан шилимшиқ сув оқа бошлади. Отанинг маслаҳати билан уни Кечирмас ота мақбараларига олиб бордим. Ўтқазиб қўйиб, мен Худодан унинг дардини сўраб, дуога қўл кўтарсам, у ҳам жажжи кафтларини очиб, «Аллоҳим, менга ҳам шифо бергин» дегандек, уч марта «Омин» деб юзига фотиҳа тортди. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Намоз ўқиётганимда саждага бош қўйсам, ёнимда ўтирган гўдак ҳам бошини жойнамозга қўйиб, «Аллоҳ» дейди. «Ё, ажабо! Ҳеч нарсанинг фаҳмига етмайдиган шу болакайнинг мурғак қалбига ҳам Тангрим бир нарсаларни солаяптимикиан», деб ҳайрон қоламан.

Сеанс чоғида ота даврада айланиб юрадилар. Болалар у кишидан ҳадиксираб туришади, ҳатто баъзилари йиғлаб ҳам юборишади. Лекин менинг неварам ота ҳар сафар олдимиздан ўтаётганларида «бобо» деб уларга талпинади. Ота ҳам келиб неварамнинг бошини икки-уч марта силаб кетадилар. Гўдакнинг бу ҳаракатлари мени хаёлга толдиради. Чунки бу даргоҳга келиб, гуноҳлари кечирилишини сўраш ўрнига гийбат қилиб юриб, дардлари билан қайтиб кетган одамларни ўз кўзим билан кўрганман.

Тангримга шукроналар бўлсинким, неварам соғайиб, бир ҳафтада уйга қайтдик. Мана, олти ой ўтди, у боғчага қатнапти. Бир нечта шеър, ашулаларни ёд олган. Кечқурун боғчадан келгач, чуғурлаб шеър айтиб беради.

Сен кулсанг, болажон, олам кулади. Кулгингдан райҳону чечак унади. Сен кулсанг, қувончга, шодликка тўлиб, Кулгингдан қувониб, онанг кулади.

Кечирмас ота зиёратгоҳига тез-тез бориб тураман. Менга шу нарса аён бўлдики, ким ўз гуноҳларига тавба қилиб, сидқидилдан Яраттандан шифо тилаб муолажа

сўраса, албатта шифо топар экан. Амина опа изоҳ беришларича, авлиё Кечирмас ота инсофлиларнинг тавбаларини Аллоҳга етказувчи ва Ундан шифо сўраб берувчи зот экан.

Бир сафар қандайдир сабаб билан Амина опанинг одиларига кирдим.

— Сиз одамларга қаранг, Аллоҳдан сўрасангиз, дармандларга шифо беради, — дедилар.

У ердан қайтгач, ҳеч вақт ўтмай соҳибкаромат авлиё отани тушимда кўрдим. У киши қўл очиб менга фотиҳа бераётганмишлар. Уйғониб бу тушимнинг таъбири нимадан далолат берар экан, деб уйлаб қолдим. Эрталаб йўлга тушдим, зиёратгоҳга бориб, Тўхтабой отага кўрган тушимни айтиб бердим. У киши мени узундан-узуң дуо қилиб, учта қадамжони зиёрат қилишим кераклигини айтдилар. Буларни бажариб, уйга қайтдим. Шундан кейин руҳимда қандайдир ўзгаришлар содир бўла бошлади. Уйқумда оппоқ либосларда юраман, беморларга қарайман. Бу ҳол мени безовта қила бошлагач, яна Тўхтабой ота ҳузурларига бориб, ўзимдаги бу ўзгаришлар сабабини сўрадим. Шунда ота:

— Сиз касалларга қаранг, лекин бу жуда оғир йўл, бизларга шу буюрилган. Сиз қарайверинг, шифосини Худо беради, — дедилар.

Отанинг маслаҳатларига амал қила бошладим.

Менинг муолажамдан Яратгanning каромати билан шифо топаётганларни кўриб ўзимни енгил, бахтиёр сезаман. Киши эл назаридан қолмасин, Тангрининг марҳаматидан жудо бўлмасин экан.

Мен зиёратгоҳда бир одамни учратдим, унинг бир оёғи йўқ эди. Ота сеанс пайтида у кишига:

— Сен хотинингни тепган экансан, аёлнинг қарғишига қолгансан, — дедилар.

Ҳалиги одам тилга кирди:

— Тўғри, ушанда қайнонам қаргаган эди.

— Аёл кишини ҳам шундай урасанми?! Ҳеч бир дард бесабаб бўлмайди. Сенинг касалингни тузатишда

Аллоҳим мени бир сабабчи қилиб яратибди, шифоси эса ўзидан. Ҳар бир банда ўз қалбидан риё, кибр, ҳасад, раҳмсизлик, манманликни олиб ташласа, ҳар ким ўз-ўзига табибдир, — дедилар ота.

Рўза ойи эди, жуда қаттиқ бетобланиб қолдим. Эрталаб инқилаб туриб, зўрға саҳарлик қилардим. Рўза ўтди ҳамки, ўзимга келолмай юрдим. Бир куни бомдод намозидан сўнг Аллоҳдан шифо сўраб, илтижо қилдим. Тўхтабой отадан мени ғойибона ўқиб қўйишларини сўрадим. Шунда назаркарданинг ўзим қатнашган сеансда ўқиганлари қулогимда жаранглай бошлади. Анчадан сўнг ўрнимдан турдим. Танимда на бир дард, на бир огирлик бор эди. Аллоҳга шукроналар келтирдим.

Яна бир воқеа эсимга тушди. Зиёратгоҳда бўлганимда кечалари аёлларга ибратли китоблардан ўқиб бериб гулардим. Тунда бир китобни очганимда, кўзларим шундай сатрларга тушди: «Сен қилган яхши амалларингни ўчмайдиган қилиб, муҳраб, ёзиб борасан. Нега энди ёмон амалларингни ёзмайсан?» Ё, Раббим! Булар менга айтилаётган сўзлар эди гўё. Чунки мен бир катта дафтар очиб қўйган эдим, келиб-кетувчилар унга миннатдорчилик, раҳматларини ёзиб кетишар эди. Шунда мен ўз гуноҳимни англаб етдим. Ахир, беморлар менга эмас, Аллоҳга шукрона айтишлари керак-ку!

Мен уйга қайтгач, дафтарни йиртиб ташладим.

Насиба Шодиева,

Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри

ХАЛОСЛИК ИХЛОСДАН

Сал кам ўн йилча вақтдан бери белим, оёқларим оғриб, азоб бериб келарди. Қаратмаган шифокорим, ётмаган шифохонам қолмади. Тошкентдаги клиникалардан бирида «умуртқа силжиган, ўша уринда чурра ўсиб чиққан», деб ташхис қўйишди. Даволанган сайин аҳволим ёмонлаша бошлади. Кимлардандир эшитиб, бир куни Насиба исмли жияним:

— Хола, Эллиққалъада бир авлиё ота бор экан, шу кишига боринг, даво топасиз, — деди.

Аммо мен ҳеч нимага ишонмай қўйган эдим:

— Менинг дардим жарроҳликни талаб қилади. Билмадим, борсам шифо топармиканман, — дедим ноумидлик билан.

Лекин жияним мени ишонтиришга ҳаракат қиларди. Хуллас, Аллоҳ насиб этган экан, ихлос билан Кечирмас ота қадамжоларига бордим. Тўхтабой ота ва Амина она очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Улар бу жойни шундай гўзал масканга айлантиришибдики, гўё бу ердаги ҳар бир дарахт, ҳар бир гулдан нур таралаётгандек, қалбга ором бахш этарди. Шу покиза даргоҳда бир ҳафта отадан муолажа олдим. Аввалига ҳеч нарсани сезмаган ҳолатда юрдим. Бир-икки кундан сўнг Тўхтабой отанинг дуолари, инсонни тўғрилиқка, яхшилиқка ундовчи сўзлари юрагимга умид, ишонч ва илиқлик олиб киргандек бўлди. Ота нафақат даволар, балки дардни келтириб чиқарувчи нохуш иллатлардан сақланиш кераклигини ҳам уқтирардилар.

Бир сеансда у киши гап бошлаб қолдилар:

— Фолбинларга борманг, бу — бидъат. Фолбинлик қилиш Қуръонда ҳам ёзилмаган.

Мен бу гаплардан кейин иккиланиб қолдим. Чунки дардим зўрайган пайтлари фолбинга борардим. Бундан бир оз ором топсам-да, тезда касалим баттар авж оларди. Мен:

— Ахир, фолбинларга ҳам Аллоҳ насиба берган-ку, — деб отага эътироз билдирдим.

Соҳиб каромат индамадилар. Ҳафта ўтгач, анча енгиллашиб, уйга қайтдим, лекин ҳали тўла тузалиб кетмаган эдим. Балки энди фойдаси бўлар, деган ниятда отанинг сўзларини унутиб, яна бир-икки бор фолбинга қаратдим. Афсуски, юролмай, ҳатто ўтиролмай ҳам қолдим. Шунда Тўхтабой отанинг ҳақ эканлигига ишондим ва яна у кишининг ҳузурларига йўл олдим. Шунда мен тушуниб, англаб етдимки, фолбин,

экстрасенс, дуохонлик — шайтоний, ёвуз, қора куч экан.

Авлиё ота мақбарасига кириб, Аллоҳга илтижо, тавба қилиб, кечирим сўрадим. Ҳолатимда ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Қалбим кўзи очилиб, дунёқарашим кенгайгандек бўлди. Кўпроқ фикрлаш, кўрганларимдан тегишли хулоса чиқариш истаги пайдо бўлди. Бандалар гуноҳ қилмасликлари, гуноҳга билиб-билмай йўл қўйсалар, то қабрга киргунча тавба қилишлари кераклигини тушундим.

Соғайиб, уйга қайтгач, қалбим амри, Тангрининг инояти, авлиё Кечирмас ота ва Тўхтабой отанинг қўллаб — қувватлашига ишониб, беморларни даволай бошладим. Лекин пиримнинг дуосини олмай, одам даволашга киришганим мени қийнай бошлади. Шундан сўнг отанинг қабулига ошиқдим. Учрашиб, у кишига касалларни даволаётганимни айтдим.

— Ўзингнинг дардинг тўлиб ётибди-ку, қандай қилиб одам даволайсан? Ҳали даволама, — дедилар ота.

Кейин ҳеч кимга қўл урмадим, чунки отанинг сўзларидан бировга шифо бериш учун аввало табибнинг ўзида дард бўлмаслиги, табиб ҳам қалбан, ҳам жисман пок бўлиши кераклиги менга аён қилинган эди.

Бу олам сир-синоатларга тўла, уни англаш ва ечиш мушкул. Кечирмас ота қадамжосида бир ҳодисанинг гувоҳи бўлиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Сеанс пайтида ота бир йигитга қараб, шундай дедилар:

— Сен нега намоз ўқимайсан? Ҳатто менинг товукларим ҳам намоз ўқийди, сен инсонсан-ку?

Отанинг бу каломига ишониб-ишонмай, ҳайрон бўлганимча, шу ерда анчадан буён даволаниб юрган Ширин опа исмли аёлнинг олдиларига бордим.

— Опа, отам «товукларим ҳам намоз ўқийди» дедилар. Наҳотки шу рост бўлса? — деб сўрадим.

— Ота ёлгон гапирмайдилар, — жавоб берди опaxon. — Бу ерда барча жонзот намоз ўқийди. Аллоҳга зикр айтади. Тунда ит ва мушуклар ҳам авлиё қабрини зиёрат

қиладилар. Ҳатто қишлоқдаги отлар ҳам касалланиб қолсалар, арқонларини узиб келиб, мақбара атрофини айланиб, тузалиб кетганларини кўрганлар бор.

Бу сир мени қизиқтириб қўйди. Товуқ ва гозлар сақланадиган томонга бордим. «Булар қачон ва қандай қилиб намоз ўқир экан, кўрай-чи», деб ўйланиб қолдим.

Ўша кеча ярим тунда икки киши бўлиб мақбарага бордик. Ичкарига кириб, дардимга шифо тилаб Худога ёлвораётган эдим, шу пайт «Сен шуни кўрмоқчимидинг? Мана кўр» дегандек, бир мушук келиб менинг атрофимни уч марта айланиб, гойиб бўлди. Бу ҳолдан таъсирланиб, кўзларим ёшга тўлди.

Мақбарадан чиқиб кетаётганимизда гозларнинг, ўрдакларнинг уч марта қичқиргани ва уларнинг овозлари орасида «Аллоҳ!!!» деган нидо эшитилди. Ҳайратдан «дод» деб юборай дедим. Кўзимдан эса ҳамон ёш қуйиларди. Шунда ўзимга-ўзим дедим: «Шу жонзотларки кечаси Аллоҳга зикр айтса, биз кимлармиз ўзи? Қачон биз уйқумизни бузиб, Тангрига зикр айтдик? Нега ношукурчилик, гийбат, ҳасад, манманлик, кибр қиламиз? Нега кимгадир кек сақлаймиз? Муҳтож қўшниларга ёрдам бермаймиз. Опа-укалар, қариндош-уруғлар ўртасида нега меҳр-оқибат йўқолиб бораяпти? Нега?!»

Зиёратгоҳда Аллоҳ таоло шундақанги нарсаларни қалбимга етказиб бердики, юрагим дош бера олмади.

Кунларнинг бирида даргоҳга яқин кишилар жон таслим қила олмаётган бир аёлни олиб келишди. Аёл уйдагиларни жуда қийнаб юборибди, жони танасидан ажралмасмиш. Тўхтабой ота аёлга боқиб:

— Сен илонсан, инсонларга жуда кўп ёмонликлар қилиб нима фойда топдинг, ҳали у дунёда ҳам жазоингни оласан, — дедилар-да, шапатилаб ўтдилар.

Кечки сеансга яна ўша аёлни аёлга ўраб, кўтариб келишди. Мен кўз узмай унга қараб ўтирдим. Отам аёлнинг ёнига ўтириб «Ёсин» сурасини ўқий бошладилар, бир маҳал аёлнинг бир қўли илон шаклига

кириб, буралиб, оғзи томонга борди, иккинчи қўли ҳам илон бўлиб оғзини чақмоқчи бўлиб интилди. Бир оз вақтдан кейин аёл тинчланиб қолди, билсам, унинг жони узилган экан.

Мулоҳаза қилиб қарасам, бизларга ибрат бўлсин деб Аллоҳ таоло шу сабабли аёлни даргоҳга келтирган экан.

Даргоҳга олтинчи бор борганимда, муолажаларим гутаб, уйга қайтиш вақти бўлганида Тўхтабой отадан фотиҳа олиш мақсадида олдиларига бордим. Ота хушҳол табассум билан менга боқиб:

— Сен энди покландинг, — дедилар.

Мен қотиб қолдим, наҳотки покланган бўлсам? Кузларимдан беихтиёр ёшлар оқа бошлади, тилим айланмасди. Пири комилнинг дуосини олиб, Аллоҳга шукроналар айтиб, уйга соппа-соғ қайтдим. Аста-секин менга одамларнинг дардлари, гуноҳлари кўрсатила бошланди. «Шуларни даволайсан», деган буйруқ кела бошлади. Бу қандай синоат, отам менга давола демадилар-ку, ахир? Бир оз ўйланиб юриб, яна Тўхтабой отам олдиларига бордим. Улар кулиб:

— Нега дарров келдинг? — деб сўрадилар. Менга даволаш буюрилаётганини айтдим. Улар:

— Даволайвер, сенга бу берилган, лекин кўп қийин иш, — деб яна дуо қилиб жўнатдилар.

Йўлма — йўл кўз ёшларимни тўхтатолмасдим, ўзим бир гуноҳкор банда бўлсам, Аллоҳ таоло бу улуг насиба билан сийлагани, шунга муносиб кўрганидан ичимга сизмасдим.

Ҳозирда нажотталаблар келиб турибди, уларнинг қалбига қарайман, қалби тозалари мени сўзларимни тез қабул қилишмоқда. қалби ёпиқларнинг қалбини очиш мушкул экан. Аллоҳ таоло бундай бандаларига инсоф берсин.

Бир бемор беш кун мобайнида мен ўқиган сура, оятларни тинглаб сеанс олди, кейин эшитдим: оддий сураларни ўқир экан, ихлос қилмадим, дебди. Шунга ўхшаганларга айттим келади: Тангри таоло изн берди,

ўқилаётган сураларнинг кучини берди, касалларнинг шифосини бериб турибди, ер юзидаги яратган бандаларининг эгаси ўзи, эгамиз Холиқул таолога ихлос қилинг!

Мен бир қабрни кўрдим, майитнинг тилини катта илон тишлаб турибди. Менга тушунтирилдики, бу қабр бадфеълларнинг қабри, демак, ёмон феълли одамларнинг қабрида илон ётар экан. Қабрга бормай туриб феъллингизни ўзгартиринг, шунда яшашингиз бошқача бўлади, ейиш-ичишингиз, кийинишингиз ҳам ўзгача тус олади. Қалбингиздан ҳасад, гина, ёмонлик кетади, шайтондан узоқлашасиз, юрагангиз бўшайди, фақат Аллоҳ севгиси киради.

Китоб ўқинг! Китобдан кўп нарса оласиз, ҳикматларни ўқинг, шундагина қулфланган қалбингиз очилади.

*Матлуба Мансурова,
Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри*

НУРЛИ ҚўЛЛАР МУЪЖИЗАСИ

Менинг узоқ йиллардан бери бошим қисилиб, ошқозоним куяди, ҳолсизланиб, уйқумда ҳам ҳаловат қолмаган, еб-ичишим сустлашган, овқатланмаган пайтларим кўп бўлиб, уй-андуҳ ўз домига тортган эди. Ҳамма нарсадан кўнглим совиб, керакмас нарсаларни муаммо қилиб, ўзимга дард орттириб, 10 йилдан бери нимага бундай бўлаётганини билмай келаётган эдим. Бориб кўринмаган, эланмаган жойим кам, десам адашмаган бўламан. Ўз олдимга шундай мақсад қўйдимки, нима қилиб бўлса ҳам қандай дард эканини аниқлайман деб сарсон-саргардон бўлиб, сўраб-суриштиришдан асло тўхтамадим. Аллоҳ таолога шукроналар бўлсин мақсадимга йўл очиб берган, тушимда авлиё Кечирмас ота даргоҳидан шифо топишимни, кимдир менга айтди ва ниҳоят, менга ёпишган қандай дард эканини шу табаррук авлиё Кечирмас бобом зиёратгоҳида Тўхтабой отам аниқлаб

бердилар. Шу ерда шифо топа бошладим, иштаҳам ва уйқум яхши, иш қобилиятим тикланди, ҳар нарсага қизиқишим ортиб борапти, қисқаси, мазмунли гўзал ҳаётта яна қайтапман Аллоҳ таолонинг ризолиги билан, десам адашмаган бўламан. Парвардигори оламга мингдан-минг шукр қилиб, авлиё Кечирмас бобомга ва мулла Тўхтабой отамларга қуллуқ-шукронамни умрим охиригача айтаман ва қўлимдан қандай яхшилик келишини, меҳр-саховат кўрсатишимни ўзи насиб айлағай. Чунки битмас-туганмас мўъжиза, бахт, шифо, соғлиқ шу табаррук авлиё Кечирмас бобом даргоҳидадир.

— Буни шундай таърифлагим келарди:

Ўн йилки, дардимни ҳеч ким билмади,
Билса ҳам бир кимса кўзга илмади.
Бировлар жодунинг этагин тутди,
Шайтоннинг олдида ҳақни унутди.
Даво тополмадим, дард мени ютди.
Инсофу диёнат қасрини қурдим,
Аллоҳнинг амрига анча йўл юрдим.
«Кечирмас» бобомнинг зиёратгоҳи
Қучоғин кенг очди қутлуг даргоҳи,
Саодатта элтди илтижо роҳи.
Тўхтабой отанинг нурли қўллари,
Иймон, эътиқодга тўлган диллари,
Ўқиган ҳар дуо, Қуръон ояти —
Яратган эгамнинг чин инояти,
Ўн йиллик дардимдан пок, халос этди.

*Азим Бекчонов,
Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани,
Чақирчи маҳалласи*

ШУКРОНАЛИК

Бу хотирани 2011 йил, 22 мартда ёздим. Кечирмас ота зиёратгоҳига умр йўлдошим билан биргаликда келганмиз. Мен 1976 йилдан буён ҳеч тушуниб бўлмас

касаллик билан касалланганман. Бошим ва қулогимда гувиллаш бор, юрагим сиқилади. Елка қисмим жуда қаттиқ толиқади. Бу дард менда ўрта мактабни тамомлаганимдан кейин бошланди.

Ўқишга жуда қизиқардим, мактабни ҳам аъло баҳоларга тугатдим. Мен ҳам тенгқурларим каби институтда ўқишимга уйдагилар қаршилиқ қилмайди, деб умид қилдим. Бироқ уйдагилар жуда қаттиқ қаршилиқ кўрсатишди, олий мақсадим йўлида ёшлиқ қилибми, ё кўрқиб, андиша қилибми, ишқилиб кураша олмадим. Шунда мен жуда қаттиқ тушкунликка тушиб қолиб юқорида айтилган касаллик бошланди. Шундан мен асосан асаб касалликлари (невропатолог) врачларга ҳам кўриндим, турли аппаратларга тушдим, лекин ташхис йўқ. Кейинчалик СамДУни сиртдан тамомладим, касалим бир оз чекинди, бироқ бутунлай эмас.

Иримда шундай дард ҳам бор экан, деб тақдирга берганимда, бирдан бир ҳожи ота менга аликқалъада Кечирмас ота деган азиз жой борлиги ва кароматгўй Тухтабой ота ўзларини мўъжизавий таважжуҳлари билан нажот истаб келганларга Аллоҳдан шифо сўраб бераётгани, агар гуноҳлари кам бўлса, шифо топаётганлигини эшитиб, шифо излаб келдик.

Бу табаррук қадамжога келишни ният қилиб юрганимизда, бир кун кечаси тушимга бир нуроний киши кирди ва сени дардинг шундаки, миянгни моғор босиб кетибди, деб, чап кўзимнинг юқорисидан ўша моғорни суғуриб олди. Турмуш ўртоғимнинг оёғидан эса уч-қуйруғи йўқ бир нарса чиқиб шу ерга келгунча у нарса ёрилмади, фақат оғриқ бериб бораверди. Унда талоқ йўлларида шамоллаш ва бош оғриғи бор эди. Кечирмас отага келиб, кароматгўй инсон Тухтабой отага келиб таважжуҳга кирганимизда менинг руҳиятимда бирдан енгиллик сезилди. 3-сеансда хотинимнинг оёғидаги иллат ёрилиб, суви чиқиб кетди. Шу билан барча дардлари чиқди, деди Тухтабой ота. Яратганга ҳамду санолар бўлсинким, "Кечирмас ота" шарофати

ва шафоати ҳамда кароматгӯй Тӯхтабой отанинг
муъжизавий кароматлари туфайли бизлар неча йиллик
дардлардан фориг бўлдик, руҳимиз тозаланди. Юртимиз
ва халқимиз бахтига Тӯхтабой оталар омон бўлсинлар,
умрлари узоқ бўлиб фарзанд-у набиралари ҳузурларини
кўришсин.

Кимки андуҳлардан ғам чекса бот-бот,
Қалби ҳақ йўлидан бўлганида ёт,
“Кечирмас ота”ни зиёрат этсин,
Шунда қалб кўзлари очилур албат.

Бу юрт авлиёлар бешиги азал,
Ёғий очолмаган эшиги азал,
Зукко кароматгӯй зотлар туфайли,
Эли дардсиз – ҳаёт ошиги азал.

Ажиб бир манзара маскану маъво,
Кечалари нурли, бирам хушҳаво.
Руҳинг тозаланар келганинг онинг,
Отам каромати минг дардга даво.

Товуслар товланар салмона юриб,
Оҳуси тин олар югуриб-елиб,
Тоғ беги — бургутнинг боқишида чўғ,
Мардлигин намоён этар керилиб.

Улуғ бир жой экан “Кечирмас ота”,
Шарқироқ сой экан “Кечирмас ота”,
Дардларига шифо излаб келганнинг,
Қалбида жо экан “Кечирмас ота”.

*М. Собиров,
ўқитувчи, Самарқанд вилояти, Ургут тумани*

ВАҲИМАНИ ЕНГИШ

Менинг қизим Мадина адаси оламдан ўтгандан кейин ваҳимага тушадиган бўлиб қолди. Докторларга, руҳшуносларга, азайимхонларга олиб бордим, олдинига тузалиб кетди, вақт ўтиб яна бошланди. Қизим хафа бўлиб бир таниш, яқин дугонасига мушукулини айтибди. У эса Жиззахдаги бир таниши худди шунақа касал бўлгани ва даво топганини айтибди. Қизим шу одамнинг телефон рақамини олиб шу заҳоти унга қўнғироқ қилди ва гаплашди, яхши шифо топганлигини айтди. Қизим билан унинг фарзандлари таътилга чиқиши билан йўлга чиқдик ва манзилга етиб бордик.

Тўхтабой ота ҳузурига етиб келиб, у кишидан нур таралиб турганини кўриб, қизимни ҳузурига олиб келганимни айтдим. Даво олишни бошладик.

— Яхши бўласан, — деди ота қизимга. Сўнг: — Нега азайимхонга бординглар, — деб сўради. Бу нарсалар қизимнинг аҳволини оғирлаштирган экан. Ўзим ҳақимда, яъни касалликларим тўғрисида айтди. У киши даволаш пайтида биринчи кун менда умуртқа поғонамда шиш борлигини айтди. Ҳақиқатдан ҳам бу касаллик билан уч йилдан бери азоб тортаман. Иккинчи кун эса менда қон босими касаллиги борлиги ва жигарим безовта қилишини айтди.

— Сенинг ўзингда касалик кўп, сен эса қизим касал дейсан, — деди.

Мен ҳайрон қолдим: ўзим ҳақимда ҳеч нарса айтмагандим, у киши ҳаммасини ўзи айтди. Қизимга эса “Бўлди, энди ваҳима касалинг чиқиб кетди”, деди. Қизим туфайли мен ўзим ҳам шифо топдим.

*Матлуба опа,
Тошкент шаҳри, 21 март 2011 й*

ТАРҚАЛГАН ҚОРА БУЛУТЛАР

1979 йили турмушга чиқдим, аввал богчада, кейинчалик Фаргона ип-газлама тўқимачилиги фабрикасида ишладим, 4 нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим Қува туманида ветеринар бўлиб ишлайди.

1998 йили тўсатдан чап кўкрак қисмимнинг елка тарафига ўрик данагидек без чиқди. Қўрққанимдан дарров докторга учрашдим. Кичик жарроҳлик йўли билан олиб ташлашди. Гистология натижаси чиққанидан сўнг бир курс муолажа олдим ва жавоб беришди. Мен химия терапия муолажаси олиш истагим борлигини айтдим. Улар бунга зарурат йўқ деб, муолажа қилмадилар.

Олти ой ўтиб касал яна такрорланди. Яна кичик жарроҳлик йўли билан олиб ташлашди. Бу сафар ҳаттоки муолажани ҳам уйда қилишга тўғри келди. Дори-дармон тавсия этдилар. Бу ҳол 3 марта такрорланди. Ҳар сафар гистология натижаси яхши чиқаверди. Шу орада 10 йил ўтди. Яхши юрган эдим, охириги операциядан кейин жароҳат ўрни тўсатдан шишиб қолгандай бўлди. Мен докторга бормай, қутулдим деб ўйлаб юраверибман.

Биз аёллар токи оғир ҳолат юз бермагунга қадар дардимизни эътиборга олмаймиз. Ўзингни эҳтиёт қил, оғир иш қилма, дейишларига қарамай оғир ишларни қилаверамиз. Фарзандимиз иккита, иккови ҳам талаба, уларни ўқитиш керак, ҳаракат қилайлик, болалар катта бўлди деб, анча деҳқончилик ишларини қилмоқчи бўлдим. Бир отангнинг топишига қараб ўтирсак бўлмайди, деб астойдил ҳаракат қилдим. Менинг касалимга иссиқ ёз ҳарорати салбий таъсир қилди. Иссиқда зўриқиб иш қилиш мумкин эмас экан. Мен соғ юрган бўлсам, қандай қараб тураман, деб ҳаким кўригига боришни унутибман.

Хуллас, унданми ёки тасодифданми, билмадим, 2008 йили февраль ойида яна Фаргона вилояти онкология шифохонасига даволаниш учун бордим. Бу сафар менинг касаллик варақамга "Саратон" деб таъхис қўйишди. Бу

жуда огир нарсa эди. Энди бу сафар каттароқ жарроҳлик операцияси ўтказилди ва 8 курс химия терапия муолажа ўтказилди.

Орадан бир ярим йил ўтгач, оёғимда, қулогим орқасида яна шиш пайдо бўлганди, дарров докторга бордим, яна 3 курс химия терапия... Химия терапия шундай азоблики, жудаям қийналиб кетдим. Қон босими туфайли кўзларим хиралашган, чап томон қўлим огрийди, 3 килограммдан ортиқ юк кўтарсам, юрагим уриб кетади. Хуллас, давлат бекорга нафақа бермайди. Ҳамма нафақа пулим дори-дармонга кетди.

Бир кун яна ҳар галгидай тумандаги шифокорим Саримсоқов Валижоннинг олдига бордим, у ўзимни уринтирмаслигимни ўқтира-ўқтира имтиёзли доридан берди. Анализ натижасига кўра яна бошқа дори – дармонлар ҳам тавсия қилиб, вақтида ичишни, уколлар олишни буюрди. Шунда чарчаб уйга келдим, келиним мен йўқлигимда акам келганини ва улар бир китоб бериб, ўқиб чиқишимни тайинлаб кетганини айтди. Баъзан ўз дардим билан бўлиб ҳеч нарсa билан ишим бўлмасди. Соғлиқнинг қадрига бошинг ёстиққа борганда етишингни ўйлаш жуда азоб экан.

Китоб ўқишни яхши кўраман, шунинг учун акам ҳам, аям ҳам баъзида яхши китоб бўлса менга бериб юборадилар. Уларнинг ўғиллари Нодирбек ҳам шундай қилади. Китоб менинг учун яхши ўртоқ, яхши дўст, ақлли суҳбатдош, маслаҳатчи, хуллас, Нодирбек Абдулаҳадов қувалик иқтидорли тарихчи олимлардан. Мен у билан фахрланаман. Яқинда Ғайбулла ас-Саломнинг “Эй умри азиз” номли бир китобини берди. Шундай зиёли, ажойиб инсон, шундай буюк қалб ва илм соҳиби билан хаёлан суҳбатлашиш нақадар яхши. Шундай инсонлар бор экан, ҳаёт янада гўзаллашаверади, яна яхшиланаверади.

Нодирбек: “Яқинда янги китобим чиқади, ўқийсиз энди” деди. Матлубахон бир китоб берди, мен ўша янги китоб шу бўлса керак, деб ўйладим. Китобни қўлимга

олиб муаллифига кўзим тушди — Ҳакимжон Мадраҳимов. “Эликқалъа муъжизаси”. Акам тезроқ ўқишимни нега истади экан, деб ўйладим. Ошхонага кирдим, чой-пой ичдик, олиб келган дориларимни сут билан ичдим. Унгача пешин вақти бўлди. Қизларга мени безовта қилманглар деб, китоб ўқимоқчи бўлдим. Қон босимим ошган, ҳолим ёмон. Қўлим оғрияпти, озгина ўқиб дам олмақчи бўлдим. 3—4 варақ ўқигандан сўнг шундай берилиб ўқидимки, ҳатто уйқум ҳам келмай қолди. Рисоладаги берилган жами лавҳалар шундай чиройли эдики, мени борган сари ўзига тортар эди. Кўз ўнгимда ажиб бир видео тасмадай бир-бир намоён бўлаверар эди. Юртимизда шундай азиз-авлиёлар, шундай табаррук инсонлар яшаб ўтганликлари ниҳоятда қувонарли. Баъзи бир жойларини йиғлаб ўқидим. Бунақанги зиёратгоҳ бизнинг Ўзбекистонда эканидан фахрландим. Юртбошимизнинг зиёратгоҳларга, улут сиймоларга қилаётган эътиборларидан ажиб фахр туйғусини ҳис этдим.

Тўхтабой отанинг ҳамма қилаётган хайрли ишларидан ҳам миннатдорман. У киши менга ўхшаган қанчадан-қанча инсонларга Аллоҳнинг амри билан ўз дарду ҳасратларидан фориғ бўлишига ёрдам бераётган экан, у кишига ва сиз мухлисларга мустақкам соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик, қилаётган хайрли ишларингизга Аллоҳдан баракот тилайман.

У кишининг ҳаёти ва қилаётган ишлари шундай берилганки, ўша ерда кўриб тургандай танишиб чиқдим. Юрагимда бир ният — ўша жойларга бориш. “Увайс бобо”, “Кечирмас ота” зиёратгоҳларини ва Тўхтабой ота ҳузурига бориб дуо олиш истаги ғалаён қилди. Лекин ўзимга-ўзим мен қандай бораман, ҳатто машинада олиб борсалар ҳам чарчаб қоламан, деб ўйладим. Китобнинг 10 варақчаси қолди ўқилмай, эрталабгача, акам китобни олишга келганда эрта тонгда ҳовлидаги сўрига ошхонадан 2 пиёла ва чойнақда чой келтирувдим, акамни кузатгач, 2 пиёла ва чойнакни ошхонага олиб кетаётганимда бир

куч келиб мени итариб юборгандай бўлди, ҳовлида бетон ётқизилган ерга юзим билан йиқилиб тушдим. “Ўҳ, энди менга бир нарса бўлди, қўлларим, белим, оёқларим суяги синиб кетди, тақдир шундай экан-да, барибир бир кун ўламиз”. Шундай фикр билан анча ётиб олдим, уйда ёрдам берадиган ҳеч ким йўқлигини билиб, кўмакка бировни чақирмай ётавердим. Қани қўлимнинг қайси ери синибдийкан, деб ўнг қўлимни қимирлатиб кўрдим - қимирлади, чапи ҳам қимирлади. Э, оёқларим синган бўлсам, аста қимирлатсам – ишлади, иккинчиси ҳам. Демак, белим синибди, деб ётган жойимдан аста қимирлаб кўрган эдим, белим яхши.

Секин туриб ошхона зинасига ўтирдим. Ё Аллоҳ, ўзингга шукр келтириб, акам айтганди, китобнинг таъсири бор, деб шу эканми, дея ўйладим. Китобни ўқиб бўлмаган варақларини ўқий бошладим ва ниҳоят охирги бетига келиб ўз-ўзимдан чуқур-чуқур нафас ола бошладим, бошим тепасида ичимдан чиқарган нафас қора булут бўлиб тупланди. Сўнгра булут катталаша бориб учиб кетди, ўзимни енгил ҳис қилдим, во ажаб, мени шунча йилдан бери қийнаб келаётган оғриқ ичимдан аста-аста булут бўлиб чиқиб кетди-я. Бу бўлиб ўтган ҳодисани мен мўъжиза дегим келади. Бу йиқилиш менинг тузалишимга сабаб бўлишини қаердан ҳам билибман. Юқоридаги воқеаларни муаллифга сўзлаб бераётганимда, у киши "Агар яна китоб ёзиш менга насиб қилса, хотираларингизни унга қўшсам, розимисиз, Ҳикоят?" деганларида йиглаб юбордим. Йиглаганимни сабабини сўрадилар, ахир, хурсандман мени ҳам номим китобда ёзиларкан, бу дунёда мана эллик йил умр кўрдим. Номим қолмай кетадими деб койирдим, Яраттандан сўраб юардим, менинг ўзим китобда баён қилинган шифо талабларни номларини дуо қилаётирман, мен оламдан ўтиб кетсам менга ўхшаган инсонлар ҳам мени эслаб дуо қилишади-ку.

Ушбу шукроналар қогозга ёзилаётган вақтда 2010 йил 26 март – 2 апрель кунлари "Кечирмас ота" зиёратгоҳида

касалларимдан тозаланмоқдаман. Аллоҳ таоло касалликни маълум қисмини танамдан чиқариб юборган экан, қийналмай етиб келдим, ҳар кун ҳар соат енгиллашиб бормоқдаман.

*Ҳикоят Абдулаҳатова,
Фаргона вилояти Қува тумани,
Янгичек қишлоғи*

САБАБЧИГА МИНГ РАҲМАТ

Мен 2010 йили 16 август кун Россиядан қишлоғимга келдим. Орадан 10 кун ўтиб ўнг қўлим оғрий бошлади, "Зилол" санаторийсига бордим. Володя Тренеровга учраб ўзимни УЗИдан ўтказдим. Жигарда қорайган жойи бор экан. Укол, таблетка даволай олмайди, фақат операция йўли билан тузаласан, жигарни ўнг томондан олиб ташланса, яъни 25 см олинади, жигар ўсувчан, тез орада ўз ҳолига қайтади, деди. Мен у кишига ишонмай, вилоят клиникасига бориб, у ерда ҳам томография қилдирдим. Ҳамшира қиз вилоят онкология бўлинмасига учрашимни айтди. Мен у қиздан касалим жиддийми, деб сўрадим. У қиз тўғриси айтди.

Онколог врачга учрашиш учун олдинда бир неча киши бор эди. Навабатим келгач, карта очтирдим ва врач ҳузурига кирдим. Врач пленкани олиб юзимга жиддий қаради: "Касал ким", деб сўради. "Касал менман" дедим. У киши менга "Ҳозир профессор дам олишда, сиз Тошкентдаги онкология илмий ишлар бўлимига учранг", деди.

– Доктор, касалим шунчалик оғирми? – деб сўрадим.

– Орқангизда яна бир киши билан келганингизда уша кишига айтардим, – деди.

Пленкани олиб яна Володяга бордим. У операция билан тузалишимни айтди. У танишининг исмини ёзиб берди. Йўлга чиқдим, эрта билан Тошкентнинг Талабалар шаҳарчасидаги Онкология шифохонасига бориб у одамга учрашдим, у анализ толширишимни

айтди, икки кун анализ топширдим ва палатага ётқизмоқчи бўлувди, эски ТошМИга бордим, Ўринбой исмли ассистентга воқеани баён қилдим, у киши касалликлар кўп, ўйлайверманг, деб палатага олди. Эртаси куни томография бўлимига бордик. Уч кун утиб Ўринбой хотинимга операцияни қила олмасликларини, Чилонзорда Шавкат акага учрашишимиз зарурлигини айтибди. У одам тўловни амалга оширмасдан туриб муолажани бошлай олмасликларини айтди. Тўлов 1. 870. 000 сўм бўлар экан. Уйдан пул келди, акам 2. 200 минг олиб келди ва "Пул кетса кетсин, ўзинг соғ бўл", деди.

Мен Россияда яшаб турган яқин кишимга факс орқали анализларимни жўнатдим. Душанба эрталаб "Россияга кел, операция қилар экан", деди у. Сешанба куни Намангандан самолётда Екатеринбургга учиб бордим. 40-касалхонада анализ топширдим, организмни тозалаб, эртаси рентген пленкасига олишди, рак эканлигимни айтишди. Мен ишонмадим. Екатеринбург онкологи Татьянага учрашдик ва бешта клиникага қон топширдим, ҳамма қон анализим тоза экан. Онкологияда мени операция қилишди, улар яқинимга жигаримнинг қорасини олиб ташлашнинг иложи йўқлигини айтиб, қайта тикиб қўйишди. Ўзбекистонга қайтдим ва беш ой парҳез овқатларни еб юриб, ўзимни яхши ҳис қилдим. "Омонхона" санаторийсида дам олиб, сўнг 9 кун уйда бўлдим.

Божам Аъзам Мирзаевдан "Кечирмас бобо" тўғрисида эшитиб, ичимда шу даргоҳга келиш ихлоси ортди ва ниҳоят иккимиз кўп ўйламай етиб келдик.

Тўхтабой ота билан учрашганда, ота: "Яхши етиб келдингми, ўзим келишларингни кузатиб турдим", дея қарши олди. Ота: "Касалинг оғир, оғриқ жуда қаттиқ кечади, чидасанг, касалингни оламан, бўлмаса орқангга қайт", деди. Жуда қаттиқ шарт қўйди. Ҳақиқатдан оғриқ кучли кечди, бир ўлиб, бир тирилдим. Ота касал жигарда эмас, ошқозонимда эканлигини, оёғимнинг шишгани

сийдик танага тарқалгани, ошқозонда ҳам ортиқча сув борлиги, аста чиқиб кетишини айтди.

2 июнь куни кечқурунги муолажада ота оёғимни панжаси билан босиб кўрди, панжа изи чуқур ботди иккала оёғимда ва у киши “Худо хоҳласа, тузаласан, кризисдан энди ўтдинг”, деганди, ўзимни яхши ҳис қилиб, енгил нафас олдим.

*Жуманазар Мингбоев,
Денов тумани, Аргун қишлоғи*

АЧЧИҚ ДОРИ ЎРНИГА ЕНГИЛ ШИФО

Шўрчи туманидаги синглимникида бўлганимда Донохон аммамиз авлиё “Кечирмас ота” таассуротлари ҳақида жўшиб гурунг бераётганини эшитиб, қайта-қайта савол бердик. У бизга анчадан бери касалликка чалиниб, яхши юролмай қолганидан Эллиқалъада “Кечирмас ота” таассуротлари ҳақида тулқинланиб сўзлаб берди. Отанинг даволаш усуллари ва зиёратлар қилганини, шифо топиб, яхши бўлиб қолганлигини айтганда, ич-ичимда мен ҳам зиёратгоҳни ҳавас ва ният қилиб қўйдим. Сабаби 5—6 йилдан бери менда камқонлик, оёқ, бел огриги кучайган эди. Янги йилдан кейин бир врачга кўриниб, доктор таххиси бўйича даволанишни бошлаган эдим.

Дори олиб қайтаётиб, маҳаллада маслаҳатчи бўлиб ишлаётган Муҳаббат янгамни кўриб қолдим. Янгам “Кечирмас ота” зиёратига жўнаётган экан, “Борсангиз, юринг”, дедилар.

Бир томондан дардимга шифо, иккинчи томондан юрагимнинг туб-губига сингиб кетган орзу-армонлар, болалар ва невараларимга бахту саодат, комиллик, соғлиқ, тинчлик сўраш, элимга, юртимга тинчлик-осойишталик, тўкинлик, фаровонлик сўраш ниятида йўлга чиқдик.

Ҳаво жуда совуқ бўлишига қарамай, ният қилиб, йўлга тушдик, автобусда кечроқ етиб келишимизга қарамай, йўлда яхши одамларга дуч келдик, ёрдамлашишди, жой беришди.

Ҳурматли юртбошимиз айтганидек "Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда" дир. Ҳар биримиз Тангридан илтижо қилиб шифо излаб келганмизки, мушкулимизни осон айлашини сўраб, авлиё "Кечирмас ота" даргоҳига яқинлашдик.

Бу ерни барпо этиб, ободонлаштирган, кишиларни даволаётган Тўхтабой ота ҳақида, уйда Наргиза жияним ҳам у кишининг кароматлари ҳақида ажойиб фикрларни сўзлаб берганди.

Зиёратгоҳга кириб борганимизда Тўхтабой ота эрталабки таважжухни бошлаган экан, "Кечирмас ота" (мақбаралари) зиёратгоҳини ихлос билан зиёрат қилдик. Эшик тагида отани кўриб турибмиз. Хаёлдан ўтмаган нарса қолмади. Бизни қабул қилармикан? Ва ниҳоят, тушдан кейинги таважжухга қатнашдим. Муолажа хонасига барваста қоматли, юзидан нур ёғилиб турган, оқ-сарикдан келган, жиддий қиёфадаги Тўхтабой ота кириб келди.

Хонадагилар билан бош ирғаб саломлашди, оят ва суралар келтириб, қайта-қайта дуолар ўқиди, ўтирганларнинг қаери қандай оғриётганини, кимда нима қийнаётганини айтар эди.

Сўнгра ҳар бирининг икки кураги ўртасини пасттача тўрт – беш шапатилаб уриб ўтар, оғриган жойи, бошими, оёғими шапатилаб уриб қўярди.

Ота таважжух давомида ўтирган аёллар, эркак биродарларга инсофли, диёнатли, ҳақ-ҳалол, касб-ҳунарли бўлишга даъват этар, ишонарли, қизиқарли далиллар билан тушунтирарди.

Уч кун давомида таважжух ва зиёратлар жараёнида ўзимни жуда енгил ва бақувват сеза бошладим. Тўхтабой отага туганмас куч-қудрат, матонат, ҳамиша бардамлик тилайман!

*Нусха Муҳаммадиева,
Сурхондарй вилояти,
Узун тумани, 19 - мактаб ўқитувчиси.*

ДУОХОНЛИК — ЖОДУГАРЛИК

Сеҳр-жоду, макр-ҳийла, дуохонлик билан шугулланиш катта гуноҳ эканлигини кўпчилик яхши билади. Айниқса, домлалар бу ҳақда кўп ваъз айтишади. Фолбинлик, ирим, сеҳр-жоду, бировга дуоибад қилиш исломда қаттиқ қораланади. Шунга қарамасдан, бугунги кунда фолбинлар, сеҳр-жоду билан шугулланувчилар, дуо қилувчилар ва дуо қилдирувчилар кўпайиб бораёпти.

Одатда, фолбинлар ўзларининг фаолиятлари билан чегараланиб қолишмайди. Улар кўпроқ шогирд тайёрлаш пайида бўлишади ва мумкин қадар кўпроқ одамларни ўз таъсирларига тортишни мақсад қилиб қўйишади. Айниқса, аёллар ўртасида фолбинликни касб қилиб келинларни, турли иримларга ишонадиган ҳамда ҳаётнинг ҳар хил синовларига дуч келган одамларни йўлдан оздиришяпти.

Афсуски, кенг тарқалишда дуохонлик ҳам фолбинликдан қолишмаяпти. Дин арбоблари – домлалар сеҳр-жоду, дуохонлик ислом динида қаттиқ қораланганлиги ҳақида қанчалик кўп ваъз айтишаётганлигига қарамасдан, уларнинг ўзлари (айримлари) бу “касб” билан тобора кўпроқ шугулланаётганлигига нима дейсиз? Бу уларнинг мунофиқлиги эмасми? Тўғриси, очкўзлик уларни шу кўйга солмоқда. Айрим ноинсофлар фақат “иссиқ-совуқ” билан шугулланибгина қолмасдан, турли адашган, ҳаёт синовига дучор бўлган одамларга “таскин” бериб, уларни “душманингдан ўч олиб бераман”, “бошлигинг айтганингни қиладиган бўлади”, “мартабага эришасан”, “ишинг юришиб кетади”, “мушкулинг осон бўлади” қабилида дуога тортаётганликлари ҳам бор ҳақиқат. Сўзсиз, дуохонлар бу юмушни катта пул эвазига бажаришади.

Энди сеҳру жодуга ишониб ва берилиб, дуохонларга бориб дуо қилдирувчи одамларга келсак, уларда ҳасад кучли бўлади, бировни кўролмаслик, бировдан ўч олиш,

бировнинг бошига тушган ташвишдан қувониш, ўз мақсадига бировнинг фожиаи орқали эришиш истаги уларнинг қалбини ўртади. Оқибатда, бу оловни сундириш учун дуохонга йўл оладилар. Дуохон эса, ёвуз ниятнинг, яъни "буюртма"нинг катта-кичиклигига, "аҳамият"ига қараб ҳасадгўй билан савдолашади. Энг даҳшатлиси шуки, ўша пайтда савдолашаётган томонлар бунинг касофати бир бегуноҳ одамга уришини, охир-оқибатда ўзларига қайтишини хаёлларига ҳам келтиришмайди.

Тўхтабой ота Болтабоев Аллоҳ берган қобилиятни тақво ва поклик билан авайлаб сақлаб, ўзини одамларни сеҳру жоду, дуо ҳамда огир дардлардан халос қилишдек савоб ва саховатли ишга бахшида этган. Ўзбекистон халқ табобати академияси илмий кенгаши Тўхтабой Болтабоевга руҳий табиб сифатида фаолият олиб боришга рухсат берган. Академиянинг гувоҳномаси шундан далолат бериб турибди. Аслида, Тўхтабой аканинг умр йўлдоши Амина опа ҳам Аллоҳ берган шундай ноёб қобилиятга эга. Улар Кечирмас бобо зиёратгоҳидаги ўз уйларида ҳар куни 12—15 соат мобайнида одамларни қабул қилишади. Куни билан келаётганларнинг кети узилмайди. Сеҳру дуодан халос бўлиб, дарддан қутулиб, руҳи тетиклашиб кетаётганлар эса сон-саноқсиз. Мен бу ерда бир неча бор бўлганим учун юзлаб ана шундай одамлар билан суҳбатлашдим, айримларининг келгандаги огир ва кетиш пайтидаги енгил ҳолатларини кузатдим, бу ердаги меҳрибонлик, саховатпешалик ва бепул ҳамда беминнат хизматнинг гувоҳи бўлдим.

Мен мўътабар инсонлар — Тўхтабой ака ва Амина опа билан кўп марта мулоқотда бўлдим. Тўхтабой ака пайгамбар ёшидан сал ўтган, юзи нурли, фариштаси бор, бироқ нигоҳи ўткир, қатъиятли, гуноҳингизни юзингизга айтадиган инсон. Фақат савоб иш қилишдан, саховатдан, ҳалолликдан, покликдан гапиради, етим-есирларга ва бева-бечораларга мурувватли бўлишни,

садақани шуларга беришни айтади, тавба қилишга ва гуноҳ ишлардан тийилишга чақиради.

Ҳақиқий ўзбек аёли учун қандай ижобий хислатлар, миллий хусусиятлар зарур бўлса, ҳаммаси Амина опада бор. Жуда самимий ва камтарин, оқила ва меҳрибон. Эр-хотин бу ажойиб инсонлар билан суҳбатлашсангиз руҳий ором оласиз, дунёни бошқача англайсиз, ҳаёт синовларига бардошли бўласиз, ҳалоллик ва поклик билан дўстлашасиз, Яраттани яхшироқ танийсиз.

Менинг улар билан бу сафарги суҳбатим сеҳр-жоду, дуо ва дуохонликнинг оқибатлари ҳақида бўлди. Мен бу суҳбатнинг мазмунини ошкор қилиш билан сеҳр-дуонинг жабрини тортаётганлар қалбида ундан халос бўлиш учун умидворлик уйғотиб, бошқаларни ҳам бундан огоҳлантиришни зарур, деб билдим.

– Бировнинг бировга ёмонлик истаб, ҳасад қилиб, кўролмасдан қилаётган дуолари оқибатида турли хасталиклар кўпайиб бораяпти, – дейди ташвиш билдириб Тўхтабой ака. – Баъзан ҳаётдан тўйган, вужудларини ёвуз кучлар сеҳрлаб олган йигит-қизлар, таналарида ўсма ўсиб кетган аёллар, тўйдан кейин бир-бирлари билан қовуша олмаган келин-куёвлар келишади. Улар дуонинг таъсирида шундай аҳволга тушиб қолишган. Уларнинг аҳволини кўриб жуда ачинаман. Аллоҳдан мушкулларини осон қилишларини сўрайман. Хўш, нега ёмон ниятли одамларнинг буюртмаси билан дуо қилиб бераётган мунофиқ домлалар бошқаларни азобга қўйиш билан гуноҳга ботишдан қўрқиб қўймайди?! Мен шу ҳақда кўп уйлайман ва халқни шундай муллалардан ҳамда отинойилардан эҳтиёт бўлишга чақираман.

– Айниқса, никоқ тўйларида ёш келин-куёвларнинг йўлини боғлаш учун дуо қилаётганларни мутлақо одам, деб бўлмайди. Бировнинг бахтсизлигидан ёки гап-сўз бўлишидан қувонадиганларнинг, айтинг-чи, ҳайвондан нима фарқи бор, – дейди куйиниб Амина опа. – Бизга шундай келин-куёвлар кўп келяпти. Бу – катталарнинг

иши, ҳасаддан, ғараз ва араздан қиз ёки йигит томонни шарманда қилиш учун шундай қабихликка боришади. Бу қайтар дунё, ким бировнинг фарзандига ёмонлик қилса, охир-оқибатда қилган бу ёмонлиги унинг ўз фарзандига қайтади. Бундай тубанликка кўпроқ аёллар мойил бўладилар. Яъни, улар сеҳр-жоду ва дуо қилдиришга берилувчан. Бироқ, барибир, улар пул учун гуноҳ ишлардан ҳам қўрқмайдиган мулла-домлалар билан боғлиқ.

Суҳбатни Тўхтабой ака давом эттириб дейди:

– Келаётган касалларнинг кўпи аёллар. Фолбинларга, ҳар хил зоҳири мулласифат кишиларга боравериб, дуо қилдиравериб, ўз мияларини, ўз руҳларини ўзлари боғлатиб ташлашган, бутун баданларида эса ўсма ўсиб кетган. Хаёллари жойида эмас, ҳаётдан умидларини узишган. Улар дуодан, сеҳр-жодудан тозаланганларидан кейингина ўзларига келишяпти ва қаерга, кимга, нима мақсадда боришганини очиқ айтишяпти. Баъзилари пушаймон бўлишяпти ва тузалиб кетишганидан кейин гўгри йўлни танлашяпти, баъзилари эса иродасизлик қилиб ёки шайтоннинг йўлини танлаб яна фолбинлар ҳамда сеҳр-жоду билан шугулланувчи нопок кимсалар тузоғига тушиб қолишяпти.

– Наркоманияни офат, дейишади, лекин сеҳр-жоду, дуохонлик ундан ҳам баттар офат, – дейди Тўхтабой ака сўзида давом этиб. – Ўзингиз уйлаб кўринг, одамнинг ақлини боғлаш, фикрини адаштириш, уни ҳаётдан тўйдириш, турли огир хасталикларга ва гуноҳ ишларга йўл очиш офат эмасми?! Сеҳр-жодунинг кўпайиши, дуохонликнинг кучайиши нафақат инсонлар ҳаётига, балки жамият тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам қадим замонларда сеҳр-жодуга, дуохонликка қарши қаттиқ кураш олиб борилган. Фолбинлар, макр-ҳийла ҳамда сеҳр-жоду билан шугулланувчилар, дуохонликка берилган нопок домлалар ҳисобда турганлар ва қилмишларига яраша жазоланганлар.

Тўхтабой ака ҳақ гапни айтди. Тарихий манбалардан шу нарса маълумки, қадимда сеҳр-жоду, шайтоний иш – дуохонлик билан шугулланганлар қаттиқ жазоланганлар. Ёмон ниятли одамлардан пул олиб, бировга атайлаб зарар етказиш ёки бировни гаразли мақсадга эриштириш учун дуохонлик қилаётганлардан узоқ юрайлик ва эҳтиёт бўлайлик.

Кейинги беш-ўн йилда бу офат кучайиб борди. Бутунги кунда тақво йўлини тутган ҳақиқий домлалар бу офатнинг исканжаси ва оқибатлари ҳақида баралла гапиришмоқда. Назаримда, одамлар ҳам ҳушёр тортишмоқда. Тўхтабой ака билан Амина опа бу офатта қарши бир неча йилдан бери Аллоҳ берган қобилият, куч-қувват ва имконият доирасида қатъиятлик билан курашиб келишяпти. Уларнинг кураш услубини ўтган йиллар мобайнида минглаб оддий халқ қаторида машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов, Ўзбекистоннинг бир қанча машҳур зиёлилари ва олимлари, хориж оммавий ахборот воситаларининг кўплаб вакиллари, тиббиёт ходимлари ва халқ табобатининг таниқли намояндалари кузатишди.

Мен ўз кузатишларимни қуйидаги мисолда баён қилмоқчиман. Бу ерда Муҳаббат исмли бир аёл даволанди. Касби – врач-кардиолог. Тошкентда бир неча йил севган касбида ишлаган. Муҳаббат бир куни, кутилмаганда, бетоб бўлиб қолади. Ҳамкасblари унга қандай малакали тиббий ёрдам кўрсатишмасин, аҳволи яхшиланмайди, аксинча, дарди огирлашиб бораверади. “Ўсмаси бор экан”, деб онкология диспансерига ётқизишади. Врачлар: “Касали даволаниш имконидан ўтиб кетибди...” дейишибди. Қариндошлари умидларини узишади. Шунда танишларидан бири Муҳаббатни Эликқалъага – Тўхтабой Болтабоевникига олиб боришни маслаҳат беради.

Уни бу ерга жуда огир аҳволда олиб келишади. Бу ерда унга сеҳр-дуо қилинибди, деб ташхис қўйилди.

– Қизим, мен астойдил ўқийман, бироқ шифони

Аллоҳ беради, ихлос қилгин, – деди Тухтабой ака ҳаётдан умидини узган Муҳаббатга.

Бир оз вақт ўтиб, Аллоҳ Муҳаббатга шифо берди. Бугунги кунда у ўзини яхши ҳис қилаяпти. Руҳи сеҳр-жодудан тозаланди. Бир неча кун олдин уни зиёраттоҳда учратдим. Зиёрат қилиб кетайин, деб келибди. Бироқ қалбида бир оз қўрқув бор. “Тузалганимни кўргач, ҳасад қилиб, дуохон душманим яна ёмонлик қилмаса бўлгани”, деди Муҳаббат. Унга далда бердим. Ҳали ҳам касал экан, деб гап тарқатинг, душманларингиз хотиржам бўлади, дедим ҳазил аралаш.

Дуохонлик – жодутарлик. Ундан эҳтиёт бўлиш керак. Айниқса, маҳаллаларда сеҳр-жоду билан шугулланадиган одамлар макр-ҳийласидан ҳушёр бўлинглар, азизлар!

Иброҳим НОРМАТОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

“Карвон қўнгироғи” газетаси. 51-сон (2011 йил 22 декабрь), 52-сон (2011 йил, 29 декабрь).

НАФАС ҚИСИШИ

Икки йил бўлди, нафасим қисилиб қолади. Энди 41 ёшга кирдим. Мана бу ерга икки марта келдим. Диагнозим бронхит. Янги ТошМИнинг меъда-ичак бўлимига бориб даволаниб, бир йил яхши юрдим, яна ўша азоб бошланди. Шўрчида касалхонада бу жойни эшитиб боришга ният қилдим. 2010 йили декабрида ўзимга шерик қидирдим. Алиқулов Холмирза ота бу жойдан оёғи оғриб яхши бўлиб қайтувди, юра олмай қолган ҳолатида тузалиб юриб кетганини ўз кўзим билан кўрганман. Дилмурод билан Холмирза ота ёнига бориб, отахонга “У жойни биз топиб бораолмаймиз, бизга ҳамроҳ бўлинг”, деб илтимос қилдим. Кучадан енгил машина топиб тўрт киши бўлиб келдик, тўртинчи киши Муҳаммадиев Нурислон, уни ўт пуфағи оғрирди. Уч муолажадан сўнг аҳволи енгиллашиб тузалаётганини

билдирди. Менинг уч кундан кейин йўтал бошланиб, 10 кунда нафас йўлларим очилиб, тўйиб нафас оладиган бўлдим ва хурсандчилигимдан отадан шу ерда яна кўпроқ қолишни илтимос қилдим, чунки уйга борсам, нафасим сиқиб қолишидан қўрқдим. Ҳамроҳларим бир ҳафта ичида шифо топиб яратганга шукр келтириб, отага дил сўзларини изҳор қилиб, кўзлари тўла ёш билан уйларига қайтишди.

Бу сафар 10-майда келувдим. Ота: “Сафар, ёзнинг иссиқ кунларида келсанг, ичингдаги қолган зиёнларни эритиб чиқариб ташлайман”, деганди. Мана бутун 6 июнь куни: «Уйингга рухсат, оилангни омон-эсон едир, ичир, яхши кийим билан кийинтир. Ишингга ривож берсин», дея дуо қилди.

*Сафар Нурматов,
Сурхондарё вилояти,
Шурчи тумани, Далварзин*

ЁМОНЛАР “ЯХШИЛИГИ”, ЯХШИЛАР “ЁМОНЛИГИ”

1994 йилнинг март ойлари, пайшанбада биз бир тўда аёллар йиғилишиб Норинжон бобога зиёратга бордик. Халфалар китоб ўқидилар, ҳар ким ўз дардини айтиб, ярим тунгача масжидда ўтирдик. Тўрткўл шаҳридан келган Чиннигул опа деган аёл Туркманистон Республикасидаги Иброҳим Адҳам, Ошиқ Ойдин, уч юз олтимиш пир, Шайх Нажмиддин Кубро зиёраттоҳларига “Икарус” автобусида борадиганлар бўлса, рўйхатта ёзаман, деди, ўттиз аёл шу жойда бориш учун рўйхатта ёзилди.

Бир чиройли оқ юзли, кўзлари маҳзун, камгап аёл диққатимни ўзига тортаверди. Чиннигул опа Аҳмад Яссавий ҳикматларини ўқиди, мен Абдулқодир Гилоний ҳикояларидан ўқидим. Ҳар ким билганини ўқиб, бошидан ўтганини сўзлаб ўтирди. Сўз келиб Амина онага тақалди. У ним табассумда ўтирганларга бир-бир

қарагаб, кўзларидан ёши равон бўлди. У шундай деган эди ўшанда:

— Бизлар кўп қийинчиликда изтироб чекмоқдамиз, аммо биламан, охири хайрли. Турмуш ўртоғим (у Тўхтабой отанинг исмини айтишга ийманди) билан бирга Кечирмас пир отанинг қубурини топдик, энди ободонлаштириш учун сира йўл йўқ, пир отам тезлаштиришимизни сўрамоқда, — деди.

Мен чин дилдан ёрдам беришни хаёл қилдим. Икки йил давомида юқорида айтган зиёратгоҳларга бориб келдик. Одам насли гуноҳдан фориғ бўлишнинг йўлини ахтармасдан кун-кундан залолат ва жаҳолат ботқоғига ботиб бир умрлик дардга мубтало бўлгач, тўрт томонга боқиб нажот излайди. Аммо соғ ва саломат юрганлар ҳеч қачон беморларни кўзига илмас ёки бефарқ бўлар экан. Бир вақтлар соғ юрган кезларингда керакдан ҳам керак бўлиб, ногирон, бировнинг хизматига муҳтож кунинг эса юзларини терс буриб кетгувчилар ҳам бор. Бизлар кўп йиллар мобайнида Тўрткўлнинг "Намуна" жамоа хўжалигига, Ал Хоразмий жамоа хўжалигига (Эликқалъа тумани), "Аширтом" — янги бўлимдан бошлаб, гишт заводи, биринчи, иккинчи бўлим, собиқ "Москва" совхози, Бўстон шаҳри посёлкалари, Малла кўчаси — боринги, у томон Қирққиз — Тўрткўл, Бўстон оралигида хизмат қилиб тиббий ёрдам курсатдик. Келиб-келиб айнан мустақиллик йили бизлар беморлик нафақасига чиқдик. Мен билан бир сафда ишлаб юрганларни кўрсам, йиғлагим келар эди. Ҳассасиз юрсам-да, икки букилиб қолдим.

1995 йилнинг август оyi. Тонг палласи Кечирмас ота томондан азон саси эшитилди. Эҳ, туғ кўтарган пирларим, сизлар учун ҳам янгиланиш, яшариш замони келганга ўхшади, деб мен ҳам Аллоҳ йўлидаги бомдод намозини ўқиб тасбеҳ ўтириб ўтириб, кўзим гафлат элтиб, "Онажон" деган овозни эшитиб уйғониб кетдим. Эрталаб соат тўққизларда ўғлим Дилмуроднинг "ЭЛ.ТЕКС"дан келарини кутар эдим.

У аллақачон тунги навбатчиликдан сўнг уйга келган ва ухлаб ётган экан. Келиндан сўрадим, тинчликми, мен Дилмуроджоннинг “онажон” деган овозини эшитдим, дедим. Ўглингизни бир Худо асрабди, уни электр токи уриб, ўша пайт “онажоним” деб чақирганда уни қутқариб қолишибди, деди. Дарров Кечирмас отага бориб ис-пис чиқариб келиш кўнглимдан ўтди ва битта хўроз олиб Пир отага бориб зиёрат қилдик. Ўша пайтда унча катта бўлмаган ариқ устида бир метр келадиган икки энлик тахта кўприк бор эди. Кичиккина битта хона, тўрт киши ўтирса бешинчиси ташқарида ўтиради. Бизларни очиқ чеҳра билан Тўхтабой отанинг ўзи кутиб олди ва кўп сўзлашиб ўтирдик: Менга негадир қўлларини урмадилар, қошида ўтирган Умида исмли жувонга қараб дўхтирнинг оёқлари ичини, юрак-бағрини, бошини тозалаб қўй, деди. Ҳамон афсусдаман, мени нега Тўхтабой отанинг ўзи қарамади деб.

— Дилмурод ўғлим, сен машинага бензин солиб қўй, Амина онангиз Султон Вайс бобога зиёратта кетадилар, мен орқасидан боргунимча ўтирсин-да, — деб кулдилар. — Ўғлим, сен Кечирмас бобонинг ўгли бўлибсан, сени худойим бир асраган, — деди. Лолаҳон қизим ўша 1995 йил Тошкентдан ўқишни битказиб, энди мактабга бориб юрган эди. Унга бир оғиздан дедилар “Эгнингга кийиб юрган кўйлагингни иккинчи марта кўрмайин, иккинчидан сен ҳам шу ерда пирга хизмат қил”, деди.

Аммо хом сут эмган одамзод барибир ўз айтганидан қолмас экан, шайтон сўзига кириб қилган иши гуноҳ. Охир-оқибат тузалмайдиган дардга мубтало бўлгач, минг оҳу нола фигонидан нима фойда!

Турмуш ўртоғим олтмиш ёшга кирмай оламдан ўтди, юрак инфаркти билан, мен юриб билмай қолдим. Лекин ҳозир ҳам Тўхтабой ота билан юзма-юз бўлиб гаплашишдан кўрқаман, чунки уларнинг бирорта берган панд-насиҳатини олмадим, қайси юзим билан унинг қошига бориб кечирим сўрайман!

Билдимки, ҳар кимнинг она тупроғи, танаси қорилган лой тортаверар экан. Сўнгги кунларда Кечирмас пир отанинг зиёратгоҳи тез-тез тушимга кирадиган бўлди. Мен нима қилиб, кимлардан мўъжиза кутиб юрибман, танимаган-билмаганларга ялиниб-ёлвориб майна бўлдим. Эй Аллоҳим, ўзинг менга шундай йўл кўрсатки, дўст-душманларим кўриб ҳайратда қолсин. Мен шоира, ёзувчи бўлмасам, тиббиёт ходими, аёлларни туғдирадиган доя бўлсам, шеърми, газалми, дoston ёзишни менга ким қўйибди деб йиғладим.

Бир куни Тўхтабой ота тушимга кирди, кўзингни оч, қўлингни узат менга, деди. Кўзимни очдим, аммо қўлимни узатсам етмайроқ турди. Мени ҳозир уриб ташлайди Пир ота, десам бошимга тожга ўхшаган чиройли нарсани кийгизиб қўйди, энди юр, қўлингдаги ҳассани ташла, деганини рангли тасвирда кўрдим. Ўзим Тошкентдаги ногиронларни қайта жонлантириш касалхонасида қимирлай олмай ётгандим. Эликқалъага, қизимга телефон қоқдим. Отага бориб воқеани айтишни ва у ерда назр-ниёз қилишни ҳам тайинладим. Ўзим учун битиб юрган ичимдан чиқаётган сўзларни шеърини услубда ёзиб тўплаб қўювдим, шуларни кўрсатган экан. Тўхтабой ота Тошкентга “Эликқалъа мўъжизаси” китоби муаллифига телефон орқали мени телефон номеримни айтиб: «Раҳимани бориб кўр, у касалхонада ётибди», деб тайинлабди. Уша куниёқ Ҳакимжон ака мен билан телефон орқали боғланди, эртаси куни касалхонага келди ва Кечирмас ота кароматлари ҳақидаги китобни менга совға сифатида бериб, мени қайдномаларимни ўқиб чиқиш учун олиб кетди. Орадан бир кун ўтганда Ҳакимжон ака касалхонага келди, келганига хурсанд бўлиб, келинг мени шапатилаб уринг, деб мурожаат қилдим. У киши йўқ, ҳали менга одам ўқишга рухсат берилмади, деди. Йўқ, йўқ, мен Тўхтабой ота даргоҳига бора олмаяпман, сиз мени уринг, деб илтимос қилувдим, у киши кулимсираб қўймадингиз, қўймадингиз, китобни ўқиб бўлган бўлсангиз, ура қолай.

энгашинг деб буйнимдан ушлаб ё Аллоҳ деб 6 шапати урди, бир оз гаплашиб ўтириб, хайрлашиб чиқиб кетди. Икки кун ўтди, мени бошқа касалхонага ўтказишди, юрагим безовталанганидан кейин уч кун бўлиб, бошқа касалхонада ногиронлар арачасида борган эдим. тетиклашиб бир калта ҳассада юрадиган бўлдим, Аллоҳга шукр! Яратганга ихлос билан боқсанг, давосини бераркан. Ёмон кишининг “яхшилиги” унинг бировларга озор етказмаслиги билан белгиланади, яхши инсоннинг “ёмонлиги” эса барчага бирдек яхшилик қилиши ила баҳоланади. Лекин жамият учун уларнинг қай бири кўпроқ фойдалироқ? Қизиқ, буни қайси мезонлар орқали аниқлаш мумкин?

Мақсадимиз бахт-саодат, фаровон турмуш қуриб, эзгуликлар улашиб яшаш экан, унда ҳар қандай ислоҳни аввало ўзимиздан, қалбимиздан бошлашимиз лозим.

*Раҳима Ражаббоева,
Қибрай тумани, Янгиобод қишлоғи,
Алишеробод маҳалласи, май, 2011 йил*

ИЛҲОМ ТЎЛҚИНЛАРИ

Азиз ўқувчи, тарихга назар солсак, дунёга бир буюк инсон келадиган бўлса, у инсон тирик вақтидаёқ қилаётган эзгу ишларидан баҳраманда бўлган эл-халқ завқланиб, шеър, дoston, матал ва ашулалар тўқир экан. Унга ихлос қўйиб завқ ва шавқ билан шаънига яхши сўзлар айтар экан. Қуйида “Кечирмас ота” даргоҳига келиб, бу ердаги муҳитдан илҳомланиб ёзилган шеърлардан, баъзи мулоҳазалардан намуналар келтирамиз.

Бу шеърларни биз бадий дурдоналар деб тақдим этмадик, бинобарин, бу бўлим ҳам олдинги бўлимга эш бўлиб, шифо топганларнинг Тўхтабой Болтабоевга ихлослари ва миннатдорликлари туйғуси сифатида эътиборингизга ҳавола этдик.

УЛУҒ АЖДОД АВЛОДИМАН

Илм йўлида Бухорийнинг китоблари бўлди маёқ,
Минг йилдирки Ибн Сино тиб илмидан кетгани йўқ,
Улуғбекдек кўк сирига ҳали ҳеч ким етгани йўқ.
Шу аждодлар авлодиман, интиламан улар томон.

Амир Темур сиймосига таъзим қилар аҳли жаҳон,
Навоийнинг шуҳратига ҳавас қилар ҳануз замон,
Шоҳ Бобурнинг “нома”лари оламари бўлди дoston,
Шу аждодлар авлодиман, интиламан улар томон.

Берунийнинг ақл нури денгиз ортин топа олган,
Нил бўйининг одамлари Фарғонийга қойил қолган,
Ал Хоразмий компьютерлар дастурига асос солган,
Шу аждодлар авлодиман, интиламан улар томон.

Форобий-ку, “Фозил инсон” ғоясидан берган таълим,
Арастуниг ворисидир у иккинчи зўр муаллим,
Ана шундай аждодимга бўлсин доим эҳтиромим,
Шу аждодлар авлодиман, интиламан улар томон.

Навқиронлик ёши ила юртим яна ошсин доvon,
Баҳоуддин Нақшбандий, сиз маънавий бўлинг сарбон,
Яссавийдек улуғ зотлар шу ўлкада тутган макон,
Шу аждодлар авлодиман, интиламан улар томон.

Бағрикенглик миллатимга аждодлардан қолган мерос,
Юздан ортиқ миллат бунда яшаяпти топиб эъзоз,
Юртбошимнинг журъати зўр, бу ҳам қондан ўттани рост,
Шу аждодлар авлодиман, интиламан улар томон.

Ат-Термизий руҳи ила Яраттандан мадад сўраб,
Қалбимдаги ўйларимни ёзмақдаман зарга ураб.

Эй юртдошим, ҳушёр бўлгин, дуо қилгин тинчлик сўраб,
Шу аждодлар авлодиман, интиламан улар томон.

Юртим бутун юксакликка интилмоқда, йўли равон,
Аҳил, иноқ миллатларга ватандир бу Ўзбекистон,
Улуғ халқим шижоати жўш урмоқда ушбу замон,
Шу аждодлар авлодиман, интиламан улар томон.

Тадқиқотчи-кимёгар 2010 йил, май

★ ★ ★

Солижон Худоёров

КАРОМАТЛИ АЛЛОМА ТҲХТАБОЙ ОТАГА

Орол буйин нур таратиб ёритган,
Эл-халқимдан нохушликни аритган,
Шайтон макрин шаппат уриб хор этган,
Аллоҳимга ҳамду сано каломим,
Эй, Тўхтабой ота, Сизга саломим.

Давримизга кароматни йўллаган,
Меҳри билан эл-халқимни қўллаган,
Комилликка буюкликни улаган,
Аллоҳимга ҳамду сано каломим,
Эй, Тўхтабой ота, Сизга саломим.

Араб ота, Тим отадан келганман,
Жон дилимдан Сизга ихлос қилганман.
Нурингизни, бобо, Тимдан кўрганман,
Шукр Хаққа ҳамду сано каломим,
Эй, Тўхтабой ота, Сизга саломим.

Каромат ҳам Аллоҳнинг бир атоси,
Сўзларингиз Аллоҳ сўзин маъноси.
Ушбу эрур Солижон илтижоси:

Аллоҳимга ҳамду сано каломим,
Эй, Тўхтабой ота, сизга саломим.

Мен Солижон Худоёрман, созим бор,
Олтмиш бир қиш кузу баҳор, ёзим бор,
Гуноҳим бор, тавба қилдим, розим бор,
Аллоҳимга ҳамду сано каломим,
Эй, Тўхтабой ота, Сизга саломим.

*Самарқанд вилояти, Нуробод тумани,
Тим қишлоғи*

* * *

Гайрат Худоёров

ШОИР БЎЛДИМ ГАМ ТОТА-ТОТА

Нажоткорим аввало Аллоҳ,
Раҳмон бўлсин барчага паноҳ,
Балки қилдим жуда кўп гуноҳ,
Адо бўлдим гам тота-тота,
Покланг мени, Тўхтабой ота.

Ҳаёт шундай аччиқ ва ширин,
Сирлари кўп гоҳо яширин,
Инсон алдар нега бир-бирин,
Адо бўлдим гам тота-тота,
Покланг мени, Тўхтабой ота.

Ўйнатади тақдирнинг куйи,
Кўринмайди бахтимнинг бўйи,
Танамда бор шайтонлар уйи,
Адо бўлдим гам тота-тота,
Покланг мени, Тўхтабой ота.

Дустингман деб огу ичирди,
Бахт либосин қўймай ечирди,
Ўлмасимдан кафан бичирди.
Бахтсиз бўлдим ғам тота-тота,
Покланг мени Тўхтабой ота

Азоб чекиб юрибман ҳамон,
Одамлар бор ёмондан-ёмон,
Ихлос қилиб келдим сиз томон,
Гайрат адо ғам тота-тота,
Покланг мени, Тўхтабой ота.

Кимларгадир ёш, гўр боламан,
Ҳақ куйида ғамгин ноламан,
Ҳақдан нажот сўраб бораман,
Шоир бўлдим ғам тота-тота,
Покланг мени, Тўхтабой ота.

НУРЛИ ҚЎЛЛАР

Аллоҳнинг йўлига бошлаб туради,
Дардингиз гаширманг ўзи кўради.
Курак орасига уч-тўрт уради,
Тўхтабой отамнинг нурли қўллари

Қонлар югуради юзу танада,
Шайтонлар ётибди писиб панада,
Гайратинг оширар қайта янада,
Тўхтабой отамнинг нурли қўллари.

Ишончинг орттириб йўқотар ғаминг,
Ёдингдан чиқади дард чеккан даминг,
Даф қилар кўзингдан изтироб наминг,
Тўхтабой отамнинг нурли қўллари

Юзлари қуёшдай нурлар сочади,
Шайтонлар танангдан йиглаб қочади.
Йулингни, бахтингни барин очади,
Тўхтабой отамнинг нурли қўллари

Дардларим бисёрдир-бисёрдир танда,
Худо деб намозни қилмайман канда.
Шифолар бермоқда олисдан манга,
Тўхтабой отамнинг нурли қўллари

ДУОЛАР ОЛИБ

Армон эшикларин ёпмоқ истайман,
Замондан қолмай деб чопмоқ истайман.
Ҳаётда ўз ўрним топмоқ истайман,
Тўхтабой отамнинг дуосин олиб.

Тақдир синовидан бардош тўпласам,
Юрган йўлларимни ҳаёл чўтласам.
Меҳр шаробидан тўйиб ҳўпласам,
Тўхтабой отамнинг дуосин олиб.

Тунлар қора экан, кундуз оқ экан,
Йўлингдан чиқса ким, кулиб боқ экан.
Сабр гулханини баланд ёқ экан,
Тўхтабой отамнинг дуосин олиб.

Аллоҳнинг каломи дилингда бўлсин,
Болдай ширин сўзлар тилингда бўлсин.
Гайрат эзгуликлар кўнглингда бўлсин,
Тўхтабой отамнинг дуосин олиб.

УЧРАШИБ КЕТГИН

Алам нишин санчиб кўзинг ёшласа.
Ҳаёт синовларга буркаб ташласа,

Виждонинг эрта кеч қийнай бошласа,
Аллоҳга сабрла саждалар қилгин.

Дардлар кемиради одам танасин,
Шайтон банд этганда кўнгил хонасин.
Гамлар бузай деса бахт кошонасин,
Кечирмас бобони зиёрат қилгин

Ҳасад юрагингга дўст бўлган бўлса,
Меҳрсиз, меҳрга кўп кулган бўлса,
Ичинг шайтонларга хўп тулган бўлса,
Тўхтабой отамга учрашиб кетгин.

Дардлар чиқа-чиқа тананг оздирса,
Умид унга атаб қабр қаздирса,
Гайрат "илҳом"ларинг шеърлар ёздирса,
Ҳакимжон акага улашиб кетгин.

*Самарқанд вилояти, Нуրобод тумани,
Тим қишлоғи, 2012 йил, март*

★ ★ ★

Муҳаббат Қосимова

АСРАГУВЧИ ОТА

Ҳар кўнгилнинг орзуси шул эрур, саломатлик,
Сарсон бўлган кишига, шубҳасиз жондур, ота.
Ҳар муроднинг бошидур, ҳар муддаонинг гавҳари,
Ҳар маразларнинг шифоси, яъни луқмондир, ота.

Кузнинг нури, дил ҳузури, дилларнинг дармонидир,
Ҳар оҳангу дилга гўё моҳи тобондир, ота!
Ҳар балодан асрагувчи энг муҳим қиймат яроғ,
Тийри раҳмат, ханжари зиллатга қалқондир, ота!

Тошкент, ТашГРЭС микрорайони

АВЛИЁ ОТАГА

Мен хасталик гурбатин чекдим бисёр отажон,
Куйиб-ёнди юрагим бўлдим афгор, отажон,
Ёрди кўксим, эзди бағрим, оҳ, бу дарду бедаво,
Бир табиби ҳозиқ истаб бўлдим хуммор, отажон.
«Авлиё ота» дея, таърифингиз эшитиб,
Ҳам инондим. Ихлос қўйдим сизга бисёр, отажон,
Онасига талпинган мунис гўдак сингари,
Ҳузурингизга шошдим, топдим дийдор, отажон.
Эҳ! Мен тангу лол қолдим турфа хил дардни куриб,
Шунчалар кўпдир бемор мисли бозор, отажон.
Баъзи дардман инсонлар шунчалар руҳан тушган,
Ҳатто, азиз жонидан бўлган безор, отажон.
Хаста дилга руҳ бағишлар ҳар бир айтган сўзингиз,
Умид билан у ҳаётга қайтар такрор, отажон.
Бораётган беморни олдиндан ҳис қиласиз,
Қийналаётган жонни ё чақириб оласиз.
Бемор билан уртангизда руҳий кўприк ясалар,
Дарҳол мадад берасиз: "Ё отажон!" десалар.
Бунча дилга яқинсиз мисли дилдор, отажон!
«Авлиё ота» дея эъзозлайди сизни эл.
Таърифингиз сўзлашга бу кун ожиз эрур тил,
Беназир хислат билан тушгандирсиз назарга.
Ҳар битта сўзингизни алишмам сийму зарга,
Сиз қуёшдай беминнатсиз офтоб рухсор, отажон!
Отам дедим, инондим, сиздан шифо топдим, мен,
Ҳузурингизга келдим дардга даво топдим мен.
Доно фикрларингиз йўлчи юдуз бўлдилар,
Умримга сиздай оқил бир раҳнамо топдим мен.
Эл бахтига соғ бўлинг топманг озор, отажон,
Олтиш учга кирибсиз, Пайғамбарнинг ёшига.
Аллоҳ узоқ умр берсин тиббиёт қуёшига,
Доимо омон бўлинг халқимизнинг бошига.
Ургут деган диёрдан Насиба қизингизман.

Битта мухлисингизман, ёруғ юлдузингизман.
“Отажон” деб талпинган бир ширин сўзингизман.
Аллоҳ ишларингизга берсин барор отажон!

★ ★ ★

Камолиддин Шарипов

МИННАТДОРЧИЛИК ТАРИҚАСИДА

Гулдурсун овулидаги 43-сонли умумий ўрта таълим мактаби жамоаси 2008 йил “Ёшлар йили” муносабати билан отаи Тўхтабой ота томонидан ёш авлодни соғлом ва жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш борасида тўхфа қилинган спорт зали ва кутубхонаси учун мактаб маъмурияти ҳамда маҳалла аҳли номидан беҳад миннатдорчилик билдирамиз! Келгусида овулимиздан спорт соҳасида чемпионлар етишиб чиқишига умид қиламиз.

*Эликқалъа туманидаги
43-сонли мактаб директори.*

★ ★ ★

Абулқосим Утебергенов

МЕҲРИ ЖЎШГАН ТЎХТАБОЙ

Ёқут онанинг Аллоҳдан тилаб олган боласи,
Аллоҳнинг назари тушган Тўхтабой.
Яратганга ақл, ҳуши саноси
Аллоҳнинг назари тушган Тўхтабой.

Абул Ҳусан бобонинг руҳи ёр бўлиб,
Кўнглида ҳамиша Аллоҳ бор бўлиб.
Кўрувига неча интизор бўлиб,
Аллоҳнинг назари тушган Тўхтабой.

Сигинганинг яратган бир ҳақ бўлди,
Шу сабаб иқболинг йўли ҳақ бўлди.
Сен юрган ер улкан давлат, бог бўлди,
Аллоҳнинг назари тушган Тўхтабой.

Юртга Яратгани ёдлагил, дединг,
Каломни кўнглингга хатлагил, дединг,
Мағрурлик, ҳасислик қилмагил, дединг,
Аллоҳнинг назари тушган Тўхтабой.

Ҳар дарднинг шифоси қолмайди мубҳам,
Бунга ишониши керак ҳар одам,
Яхшилик, мурувват кўнглида мудом,
Аллоҳнинг назари тушган Тўхтабой.

Кўпчиликка яхшилик этаётирсан,
Муроду мақсадга етаётирсан,
Оғир синовлардан ўтаётирсан,
Элга муруввати жўшган Тўхтабой.

Юрагинг бор мисоли қоплону арслон,
Мол-мулкка хирс қўймадинг, эй мардон,
Хизматингни эл-халқ билиб турипти
Аллоҳнинг назари тушган Тўхтабой.

Сенинг ўрнинг ўзи азалдан бўлак,
Кўп бераётирсан ёрдам ҳам кўмак,
Бугунги қувончли тўйлар муборак,
Аллоҳнинг назари тушган Тўхтабой.

Мен бу гўзал масканни илоҳийлик уммонига ўхшатгим келади. Бу жой ҳаммага ҳам ўз сирларини очавермайди. Унинг илоҳий илиқ тафтидан ҳамма ҳам бирдек баҳра олавермайди. Бу жойга қадам ранжида қилишинг билан юракда ўзгача бир тугён жуш ура бошлайди. Аллоҳга бўлган муҳаббатингизга янада кучли муҳаббат қўшила бошлайди, эътиқод ва имонингизга санолар лимо-лим тўлади, тилингиз шукр қилишдан чарчамайди. Қалбингизни азоблаётган ҳаёт икир чикирларию муаммоларидан халос бўлиб, Аллоҳни илоҳий нурига тўлади. Кўпдан буён талпиниб яшаётган нарсангизни топгандек, гўзал бир таскин, юпанч сизни ўз ихиёрига олади, шунда беихтиёр кўнгилдан ёзган сатрларим ўта бошлайди:

Умр бўйи изладим сени,
Дилим бўлди сенга интизор,
Соядаги майса мисоли,
Нуринг учун ютдим қанча қон.

Назарга илгим келмади асло,
Бу дунёни молу дунёларини,
Изладим, изладим топарман-ку, деб
Мен учун аталган рўёларингни.

Ҳар лаҳза юрагим номингни айтади,
Дилим саноларга лиммо-лим тўлади.
Сен учун кечалар бўлдим мен қойим,
Интилдим, талпиндим нурингга доим.

Ё Раб, ошиққа айландим буткул.
Вужудим нурингни ҳис қила билди.
Қалбимдан чекинган ёвузлик ва нафс,
Бутун вужуд фақат нурингга чўмди.

ИЙМОННИ ПОКЛАЙДИГАН ЖОЙ

Бу жойлар нафақат касалларга шифо берувчи, балки иймонни покловчи, эътиқодни мустаҳкамловчи, инсоннинг вужудидаги, руҳиятидаги, ёмон иллатларни суғуриб ундан халос қилувчи, инсонни Аллоҳ йўлига, яъни энг тўғри йўлга бошловчи ажойиб маскандир. Илоҳий бу маскан илм йўлида адашган кимсалар нажот топгучи йўллариини Аллоҳни изнига аниқ ва равшан белгилаб берувчи, тўғри йўлдан озиб, шайтон чангалида қолган кимсаларни иймонларини покловчи, шайтон касридан беркилиб қолган илм булогингизни дуою илтижолар билан очиб юборувчи, вужудингиздан шайтонни хор-зор қилиб ҳайдовчи гўзал илоҳий маскандир. Биз бу маконни тез-тез зиёрат қилар эканмиз шайтон бизни қалбимизда ин қуролмайди. Вужудингизни нафс ва кибру ҳаво банд қила олмайди.

Одатда Аллоҳ ўзи хоҳлаган кимсаларга ўз илмидан насиба ажратади, илоҳий билим ва куч ато этади. Бунинг учун эса бандасидан поклик талаб қилинади. Бундай инсонлар ҳам манъан, ҳам қалбан пок бўлмоғи, руҳияти эса, Аллоҳ нуридек мусаффо бўлмоғи зарурдир. Бу неъматни асраш шайтоннинг ҳийлаларидан омон қолиш камдан-кам инсонларга насиб қилади.

Ота эса бу масканнинг маслаҳаттўйи, Аллоҳ билан инсонлар ўртасидаги кўприқдир. Келган касалларни дардига шифо сўраб мурожаат қилувчи зотдир. Отанинг танасидаги илоҳий қувватни бир неча метрдан ҳам ҳис қилиш мумкин. Ота ёнингизга яқинлашса, уни атрофини илоҳий бир куч ураб турганини дилдан ҳис этасиз ва жисман сезасиз. Бу ҳам Аллоҳни бандаларига бир иноятидир. Биз эса уни қадрига етмоғимиз лозимдир. қанчадан-қанча инсонларни ҳаётга қайтарган, уларни дардига малҳам бўлган бу инсон яқинда 62 ёшга, у кишини умр йўлдошлари эса 60 ёшга қадам қўйдилар. Шу муносабат билан уларга табригимни ва дил сўзларимни шундай йўлламоқчиман.

Ҳурмат ила сўз бошладим отам учун,
Эл ичида мисли йўқ бир Ҳотам учун,
Олтиш икки ёшга қадам қўйди бутун,
Муборакбод этай жумла олам учун.
Гулдурсиннинг давлатию ҳам ганжисиз.

Муродимиз – омон бўлинг бахтимизга,
Суянайлик имон деган тахтингизга.
Пирлар мадад қилсин ҳар дам шахтингизга,
Сиз шу элнинг бир суюкли фарзандисиз,
Гулдурсиннинг давлатию ҳам ганжисиз.

Бутун қурган тўйхонангиз бахтга тўлар,
Элу юртнинг огир юки енгил бўлар,
Муҳаммаднинг чин авлоди шундай бўлар.
Сиз шу элнинг бир суюкли фарзандисиз,
Гулдурсиннинг давлатию ҳам ганжисиз.

Остонангиз узра келган шифо топар,
Нафси узра имонлари куртак отар.
Тандан чиқиб шайтон ўзин ҳар ёнга отар,
Бад нафснинг илдизлари барҳам топар,
Кундан-кунга имонлари қарор топар,

Томирида Аллоҳимнинг нури оқар,
Тавбалари кўз ёши-ла қабул бўлиб,
Иншаоллоҳ, дардларига шифо топар.
Сиз шу элнинг бир суюкли фарзандисиз,
Гулдурсиннинг давлатисиз ҳам ганжисиз.

То ҳаётман қуллуқ қилай, отам учун,
Эл ичида мисли йўқ бир Ҳотам учун,
Олтиш икки ёшга қадам қўйди бутун
Муборакбод этай жумла олам учун.
Гулдурсиннинг давлатию ҳам ганжисиз.

АМИНА ОНАМГА

Аллоҳ ёрлақатан сизни, минг шукр,
Дилингиз покланган санолар айтиб,
Даврамининг юксак жойи сиз учун,
Онажон, қутлайман дуолар айтиб.

Моҳитобдек барқ ургансиз илмда,
Барчамизга онадирсиз билимда.
Муътабарсиз бугун юрту элимга,
Онажон, қутлайман дуолар айтиб.

Шогирдлар иззати ҳар дам сизгадир,
Яхши ёмон кунда доим биргадир,
Бугун сиз эл ичра топдингиз қадр,
Онажон, қутлайман дуолар айтиб.

Ҳар дам йўлимизда биз-ла биргасиз,
Гар адашсак йўлга солиб турган – Сиз,
Набилару авлиёга издошсиз.
Онажон, қутлайман дуолар айтиб.

“Ҳув” ҳалқасин қуриб бизни чорлаган,
Иймон-инсоф йўлларига бошлаган.
Ҳикмату тақводан сўзлар бошлаган,
Онажон, қутлайман дуолар айтиб.

Йўлимизда порлаган бир қуёшсиз.
Тўхтабой отамга мунис қўлдошсиз,
Хуру малак гилмонларга йўлдошсиз,
Онажон, қутлайман дуолар айтиб.

Муборак бўлингиз элда бир умр,
Эл меҳридан топинг доимо ҳузур,
Бугун кўп тилаклар айтар Моҳинур,
Онажон, қутлайман дуолар айтиб.

Юқорида бу жойни илм йўлини изловчилар нажот топгувчи маскан деб бежиз айтмадим, чунки мен илм эшикларини очувчи калитни шу илоҳий маскандан топганман. Мен бу сўзларимни исботи сифатида сиз азиз китобхонларга ўз ижодимдан намуналар тақдим этаман. Баҳони эса ўқиб кўриб сиз берасиз, ўйлайманки, камтар қулингиз тарафидан ёзилган шеърлар сизни безътибор қолдирмайди.

ПОК ДЕБ ҚАЛАМ БЕРГАНМИКИН?

Ўзи бериб дардини,
Ўзи олар Аллоҳим.
Хоҳласа минг бир куйга,
Ўзи солар Аллоҳим.
Ишқни ўзи соладур,
Ақлу ҳушин оладур
Ошиқлардан Аллоҳим
Ошиқ рангин сўлдирар —
Че,расидан билдирар,
Нури чўгдек куйдирар,
Қалбин ғамга тўлдирар.
Беклар келиб қул булар,
Шоҳларни гадо қилар.
Йўлида зор ингратар
Ошиқларни Аллоҳим.
Нури куйдирар қалбинг,
Суйганга берар дардин,
Қалбга соладир амрин,
Англатиб ҳаёт қадрин,
Бериб давосиз дардин,
Эшитар кўнгил сасин,
Танлаб покиза қалбин
Ишқин солар Аллоҳим.
Поклар поки Аллоҳ дер,
Чекиб заҳмат дийдор дер,
Бергин нури иймон дер —

Суяр чексиз Аллоҳим.
Моҳинурни суйганмикан,
Бир қулчалик билганмикан,
Пок деб қалам берганмикин –
Ўзи билар Аллоҳим.

ЙИГЛАДИМ (ҳолат)

Бошимни саждага қўйиб йигладим, жонимни уртага
қўйиб йигладим, бағримни тилиб эзиб йигладим, ўксиб
йигладим, Армоннинг чўғига ботиб йигладим. ғанимнинг
сўзидан қочиб йигладим, нокасга заҳримни сочиб
йигладим, йигладим, йигладим ўксиб йигладим.
Кўнглимга бир таскин юпанч изладим, армон
денгизидан бахтим изладим, қайда бўлсам Аллоҳ сўзин
сўзладим. Сўзладиму ўзим ўксиб йигладим.

СОҒИНДИМ

Бу дунёда бердинг неъмат,
Бердинг илоҳий камол,
Бердинг тугал бахт,
Бердинг илоҳий бир илиқ,

Энди менга кўрсат жамол,
Сени соғиндим, Аллоҳ.
Бу дунёда берган бахтинг,
Берган илоҳий ахтинг,

Кўринмайди кўзларига,
Сенсиз яралган тахтим.
Сени қўмсайверар юрак,
Сени соғиндим, Аллоҳ.

Нулинг истайверар руҳим,
Нулингга интиқ қалб ҳам.
Соғинчдан жон сигмас танга,
Яна не айтай сенга.

Сени соғиндим, Аллоҳ,
Сени соғиндим нетай.

ҲИЖРОН

Нега гам сояси қетмайди бошдан,
Ҳижроннинг азоби мени қийнайди,
Нега дард ёмгири остига солиб,
Аллоҳим суйганин бунча синайди.

Нега бир тингламай оҳу зоримни,
Бағримга тигларинг ураверасан,
Нега ҳеч бермасдан зарра бир имкон,
О фалак, устимдан кулаверасан.

Исканжа домига солиб бағримни,
Қийнайсан, аямай эзаверасан.
Куринмас деворга тўсиб йўлимни,
О тақдир устимдан кулаверасан.

АЛЛОҲ НАЗАРИ

Аллоҳни назари тушса гар сенга,
Илоҳий туйғулар жўш урар танга,
Аллоҳни изнила кўнгил покланар,
Дилинга эътиқод, иймон жонларга.

Кузларинг нури равшанроқ булар,
Вужудингни кўшкига севги лиқ тўлар.
Ақл эса бошга тож мисли бир кўрк,
Ақл ва севгидан ҳикмат тугилар.

Юрак эса ёнар ишқ оташидан,
Эркини йўқотар хаёл ва фикр.
Фақат Аллоҳ ёдин қилар ихтиёр,
Шунда бутун вужуд сармаст бахтиёр.

Кечарсан ўткинчи дунё бахтидан,
Отарсан ўзингни ишқ оташига.
Ишқ дарди кўзингдан ёшларинг тўкар,
Шу ёш ҳаққи Аллоҳ гуноҳинг ўтар.

БИРОВНИНГ БАХТИГА КЎЗ ТИКМА, ДЎСТИМ

Бировнинг бахтига кўз тикма, дўстим,
Чоҳ қазиб оввора бўлмагин зинҳор.
Яхшиси Худога сизингни пинҳон,
Яхшини муродга етказар иймон,

Муродинг фақат эзгулик бўлсин,
Ҳасадинг кўнгилдан чиқариб ташла,
Яхшиликни аввал ўзингдан бошла,
Иймон, ишонч, саодатга қадамни ташла.

Бисмиллоҳ деб очгин тонгда кўзингни,
Астағфируллоҳдан бошла сўзингни,
Аллоҳни нурига тўлдир кўнгилни,
Тупроқ каби кўргин бунда ўзингни.

Кўнгил софлигига эътибор бергин,
Ҳайдаб сол шайтоний ғаламисликни,
Кибру ҳаво манманликни улоқтиргин сен,
Агар билсанг Аллоҳни карами кенгдир.

Поклик Аллоҳимни тортар,
Покиза кўнгилга раҳмати ортар.
Агар сочса дилингга нури хуш ёқар,
Тилакларинг рўёби дарёдек оқар.

Агар биров бахтига кўзингни тиксанг,
Шайтонга эш бўлиб ёвузлик қилсанг,
Чоҳ қазиб яхшини унга йиқитсанг,
Маҳшаргоҳда сиротдан қандай утарсан,
Ўзинг қазиган чоҳга, ўзинг қуларсан.

ИЗЛАДИМ

Маъсум юрагингни туб-тубларида,
Сенга сано айтиб йиғладим, Тангрим,
Кўз ёшимнинг аччиқ дарёларидан,
Ёлғиз сени изладим, изладим, Тангрим.

Изладим кўзларим жиққа ёш тўла,
Йиғлатар ишқни ҳарорати оҳ,
Сени севган юрак қара шунча соф,
Ёлғиз сени изладим, изладим Тангрим.

Юракка сигмайди бегона бир ишқ
Фақат сенинг севгинг қалбимда таскин.
Сенинг ишқинг юракка шунчалар яқин,
Ёлғиз сени изладим изладим, Тангрим.

АЛЛОҲГА ЮЗЛАН

Ҳар муродинг ҳосил бўлгай,
Гар сен Аллоҳга юзлансанг.
Кўнглинг ўтли нурга тўлгай,
Гар сен Аллоҳга юзлансанг.

Ҳар манзилинг равон бўлгай,
Ҳар мушкулинг осон кўчгай,
Дилга сокин поклик бўлгай,
Гар сен Аллоҳга юзлансанг.

Виждон ҳам мустаҳкам бўлгай,
Умринг сер маъноли ўтгай,
Қалбни шайтон тарк айлагай,
Гар сен Аллоҳга юзлансанг.

Покиза дил сенга бўлгай,
Пирлар доим қўллаб тургай.
Фаришталар сенга бўлгай,
Гар сен Аллоҳга юзлансанг.

Моҳинур Аллоҳга юзлан,
Ишқдан қалбинг нурга тўлгай.
Ожизлигинг унут бўлгай
Гар Сен Аллоҳга юзлансанг

ТАҚДИРИ ГҶЗАЛ

Севгинг билан қалбим гўзал, тақдири гўзал,
Дилимдаги сўзлар гўзал ҳаётим гўзал.
Ишқинг ёқса бу дилимни озоринг гўзал,
О, Аллоҳим ҳидоятинг, залворинг гўзал.

Нур таралар изларимдан иқболим гўзал,
Меҳринг бордир сўзларимда, каломим гўзал.
Кўз ёшимни тўкканимда нолалар қилиб,
Ҳижронларда ёнса дилим, висолинг гўзал.

Маърифат майдонига қадам қўйдим,
Сирли туйғу солдинг дилга инъоминг гўзал.
Эркаладинг эрк бермайин ёлғон дунёда,
Қулман лекин султонлардан мақомим гўзал

Сарибий қишлоғи, Эликқалъа тумани

ҚУТЛОВ

Ота, қутлуғ бўлсин пайғамбар ёшингиз,

Мудом омон бўлсин азиз бошингиз.

Мангу бўлсин нурингиз, қуёшингиз,

Ота, бу ёшлар муборак бўлгай,

Сиз омон бўлсангиз кўнгиллар тўлгай.

Аллоҳдан айланай сизни яратган,

Ғариб кўнгилларни сизга қаратган.

Отамнинг ёнида онам бор этган,

Онажон, бу кунлар муборак бўлгай.

Қўша қариб юринг кўнгиллар тўлгай.

Сиз сабабли қанча ҳаста соғ бўлди,

Қуриган чўлларда қанча боғ бўлди.

Қадди, бўйингиздан кўнгил чоғ бўлди,

Ота, бу кунлар муборак бўлгай.

Сиз омон бўлсангиз кўнгиллар тўлгай.

Мен ҳам Аллоҳнинг бир ғариб бандаси,

Ширин сўзларингиз шинавандаси.

Боқий бўлсин нурингиз хандаси,

Отажон, бу кунлар муборак бўлгай,

Қўша қариб юринг кўнгиллар тўлгай.

Узоқ умр кўринг эл-юртим бахти,

Орттай бу жойларнинг мартаба, бахти.

Қирчиллама бўлинг юз ёш вақтда ҳам,

Отажон, бу ёшлар муборак бўлгай,

Қўша қариб юринг кўнгиллар тўлгай.

★ ★ ★

Худойберганов Отабек

ТАНАНГДА СОҒЛИҚ БЎЛМАСА

Савлатингни шайдоси йўқ,

Хислатингни адоси йўқ,

Ёшлигимнинг пайдоси йўқ,

Танангда соғлиқ бўлмаса.

Дўсту душман кулишса ҳам,
Гийбатингни қилишса ҳам.
Қила олмайсан бир иш ҳечам,
Танангда соғлиқ бўлмаса.

Бир иш қилсанг тез чарчатар,
Беҳудага кун ўтказар.
Малҳамига пул ундирар,
Танангда соғлиқ бўлмаса.

Ўсмирчалик ғайратинг йўқ,
Ёш йигитдек савлатинг йўқ
Қайга борсанг керагинг йўқ,
Танангда соғлиқ бўлмаса.

Ранги — рўйингни сўндирар.
Турли ишларга кўндирар,
Душманингни қувонтирар,
Танангда соғлиқ бўлмаса.

Қозонинг кўп турар ошсиз,
Бола — чақа ҳеч иложсиз.
Ҳеч бир кунинг йўқ муҳтожсиз,
Танангда соғлиқ бўлмаса.

Ёшла тўла икки кўзинг,
Тера олмай ризқ рўзинг.
Миннатлидир нону тузинг,
Танангда соғлиқ бўлмаса.

Боқа олмай бўларсан ҳайрон,
Сан бир қалам қошли жайрон,
Ҳофиз отушдек дилинг вайрон.
Танангда соғлиқ бўлмаса.

КАРОМАТГҲҲЙ ОТА

(Эллиққалъалиқ муъжизакор табиб
Тухтабой Болтабоевга)

Аллоҳимнинг назари бу — илми илоҳий
Эллиққалъа тупроғи бу, Хизр изи бор.
Норинжон — у Султон Увайс пирлар гувоҳи,
Бунда Тухтабой отанинг ўз юлдузи бор.

Бунда юрак тилга кирар, кафтлар сўзлайди,
Етмиш икки томирларда қайтиб оқар қон.
Бунда кимки ҳаста жонга нажот излайди,
Боши узра илоҳий нур туширар осмон.

Кечирмас бобо — авлиё қўргонидур бу,
Бир ошёнким ери юмшоқ, осмон бир қадам.
Тўрт томони муқаддас сир маконидир бу,
Бу даргоҳга келган гадо, подшоҳлар ҳам.

Эллиққаъла қалъаларинг қадди рост турсин,
Назар кетган авлиёлар пирларинг билан,
Қўргонингда баҳор кулсин, мангу ёз кулсин,
Кечирмас бободан қолган изларинг билан.

Кароматгўй, Валий табиб Тухтабой ота,
Муъжиза, нур кетмасин қалб, қўлингиздан ҳеч.
Худо берсин Ватанимга, элимга жаннат,
Қайтманг, илоҳдан берилган йўлингиздан ҳеч!

★ ★ ★

ҲОЛАТ

Каминанинг аввалги китобининг "Ихлоснинг ҳикмати" мавзуида ҳикоя қилинган Эркин Исроилов билан Пирим даргоҳига келдик. Унинг касалига даво

топгач, 2002 йилнинг сентябрь ойида, биз Тўрткўлдаги автобекатга келиб “Тўрткўл – Тошкент” йўналиши бўйича юрадиган автобуснинг учинчи қаторига жойлашдик. Ҳайдовчи бизни орқамиздаги ўриндиққа ҳеч кимни олмади. Ҳамма орқа ўриндиқларга жойлагач, автобус Тошкент томон йўналди. Шаҳардан чиқиб кетгунга қадар ҳайдовчи бир неча ерда тўхтаб, юк орти ва ниҳоят, Мискин шаҳридаги ёқилги қўйиш шохобчасига солярка олиш учун тўхтади. Мен автобусдан тушиб, ариқ бўйида голлар соясидаги супада ўтириб ён-атрофимни кузатардим. Бир вақт жигули автомашинаси шаҳобча олдига келиб тўхтади, ундан отанинг ўгли Расулбек ва яна икки киши тушишди. Расулбек балиқ овига отланган шекилли, машина юкхонасига балиқ тутадиган мосламаларни юклаб олипти. У автобус ҳайдовчисини билан гаплашиб, ҳалиги икки кишини автобусга чиқариб яна йўлида давом этди.

Автобус керакли ёнилгини олгач, кетишга ишора қилувди, чиқиб олдим. Орқамиздаги ўриндиққа ҳалиги Расулбек билан бирга келган икки йигит жойлашибди. Улардан бири: «Ҳаким ака, мулла ота тўғри айтган экан, ана қаранг, бугун таважжужҳни эрта тугатиб, биз иккимизга «Сизларга рухсат, Ҳаким аканг ҳамроҳи билан автобусда кетди. Расулбек балиқ овига бормоқчи, унинг машинасида Мискиндаги АЁҚШга борсанглар, Ҳаким аканглар ўтирган автобусга етиб оласизлар ва бирга улар билан суҳбатлашиб Тошкентга етиб оласизлар. Машинада жой бўлади», деб айтди. «Ажабо, бу қандай ҳодиса бўлди. Сизлар эрталаб машинага ўтириб соат 9 ларда йўлга чиқдинглар, биз эса зиёратгоҳдан соат 11 да чиқиб соат 12 ларда сизларга келиб қўшилдик», дея, ажабланишди. Йигитлар Республика солиқ қўмитасида иш юритишар экан. Уларнинг гапларидан мен ҳам ҳайрон бўлдим – буни қаранг, ҳайдовчи орқамиздаги ўриндиққа «банд бу жой, одами бор», деб ҳеч кимни қўймаганди. Демак, бунинг бир хислати бор экан-да!

Мен йигитлар билан суҳбатни давом эттирдим. Менинг чап томонимда эр-хотин ўтиришарди. Бир вақт суҳбатга қўшилди. Шу вақт ёнимда ўтирган дўстим Эркин олдинга ўтиб кетди, суҳбатдошимнинг аёли ҳам бошқа ерга ўтди, орқа томонимдагилар ухлай бошлашди. Мен бу ҳолатдан сергакланиб, бу нимани англатиши мумкин дея... ҳамроҳим билан суҳбатни давом эттиравердим.

У кишининг исми Олим ака Режапбаев бўлиб, Тўхтабой ота туғилган ён қишлоқданлиги маълум бўлди. 1947 йили Қирққиз қалъасида туғилган Олим ака узоқ йиллар эски қабр тошлари ва араб алифбосида ёзилган мақбараларда битилган битикларни реставратори бўлиб ишлаган экан. Ҳозирда Тошкент отчопари атрофида ҳовли-жойи ва болалари борлигини билдирди. У киши ҳам отаи Кечирмас отани ва ўзининг ўтган ота-оналари ва боболари, қариндош-уруғларини ётган жойларини зиёрат қилганлигини сўзлаб берди. У киши, ўзим кутмаганимда менда бир ғайриоддий ҳолат бўлиб туради деди, шунини мулла Тўхтабойдан сўрамоқчи бўлиб боргандим сўз оча олмадим. Зиёратга борсам, табобатсаройда муолажа бошланган экан. Эшикни очувдим Тўхтабой ота оят, суралар ўқиётган жойида бу ерга кирмай тур деб, овозини баланд кўтарди. Эшик олдида аёлим билан бир оз кутдик, бир замон кир ичкарига деган баланд овоз эшитилди, кириб жой топиб ўтирдик, — Олим ака бу сўзларни айтаётганида мен мулла отани ўнг томонида ўтирганимни эсладим, бу ҳодисалар бекорга бўлмаётганини яна тасдиғини ўзимдан топдим.

У киши биласизми, мен 1958 — 1959 йилларда мактабда ўқиётган вақтимда қадимшунослар бизга яқин бўлган Тупроққалъани қазишарди, бошлиғи профессор Толстовнинг қизи эди. У шошилмай ҳар бир нарсани тупроқлардан оҳиста ажратиб оларди. Ҳар куни уларни ишларини кузатгани келардик. Ҳосил бўлган тупроққалъадан нарига олиб чиқиб ташласак, бизга пул

беришарди, шунисига ишқибозмиз-да, кавлаб бўлинган жойлардан утиб браёттанзимизда бир тош думалаб кетаётганини кўрдим. Орқасидан бордим, у хоналар оралаб думаларди, шу чоғ унга етиб бориб қўлимга олдим, тошга тикилиб қарасам, бир дона кўз турипти. Эй, бу тошга кўзни расми туширилгандир-да, деган мулоҳазага бориб тошдаги кўзни қўлим билан артдим, кўз очилиб юмилди. Бу синоатдан ҳам қўрқдим, ҳам ҳайратландим, лекин қизиқиш устунлик қилиб тошни даструмолимга ўраб чўнтагимга солиб олдим, бировга кўрсатмадим. Ҳар замон олиб қараб қўяман, кўз менга қараб туради, уч кун шундай юрдим. Охири, бўлмади, ўтай отамга айтдим, у киши эшитиб, «тошни қаердан топган бўлсанг, ўша ерга олиб бориб қўй, акс ҳолда ўласан», деб қўрқитди. «Олиб бормасам-чи, мана кўринг, чиройли кўз», деб уни қизиқтирмоқчи бўлдим. У: «Йўқ кўрмайман, очма, у кўз парининг, жинлар подшоҳининг қизини кўзи, кексалар шундай деб юришарди. Ҳей Олим, ёнингда сақлама, ўласан», деб такрор-такрор тайинлади. Мен барибир ўлимдан қўрқмадим. Шундан кейин кечқурун кўзга қараб чўнтагимга солдим, ётишдан олдин яна бир қарай деганимда кўз ғойиб бўлипти, эрталаб чўнтагимга қўл солсам, пайдо бўлипти. Ҳар куни кечқурун ғойиб бўлади, эрталаб яна бор. Шу тариқа тошли кўз етти кун бирга бўлди-ю, еттинчи куни кеттанича ҳали-ҳануз уни кўрмадим. Ўрта мактабни тамомлагач, армияга бориб хизмат қилиб қайтдим. 1969—1971 йилларда Москвага бориб махсус билим юртини тамомлаб “Художник реставратор” мутахассислигига эга бўлиб қайтгач, Тошкентда, институтда араб тилини ўргандим.

Яхши ният билан нимага жидду жаҳд билан киришсам, амалга ошиб келади, бировлар бундай ишлар юзага чиқиши учун йиллаб ҳаракат қилади ва кутади. Бир куни ҳажга борувчиларни кузатишга кўпчилик қатори мен ҳам бордим. Улар билан ажратилган автобусга чиқиб аэропортга бордим, ҳамма билетларини рўйхатдан

ўтказа бошлади, уларни ичида туриб юрагим бир ҳаприқди, демак, биламанки шу вақт менга илҳом келгани. Барча ҳожилар чипталарини кўрсатиб, чегара постидан ўтишди. Мени ҳеч ким, кимсан, паспортинг борми ва ҳоказоларни сўрамади-суриштирмади.

Самолётга чиқиб олдим, борт хизматчиси жой кўрсатди. Шу чоқ ўйлаб қолдим, ҳажга бораман десам имкониятим, маблағим бор, боришни ният қилмовдим, у ёғи нима бўлади. Ҳаж маросим раҳбари Абдурашидга бўлган воқеани тушунтирдим, у киши: «ёнингизда паспортингиз борми?» – деб сўради.

— Йўқ, ўзим билан олмабман.

— Агар паспорт бўлганида борсангиз бўларди, самолётга чиқибсиз, паспорт бўлмаса, у ерда ҳаммамизни ерга туширмай қўяди, яхшиси, кейинги йилга бафуржа бориб келарсиз ака, деб маслаҳат бергандагина ўзимга келдим ва маъқул топиб улар билан хайр-хўшлашдим ва самолётдан тушдим. Қанчадан-қанча масъул ходимлар, улардан бирортаси мени тўхтатиб суриштирмади. Менда шунақа ажабтовур воқеалар бўлиб туради ва кейин ўйлаб, шу ҳолатга тушганимда бирон одамни хафа қилиб қўймадиммикан, дея фикр юритаман. Аллоҳдан кечирим сўрайман. — Бунақа гайриоддий нарсалар менда кўп бўлади, шу нарса нимадан эканлигини билмайман. Тўхтабой отадан сўрай олмадим, ўзим шошилдим, юқоридаги ҳодиса ҳаётим уммонидан бир томчиси, холос.

Азиз ўқувчим, мана бундай инсонлар ичимизда жуда кўп, улар Пайгамбаримиз(с.а.в) суннатларига амал қилиб, шариат аҳкомларига бўйсунган одамлар десак, ажабга ўрин йўқ. Улар ҳалол ва пок, бировларни нарсаларидан ҳазар қилади, ўзларининг оддий касблари орқасидан ҳалол топиб, ҳалол ейди.

ҲАЁТ ТАШВИШЛАРИ ВА ҚУВОНЧЛАРИ

Занги ота қишлоғининг Сортепа маҳалласида 1951 йил 30 март куни Улутхўжа, Малика онам оиласида дунёга келдим. Оилада икки ўғил, икки қизмиз, уларнинг кенжасиман. 1968 йили турмушга чиқдим, Исмоил Рамазановга. Ҳозирда беш ўғлим ва уч қизим, йигирма битта неварам бор. 1980 йилдан 1981 йилга ўтар кечаси, кеч соат 21.30 ларда менда қорин огриғи хуружи бошланди, касалхонага олиб боришувди, операция қилишди, қорнимни ёриб ҳеч нима топа олмай, қайта тикиб қўйишди. Йигирма икки кун ётдим, бир ярим ойдан кейин яна ўша огриқ билан йигирма беш кун касалхонада ётдим, икки ойдан кейин яна ўша огриқ, докторлар сабабини топа олишмади.

Атрофимда насиҳаттўйлар пайдо бўлиб, аёлни шунча қийнагандан кўра, табибга ҳам кўрсатиб кўринглар, дейишди. Менга уч кун кинна солдиришди. Биринчи, иккинчи кунлари огриқ сал пасайганга ўхшади. Онаи зорим қизимни Худо яна қайтариб берди деб меҳр ва муҳаббат билан бағрига босиб, шукр келтирди. Шу сабаб бўлди-ю, мен ҳақиқатдан кинна солишда хислат борлигига ишондим.

1982 йилнинг баҳорида Худонинг меҳрибонлигими билмадим мен шифохонадалигимда уйимизга икки киши келибди, улар Исмоил акамнинг 1963—1967 йиллари бирга ўқиган курсдошлари экан. Исмоил акам келиб, «Сени касалхонадан соат 15 дан 17 гача уйга олиб кетаман, меҳмонлар келган», дедилар. Машинага биргалашиб чиқдик, қарасам, Ҳаким акам билан уларнинг укаси Иброҳим акам кутиб олишди, уйга бордик. Уйда мени учалалари дуо ўқиб даволашди. Иброҳим акам таважжўҳда: келинни қовуқлари тепасида мошдек тошлари бор, — дегани-да, тавба дедим, у киши кулиб Худо хоҳласа тузук бўлиб кетасиз, Саида», — дедилар. Шунда докторлар душанба куни рентгенга туширишмоқчи, тушаверайми, деб сўрадим. Иброҳим

акам кулимсираб, «кўнглингизга олиб юрманг, тушсангиз тушаберинг. Лекин чоршанба кун ирталабки намозгар вақтида тошингиз тушиб кетади», деганида, вожаб бундай сўзларни биринчи бор эшитишим. Душанба кун докторлар махсус асбоблари билан текшириб, ўнг томонимда икита буйрак, чап томонимда битта буйрак борлигини айтишганди. Учала буйрагим соғ бўлиб, сийдик йўлида моддек тош бор, деб ташхис қўйишди.

Тош ичимдан тушиб кетди, Иброҳим акам айтган кун идрдан қутулдим.

2088 йил неварамни кўтариб юрган кезларим йиқилиб тушиб биринчи, иккинчи умуртқам синиб ётиб қолдим, уч ой ётдим, шундан бери белим оғриб безовта бўлардим. Кунларни бирида ипподромда Ҳакимжон акамни кўриб қолдим, ҳол-аҳвол сўрашгач, дўстини сўраб уни телефонини ёзиб олди, ўша кунни ўзидаёқ турмуш ўртоғим билан учрашиб, "Элликқалъа мўъжизаси" китобини бериптилар. Биз ўқиб чиқдик, эр-хотинда ушбу даргоҳга бориш иштиёқи пайдо бўлди. 2011 йил 13 декабрида олти киши бўлиб поездда отаи Кечирмас ота даргоҳига етиб келдик. Даргоҳда туриб даволанувчилар бизларни илиқ кутиб олишди, узоқдан келгансизлар ўтириб чой ичиб олинлар дея бизларни шарт-шароитлар билан таништиришди. Табобатсарой шифо талаблар билан тўлиб кетаркан, улар республикамизнинг ҳамма ҳудудларидан бор.

Борганимизга уч кун ўтганда олдимда тўхтаб:

— Сиз қаердан келдингиз? — сўрадилар ота, манзилни айтдим.

— Сизлар азиз жойдан экансизлар, — дедилар-да, бошимни қўли билан босиб туриб ишхонамни сўрадилар, кейин қаерим оғришини айтиб орқамга гурсиллатиб урдилар, томоғингизга бир нарса тиқилар экан. Мана бу ерингизда қаттиқ оғриқ бор деб оғриётган еримга бир тепиб чиқ-чиқ дедилар. Ўша муолажадан икки кундан кейин касалимдан асар ҳам қолмади. Чой

қайнатаётган Азизахонга, Илмияхонга ва барча даволанаётганларга Яратгандан шифо сўраб, қилаётган ишларидан авлиё оталарим рози бўлишини сўрайман.

Отаси Тўхтабой ота, иложсиз қолганларга кўмак бермоқда, хаста одамларга икки оғиз ширин сўз билан кайфиятини кўтариб, яшашга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, саховатли ишларга ундамоқда. Мулла отам, «пок имон ва эътиқод билан, қаноат ва сабрда бўлиб, бошқаларга эзгулик улашиб, ўзгалар кўнглини олиб яшаш дунё неъматлари ичида энг нодиридир», деб уқтирадилар. Қанийди, мен ҳам шундай неъматни бир учқунига эга бўлсам.

Зоти муборак Тўхтабой отам ва Амина онамлар зурриёдларининг бахти камолини кўриб яшашини Аллоҳдан тилайман.

*Сайдинисо Рамазонова,
Занги ота*

ҚАДАМЖОДА ҚУТЛУҒ ТАНТАНА

Яқинда Элликқалъанинг Кечирмас ота қадамжосида катта тантана бўлди: халқ табиби Тўхтабой отанинг муборак олтмиш уч ёшга тўлган куни билан қутлагани Туркманистондан, Қозогистону Қирғизистонлардан гурас-гурас меҳмонлар келди. Табаррук қадамжо яқин йилларда бунақа тўйу тантананинг гувоҳи бўлмаган эди.

Гап шундаки, Тўхтабой ота ўзида шифобахшлик фазилати борлигини жонажон Мустақиллигимиз йилларида – эҳтимол, ундан ҳам аввалроқ билгандиру, лекин... – ниҳоят, тўла англаб етгач, Республика Халқ табобати академиясининг қилни қирқ ёрар олимларию мутахассисларининг қайта-қайта синовларидан ўтганидан сўнг, астойидил касалларни даволашга киришди. Ўтган эмин-эркин йиллар давомида минг-минг шифоталаблар Тўхтабой отанинг шифобахш қўлларидан шифо топдилар. Шунинг баробарида, собиқ Иттифоқ йилларида харобага айланган – кўрган кишини беихтиёр

ваҳимага соладиган қадамжони эл ардоғидаги табиб обод бир зиёратгоҳга айлантирмоқ учун бел боғлади: бутун Кечирмас ота қадамжосини кўрсангиз, атроф теваракнинг озодалигию ободлигига, бир замонлар нураёзган мақбараларнинг кўркем қилиб таъмирланганига қойил қоласиз. Инсон қўли гул, деб шуни айтсалар керак-да!..

Дарвоқе, ўша куни эрта тонгдан бошланган тўйу тантана то алламаҳалгача авж олгандан авж олаверди. Меҳмонларнинг табригу қутловларига халфаларнинг дoston-қушиқлари ўзгача бир файзу шукуҳ бағишлади. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубова раҳбарлигидаги Хоразм рақс ансамблининг ўйинчи қизлари баҳсма-баҳсига ижро этган арабча, ҳиндча, хоразмча рақслари эса барчага завқ-шавқ бағишлади.

Топган бир даста гул, топмаган бир боғ пиёз деганларидек, тантана иштирокчилари — Тўхтабой отанинг ўнлаб собиқ даволанувчилари ўз халоскорларига миннатдорликларини зўр ҳаяжон билан изҳор этдилар.

ХУЛОСА

Кўп инсонлар тасбеҳ кўтариб зикр айтиб юришни истайди.

а) “Субҳоналлоҳ”ни зикр қилиб юрса, ўша инсон танасидан касалликлар ерга тўкилади. Зикрни яна кўп такрор айтиб юрса, албатта таҳоратли бўлиши шарт, ердаги тўкилган касалликлар осмонга — юқорига кўтарилади.

б) “Астағфируллоҳ”ни зикр қилса, инсон танасидаги касаллик танани тарк қилади. Оғриқ қўзгатувчи вирус тирқираб қочади.

Элимиз ичида рак (ўсма) касаллигини кўпайиб боришини сабабидан бири дуодан, илми — жодудан деб қаралиши мумкиндир. Ҳозирги замонда касалликларни хилма-хилини кўпайиши одамнинг ўзи билмай қилаётган хатти-ҳаракатидандир.

Динни жуда чуқур ўрганиб бўлмас экан, чунки инсониятни ривожлантирувчи омилларнинг энг ўртаси, Яратган зот бизга беш фарз ва шарият аҳкомларини белгилаб бериб қўйишти — шуларга ўта муҳим аҳамият бермоқлигимиз лозимдир.

Ёш авлодни тарбиялашда уларни ёмон иллатлар: ҳасад, кибр, рийё, таъма, манманлик, пора ва ҳоказолардан ҳазар қилишни (парҳез) уқтириб туриш керақдир ҳар доим (бировни нарсасига кўз олайтиришдан қўрқиш, нафсни жиловлаш).

Дардманд ушбу даргоҳга бориш ниятида Тангри таолога юзланиб йўлга чиқса, йўл-йўлакай касали олиниб, ўзи енгиллаб боради ва даргоҳ дарвозасидан кириб қадам ташлаши биланоқ инсон танасидаги касаллик чанг ютгич чангни сўриб олаётгандай танадан тортила бошлайди.

Одам танасидаги ўсмани врачлар икки тоифага бўлишади, ургочи ва енгил ўсма. Бу ҳозирда бизни замонамизда жуда кўп тарқалмоқда, эркак ўсмани олиб ташлаш учун анча вақт керак бўлади, аммо ургочи ўсмани маълум вақтда олиб ташлагандан сўнг унга юқоридан яна куч келиб унга қувват бериб турилади, уни муаккилидан. Шунинг учун бизни даргоҳда кўп йиллар юриб илоҳий нур олиб енгиллаганида уйига жавоб бериб кўрилади, уйида яхши яшаб кетса юраверади, яна қайтарилса касалманд яна бизни ёнимизга келади, биз токи уни муаккилини топиб олсакгина касалидан қутулади. Бу ўсмани келтириб чиқарувчи вируслар юз хил бўлади, шу вақт ичида биздан жуда кўп вақт ва қувват талаб қилинади.

Қандли диабетни ҳам ўсманинг бир тури деб қараш мумкин. Оддий ўсма рентгенда кўринади, у рангли, аммо қанд диабетини келтириб чиқарувчи вируснинг ўттиз хил сабаби бор. Бундай мудҳиш касалликлардан қутулиш чораси дуохонликни, фолбинликни, сувга, чойга, емак-ичмакка, кийимга дам солдиришлар ва ҳоказоларни таъқиқланиши керак.

Инсонларга ҳозирда эскиликка берилиш керакли нарса эмас, техника мислсиз ривожланиб бормоқда, медицина ютуқлари катта, ҳатто юракни, буйракни ва мияни ҳам алмаштиришмоқда, илм-фан юксак даражада. Юқоридагидек хурофотга берилиш бизни яна минг йил орқага суриб юборади — шуни одамлар англамоғи керак. Китобнинг асл мақсади, шундан иборат, адашганларга

тўғри йўл кўрсатиб, тўғри йўлга солиш. У ва бу касаллик отанинг сўзидан, руҳий қуввати кучидан, ҳаракатидан гузалмоқда, деб тарғибот қилиш эмас, касалликларнинг олдини олиш, руҳий-психологик чора-тадбирини кўришдир. Агар хурофот тўхтатилмаса, яна бир қанча одамни умри зое кетади, мудҳиш ишлар билан курашиш учун ўсиб келаётган ёш авлодни хурофотдан асраш, авайлаш, илмли, салоҳиятли, соғлом авлод қилиб тарбиялашимиз лозим.

Аввалги китобда зиёратдан тушган маблағни қурилишларга ишлатилаётганини айтиб ўтдик, у иншоот қурилди, буниси қурилди, деб реклама қилиш мақсадида эмас. Комил инсоннинг халқдан келганини, яна халққа қайтараётганини билдириш, холос.

Хурофотга берилгандан кўра, илм ўрганиб, яшаш шароитларини яхшилайлик, бизнинг Ўзбекистон диёримизда ҳамма нарса бор, йўқ нарсанинг ўзи йўқ, миллий бойликларимиздан унумли фойдаланишни ўрганмоғимиз даркор. Миллий гуруримизни кутарайлик, иш ўринларини кўпайтириб, ҳаммани иш билан таъминлаш чора-тадбирларини топайлик, бағрикенгликни ёшлар ўзларига жо қилсинлар.

Мухтарам китобхон

Қўлингиздаги мазкур мажмуа оркали ғойибона дийдорлашар эканмиз, сиз асизлардан ўтинчимиз шупки, китоб мутолааси асносида бирон-бир саҳву хато кўрсапар ёки маънонинг асосида, максаднинг баёнида ортиқчалик ёҳуд нуқсон сезсапар, буни авф қаламтароши билан ўчиргайлар, зеро оғиз бандаликдан бизлар ҳам бебаҳра эмасмиз. Биз бу рисолада таъриф утавсифини келтираётган қадимжолар ва бу даргоҳларда хизмат этаётган табаррук зотлар ҳақида нуқсонли гаплар айтган бўлсак, аввалдан кечирим сўраймиз.

Мухтарам ўқувчиларимиз ёганларимизни теран мулоҳазапар ила қабул этадилар, даб-дурўстдан инкор этишга шошилмайдилар деб умид қиламиз. Оқил кишилар фаҳму фаросат назари билан яхши ёмонни, ҳақ ва ботилни тўғри ажратиб оладилар.

Мазкур китобни тайёрлашда яқиндан ёрдам бериб, компьютерда териб берган Шаҳида Ҳоджаевага ва Тожирагул (Нурхон) Паёзовага ўз миннатдорчилигини билдиради. Мухаррир Икромитдин Остонақуловни хизматидан Аллоҳ таоло рози бўлсин, умридан барака топсин, берган маслаҳатлари учун раҳмат.

Муаллиф

Муаллифнинг ёзма ижозатисиз тижорат мақсадида сотиш, манбани кўрсатмаган ҳолда нқтибос олиш қонунаман этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф .
“Тасаввуф ҳақида тасаввур”. Шарқ, Т—2010.

2. Обиддин Маҳмудов. “Уммондан дурлар” Гафур
гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
Тошкент —2010.

3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Зикр
аҳлидан сўранг”. “Мовароуннаҳр”. № 20—65.
Тошкент— 2006—2008.

4. Исматилла Маманов. “Таскин”. “Шарқ”.
Тошкент—2009.

1. Имом Абу Мансур ал-Мотурудий ҳижрий 333 йили,
милодий 944 йили вафот этган.

2. Бу ерда немис олими Ульрих Рудольфнинг 2001 йили
ўзбек тилида босилган “Ал-Мотурудий таълимоти ва
Самарқанд суннийлик илоҳиёти” китоби кўзда тутилмоқда.
— *Муҳаррир.*

МУНДАРИЖА

Китоб ҳақида.....	3
Тақдим.....	6
Муқаддима.....	9
Зиёратгоҳга бир назар.....	10
Инсонийликка даъват.....	22
Иймон зарурати.....	23
Мулла Тухтабой ота нега Абу Мансур ал-Мотурудийни эслади?.....	24
Комил инсон.....	29
Таваккул.....	33
Ҳайвон ва инсон.....	33
Азаимхон ва дуохонлар.....	35
Нострадамус.....	37
Аёл иффати.....	39
Никоҳ.....	41
Аёл киши ўзига хос табиат билан яралган.....	43
Аёллар эътиборига	44
Инсонни математик ифодалаш.....	45
Тухтабой ота айтади.....	47
Рўза.....	48
Тамсил.....	49
Ривоят.....	50
Бола тарбияси.....	52
Ўз уйидан қочиш.....	53
Фаҳм.....	57
Сухбатдан.....	58
Қассоблик ҳақида.....	58
Зардоб.....	59
Бечора ким?.....	60
Ҳазил	61
Ҳикоя.....	62
Тўғрлик нажотта олиб боради.....	63
Гийбат.....	66
Тухтабой отанинг ҳикматли сўзларидан.....	68
Одоб.....	79
Хаёл ва ҳақиқат.....	81

Китобнинг ўқувчи билан мулоқоти.....	84
Шайтон малайи.....	86
Мулла ота айтади.....	87
Эр сири.....	93
Сўқулуқ бобо зиёратгоҳи.....	99
Совуқлик.....	100
Шайтоннинг бадбўй ҳиди.....	101
Умр мезони.....	104
Миннатдорлик туйғуси.....	108
Буйракни шамоллатиш оқибати.....	109
Юрак касали.....	110
Қизимнинг соғайиши.....	114
Ният.....	115
Дардимга дармон топдим.....	119
Ҳикматта йўғрилган сиймо.....	121
Халослик ихлосдан.....	125
Нурли қўллар муъжизаси.....	130
Шукроналик.....	131
Ваҳимани енгиш.....	134
Тарқалган қора булутлар.....	135
Сабабчига минг раҳмат.....	139
Аччиқ дори ўрнига енгил шифо.....	141
Дуохонлик — жодугарлик.....	143
Нафас қисиши.....	148
Ёмонлар “яхшилиги”, яхшилар “ёмонлиги”.....	149
Илҳом тўлқинлари.....	154
Ҳолат.....	176
Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари.....	181
Қадамжода қутлуғ тантана.....	183
Хулоса.....	185
Фойдаланилган адабиётлар.....	189
Мундарижа.....	190

Муқованинг биринчи бетидаги миниатюрани Бобур Ҳасанов ишлаган. Муқованинг тўртинчи бетидаги расм «Кечирмас ота» зиёратгоҳи дарвозаси.

Адабий-бадший нашр

ҲАКИМЖОН МАДРАҲИМОВ

ЭЛЛИКҚАЛЪА МУЎЖИЗАСИ

*(Мулла Тухтабой ота ҳақидаги янги
маълумотлар, фикрлар, шеърлар)*

Муҳаррир Ҳикоят Маҳмудова

Рассом Шуҳрат Мирфаёзов

Саҳифаловчи Садоқат Абдувалиева

Мусаҳҳиҳа Нилуфар Мавлонова

Нашр. лиц. АИ № 104, 15.07.2008. Босишга 20.04.2012 йилда
рухсат этилди. Baltica TAD гарнитураси. Қогоз ўлчами
84x108 1/32. Офсет босма усулида оқ қогозга босилди.

Шартли босма тобоғи 12,0. Адади 2000 нусха.

Буюртма №44. Баҳоси келишув асосида.

«MERIYUS» хусусий матбаа-нашриёт
корхонасида нашр этилди.

Манзил: ген. Узоқов кучаси, 2 А-уй.